

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№2/2024





*...Панада турмоқнинг фурсати эмас,
Бу тупроқ фақирлар турбати эмас,
Соҳиб бўл, давлатнинг мурвати эмас,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.*

*Диёнатли ўтган наслу насабинг,
Ноҳақликка бардош бермас асабинг,
Керагида бўлсин қаҳринг, ғазабинг,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.*

*Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлур,
Кўзи чақноқ бўлар, қалби ўт бўлур,
Қаторда нори бор ватан бут бўлур,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош.*

*Мен деб кўкрак кериб юргувчи ўзинг,
Юртга соқчи бўлиб тургувчи ўзинг,
Буюк келажакни қургувчи ўзинг,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!*

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири

МУНДАРИЖА

36




78



72

102



108

4. КҰРИБ-КЕЧИРГАНЛАР

Уруш билан дунёни олиб
бўлмайди

10. XXI АСР ЎЗБЕК ФАНИ

Келажакни математикага асослаб
қуришимиз керак

22. ЗАМОН ВА ЗАМОНДОШ

Ўзга юртда
ўзликни асраб

26. ГАПЛАШАДИГАН ГАПЛАР

Биз нималар ҳақида сўзлашамиз?..

32. ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

Қалтис саволларга нозик жавоблар

36. ҚОНДОШИМ-ҚАРИНДОШИМ

Довруғи Олатовдан ошган адиб


52. ТАВСИЯ

Эшиклар очиқ, лекин...

10




96



88



62



32

56. БОНГ

Лойқа сериаллар

62. ЭЛ ОДАМЛАРИ

Юрак саҳнасидаги кечмишлар

72. МИЛЛАТ ВА ИЛЛАТ

Глобал қишлоқ чегараси

78. ДАРСХОНА

Дунёнинг миллий шоири

88. РУҲИАТ ТИЛСИМЛАРИ

Тавба саодати

96. ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Берунийни ҳайратлантирган Бомийён

102. ИЛДИЗСим-сим, эшигингни оч ёхуд
тилсимланган эртақлар**108. МАВЗУ ВА ТАҲЛИЛ**

Турдимурод МУСТАФОВ

УРУШ

БИЛАН
ДУНЁНИ ОЛИБ
БЎЛМАЙДИ



Инсоният 2024 йилнинг 2 сентябр санасида Иккинчи жаҳон уруши якунланганига 79 йил тўлганини нишонлайди. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида тинчликнинг қимматини, урушнинг маъносиз, ёвуз қиёфасини боз эсга олмоқ умидида Сурхондарёнинг Қумқўрғонида истиқомат қилувчи уруш иштирокчиси, 103 ёшли Ҳайит бобо Мусаевни йўқлаб, у кишининг хонадонига бордик. Отахоннинг ёлғиз ўғли Муродали духтир ҳам етмишдан ошиб, оқсоқолга айланган киши экан – бизни илиқ қарши олди.

Аввал отахоннинг қошига ўғли Отабек муаллимни «кириб, хабарлашиб чиқ» деб жўнатиб юборди. Бобонинг ёнидан чиққан Отабек муаллим бизни ҳовлининг чап томонидаги уйга бошлаб кираркан, сариштали хонанинг файзи, кексаларга хос таровати, қуёш тушиб турган деразада турган гуллари бизни ўзига эл қилдиқўйди. Ҳайит бобо қулоғига қарийб босиб турган «Кипо» радиоприёмнигини диққат билан тингларкан, бизга бир қараб олдида, шаҳодат бармоғини лабига босди: «Эшитиб олай, жим...».

Радиодан Фаластиндаги уруш воқеалари хабари берилаётган эди. Бир неча дақиқалик ахборотни жим тинглаган Ҳайит бобо ўрнидан бир қўзғалиб олдида, серажин қовоқларини қисиб, бир Отабекка, бир менга паришон термилди.

– Бу киши сиздан интервью олмоқчи экан. Тошкентдан атайлаб келибди. 9 майга журналга чиқармоқчи...

– Ҳа, шундайми?.. – чол менга кулимсираб қаради. – Қани, оғам, яхши келдингизми, бола-бақра омон-эсонми?.. Отабек, чойга қара...

Отабек эшикдан кириб келган бешолтида ўқийдиган қизчанинг қўлидаги дастурхонни олиб, хонтахта устига наридан-бери ёя бошлади.

– Бобожон, саломатмисиз, дамлигинамисиз?..

– Ҳа, худойжонга шукур. Берган кунига шукур. Акаларим кўрмаганни кўриб, насибамни териб ўтирибман-да, улим... Сиз қаердан ўзингиз, қайси уруғдансиз?

Мен ўзимни таништирсамми-йўқми деб иккиланиб, таваккал гап бошладим:

– Бобо, мен асли Қизириқдан. Танимайсиз-ов...

– Катмандан бўлсангиз, тўғизми, аллопми уруғингиз?



– Ибе... – бобога нима дейишимни билмай, тутилиб қолдим. У киши бу ердан қарийб олтмиш чақирим наридаги туманим одамларининг уруғини беҳато айтган эди. – Тўғиз уруғим, бобо, Қўнғиротнинг тўғиз шохидан... Сиз қаердан биласиз?

– Ҳе, мулла жигит, биз ҳам сал-пал юрт кезганмиз-да, ўшаёқлардаям пахта эканмиз...

Мен эса бобонинг фаросати, ақлу тафаккурига ҳалиям кераклича баҳо бермай, тезроқ муддаога кўчиш ниятида мавзуни Хотира куни, уруш воқеаларига қаратиб бурдим.

– Бобожон, бизга урушда бўлган йилларингиз, хотираларингиздан гурунг берсангиз...

– Ниманиям айтайин сизга? Мана, радиода айтиб ётибди-ку барини... – Ҳайит бобо бир зум маъюсланиб жим қолди. – Урушга тўймайди экан-да бу одам бола-си... Менинг айтадиганларим нима ҳам бўларди? Шу вақтларда асирларни газлатиб, тириклай кўмиб ўлдирган фашистлар ҳалиям яшаб юрган экан. Биз бўлса уларни қириб юбордик деб аҳмоқ бўлиб юрган эканмиз. Шуни билдим. Воҳ, аттанг-эй... Булар рўзани билмаса, мусулмонни билмаса... Шуям уруш бўлди, шуям инсофданми? Бу одамзоднинг қорни тўйса шул экан-да, бир-бирининг гўштини ер экан...



Лев Толстой, Ҳемингуэй, Ремарк, ўзимизнинг Шухрат домла ва бошқаларнинг асарларида ҳам шу бир улуг масала кўтарилган: инсон қадри! Бу асарларнинг ҳар бирида урушнинг мантиқсиз жараён экани айтилган ва қораланган.

Мен шундагина чолнинг таъбини тийра қилган нарса радиода эшитганлари – уруш тафсилотлари эканини тушундим.

Отахоннинг кўкидаги оғриқ менга ҳам кўчгандай бўлди.

* * *

Бир пайтлар «Дунёнинг энг буюк 500 уруши» деган китоб қўлимга тушганди. Ўқиб ҳайрон бўлгандим. Айни дамда уруш ва тинчлик мавзуси нақадар муҳим ва долзарб эканини бот эсларканман, Қобил ва Ҳобил воқеасидан бошлаб бугунги кундаги халқаро хунрезликлар ҳақида ҳам ўйлаб қолдим. Қобил ўз жигари Ҳобилнинг бошига урган тошнинг номи кибр ва ҳасад деб аталганига ишонаман. Бу тош бугун снарядлар, ракетааларга айланди. Атом ва водород бомбаси шаклига кирди у машъум тош. Бутун оламга доврўқ солган

жаҳонгирларнинг ҳам асл муроди аввало ўзгаларни ўзига маҳкум ва тобе этиш бўлганига ишонаман. Уруш мавзусида қалам тебратган адиблар Лев Толстой, Ҳемингуэй, Ремарк, ўзимизнинг Шухрат домла ва бошқаларнинг асарларида ҳам шу бир улуг масала кўтарилган: инсон қадри! Бу асарларнинг ҳар бирида урушнинг мантиқсиз жараён экани айтилган ва қораланган.

Аммо, аттангки, урушлар ҳалиям давом этмоқда. Ҳалиям бегуноҳ жонларнинг ёстиғини қуришиб, болаларнинг доду фарёдини ўқлар товуши босиб урушлар давом этапти.

Бироқ Ҳайит бобо Мусаевнинг хонадонидаги осойишталик юртимизнинг ҳар бир гўшаси учун улгу десак, хато бўлмайди. Катта йўлнинг устидаги бу ҳовлида ажойиб дарахтлардан иборат чоғроққина боғ яшнаб турибди. Кириб боришдаги йўлакнинг ҳар икки томонида турфа гуллар яшнайди. Дид билан парваришланиб, вайиш қилинган тоқлар



уй томига қўл ташлаган... Ҳовлига кирган одамнинг ўз-ўзидан чиройи очилади. Ҳовлида иккита уй солинган. Ҳар икки уй тоқлардек қўл ушлашиб, қўшилиб кетган. Ҳовлида асрлар сабоғини ўзи билан олиб келаётган отахон бешиқдан қўлларини чиқарганча эркаланиб ётган болакай билан бирга умргузаронлик қилади. Ўзбекнинг оддий ҳовлиси, уйи... Ҳовлига кирган кишининг димоғига тинчликнинг хиди гупиллаб урилади.

Ҳовлидаги шу илиқлик юракка кўчаркан, Ҳайит бободан кўпроқ тинглашим лозимлигини яна ҳис қилдим.

...Пулҳокимлик Муса полвон деган кишининг тўртинчи ўғли эдим. Янги ерларни ўзлаштириш маҳали шу сувли туманларга кўчиб келганмиз. Беш йилнинг ичида бирин-кетин бўй етган тўрт ўғилниям урушга олиб кетди. Биргина Қудрат акам Сталинград урушида шаҳид бўлиб, узоқларда қолиб кетди. Учовимиз – икки акам билан мен тирик қайтдик.

*Мендан ҳам битта
қорахат келган.
Бир марта жанозам
ўқилган. Лекин
куним бор экан, мана
ўтирибман кўзли кесак
бўлиб.*



Бир йили Ғалаба байрамида бир йигит телевизорга туширгани келганда, мендан нима деб сўрайди денг: «Урушдан гапиринг, бобо, урушда қийналмадингизми?». «Эҳ, уккағардинг ули, саволингди қара-я, урушда роҳат борми?» дейман. Ўзиям гапирган гапидан кулади. Эҳ, нимасини эслайсан энди.

Мендан ҳам битта қорахат келган. Бир марта жанозам ўқилган. Лекин куним бор экан, мана ўтирибман кўзли кесак бўлиб. Куним бор экан, олти қиз, бир ўғил – Муродалибойнинг ризқ-насибаси бор экан,





Мени урушда яраланган
вақтимда бир ўзбек
билан арман солдат
майдондан олиб чиққан.
Иккинчи мартасида бир
ўрис елкасига кўтариб
ҳоспиталга обборган.

тирик келдим. Урушда уч марта ярадор бўлдим. Биринчиси Сталинградда, борганимизга тўқсон бир кун бўлганда ўмровимга ўқ тегди. Ҳоспиталда ўзимга келдим. Иккинчисида ўқ юзимга теккан. Жағим, тишлар синган, мен ўлгандан баттар бўлиб қолганман. Ана шунда шерикларим ҳужжатларимни командирга топширган. Мени ўлди деб ўйлашган. Шунда уйга қорахат кетган.

Мени эса бошқа солдатлар топиб олиб ҳоспиталга оборишган. Кўп ўтмай тузалиб кетганман. Тақдирни қарангки, мен навқирон ёшида жанозаси ўқилган, лекин шу кунларда 103 ёшга кирган одамман. Учунчисида Украинанинг Днеприда ярадор бўлдим. 18 ноябр куни каллага снаряд тушган.

Энди, оғам, куни борга кун сабаб, куни йўққа ким сабаб... Ёш-ёш йигитлар кўзим олдида ўққа учиб ўлиб кетди. Қанчаси қўлимизда жон берди. У эмас, бу эмас, кунимиз бор бўлган. «Ўлмаган қул кўради» деган гап бор-ку. У кунларни бировга қайта кўрсатмасин...

Урушдан қайтиб келсак, ота-энамиз бизни ўлди деб ўтирган экан. Акамнинг бирови қайтиб келган экан. Ҳали уруш туғашига олти ойча вақт бор эди. Буёқдаги – фронт орқасидаги ҳаёт ҳам урушдан беш баттар. Одамлар оч-яланғоч. Қишлоқ хўжалиги ботқоққа кириб кетган. Бунинг устига лонг тарқалди, пандемия бўлди. Очликнинг устига буям қўшилди. Кўп ёш болалар, хотин-халаж ўлиб кетди.



Ана шу вақтдаги аёлларнинг кучига, эс-ақлига раҳмат дейман ҳалиям. Аёллар эркаклардан зиёд ишлади. Ўт келса ўпирди, сув келса шопирди... Энажонларим... Ҳаммасини худо раҳмат қилсин!

Бугун одамзоднинг қорни тўйди, болам. Одамзод боди бўп кетди. Йўлга чиқиб уловга қўл кўтарса, эскироқ мошин тўхта-са минмайди. Қумқўрғонгача от-аравами, эшакми, нима дуч келса мингашиб кета-вергич эдик, буям бўлмаса пиёда борардик. Шунгами, унча-мунча касални касал ҳам демас эдик, чиниқиб кетганмиз-да. У замонлар одамларнинг еган овқатининг тайини йўқ бўлса ҳам кўзи тўқ эди.

Бугун мамлакатни қаранг... Яшнаб ётибди. Дастурхондаги овқатни бир уй одам ҳам еб тугатолмайди. Бунинг шукрини қилиш керак...

Болам, яна бир гапни мен айтай, сен эшит: одам одамга бўри бўлмасин. Уруш замонида бизнинг халқимиз ўрис билан украин, беларусларнинг қанча одамани бағрига олди. Ўзидан кам кўрмай, уйининг тўридан жой берди. У халқлар ҳам биздан меҳрини аямади. Мен кўрдим, бо-

лам, одамзод бир-бирига меҳрибон бўл-
маса, худонинг ҳам қаҳри келаркан.

Мени урушда яраланган вақтимда бир
ўзбек билан арман солдат майдондан олиб
чиққан. Иккинчи мартасида бир ўрис ел-
касига кўтариб ҳоспиталга обборган. Жо-
нимни сақлаб қолган. Мен шу йигитларни
унутаманми, унутиб бўладими?

Бугун ана шу нарсаларни эслаб, ўр-
нак олиб яшашимиз керак... Сира эсдан
чиқарманглар, уруш билан, ёмонлик би-
лан дунёни олиб бўлмайди.

* * *

Уруш манзарасини тўлиқроқ тасаввур
этиш учун қуйидаги иккита мисолга тўх-
талиб ўтиш кифоя деб ўйлайман.

Ўзбекистон аҳолиси 1941 йилда олти
ярим миллионта бўлган бўлса, шундан

жанг майдонларига салкам икки миллион
ватандошимиз жўнатилган ва уларнинг
тенг ярми уруш майдонларида ҳалок бў-
лишган.

Ўзбекистон аҳолиси урушнинг даст-
лабки 5 ойида эвакуация қилинганлар
ҳисобига тахминан 10 фоиз кўпайди.

Мана шундай синовлар ортида шонли
ғалаба турибди.

Бошқа мамлакатлар халқлари би-
лан бир қаторда елкама-елка туриб, фа-
шизмга қарши курашган халқимизнинг
фидойилиги, инсонпарварлиги, ҳаётга
бўлган беадоқ муҳаббати сабабли буюк
ғалаба қўлга киритилди.


Ҳайит бобо Мусаев каби жонфи-
доларнинг қадрини янада теранроқ ан-
лашимиз тинчликнинг, осуда ҳаётнинг
қадрини англаш демакдир.




КЕЛАЖАКНИ МАТЕМАТИКАГА

АСОСЛАБ
ҚУРИШИМИЗ
КЕРАК

Буюк немис шоири Гётенинг «Математика қизиқарли бўлиши мумкин, математик фокуслар таъсирли бўлиши мумкин, рақамларнинг бир-бирига алоқалари ғалати бўлиши мумкин. Рақамлар дунёни бошқармайди, лекин улар дунё қандай бошқарилишини кўрсатади» деган фикри бор экан. Дарҳақиқат, қайси давлатда ривожланиш юқори бўлса, ўша ерда математик илм, олимлар даражаси баланд бўлади. Юқори технологиялар, замонавий фанлар муваффақияти замирида математик назария ётади. Академик Ўткир Розиков билан математиканинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида суҳбатлашдик.





– Ўтқир ака, математика илмида сизни ҳайратлантирган нарса нима?

– Ҳар соҳанинг жозибаси бўлади. Адабиётшунос учун бадиий олам ўзгача завқ манбаи, биологга табиат мўъжизалари тинчлик бермайди. Математик учун шу соҳа сирлари билан шуғулланиш гўзаллик ва санъат каби эстетик завқ бағишлайди.

Математикада «х»ни топиш ҳамда энг муҳим математик ғояларни содда ва аниқ изоҳлашнинг завқи бошқача. Математика туфайли ёмон одатлардан қутуламиз: иккиланмасдан, фақат аниқ атамалар билан ишлаймиз; ахборот ва қоидаларни шунчаки эслаб қолмасдан, уларни баҳолаш, таҳлил қилиш, фикрлаш, тушунишни ўрганамиз. Оламни бошқачароқ кўра бошлаймиз.

– Математика сизнинг қисматингиз эканлигини қачон англаб етдингиз? Бунга ким ёки нима сабаб бўлган?

– Ўқитувчи оиласида дунёга келганман. Отам Абдулла Розиков жуда талантили физик эди. Отам билан суҳбатлар менда аниқ фанларга меҳр уйғотган. Мактабда математикага қизиқишим кундан-кунга ошиб борган. Ўқувчилик йилларимнинг асосий вақти пахта даласида ўтган (Ўзбекистон йилига 6 000 000 тонна пахта топшириш мажбуриятини олган пайтлар), лекин математикага муҳаббатим устунлик қилиб, дала ишларидан деярли ортмасам ҳам, аниқ фанлар бўйича синфдан ташқари китоблар, журналларни топиб ўқишга ҳаракат қилардим. Мактабда ўқитувчим Султонова Майрам опа математика фанини ўрганишимга катта ҳисса қўшган: мавзуларни синфдошларимга нисбатан тезроқ ўзлаштиришим сабабли устозим дарс бошлашдан олдин менинг партамга алоҳида мисолларни қўяр ва мактаб олимпиадасига тайёрланиш учун ёрдам берарди. Қизиқишларим мени Самарқанд давлат университети механика-математика факултетига етаклаган.



Математикада «х»ни топиш ҳамда энг муҳим математик ғояларни содда ва аниқ изоҳлашнинг завқи бошқача.

Самарқандни танлашимга сабаб ўшанда (1987 йил) мактабимизни мендан бирикки йил олдин битириб, СамДУга ўз кучи билан амалий математика, инглиз тили ва физика факултетларига ўқишга кирганлар борлиги бўлган. Чунки ўша пайтлар ўз кучи билан ўқишга кириш жуда қийин эди. Университетни тўғри танлаган эканман – ўқишга кирдим. Ўшанда СамДУ механика-математика факултетида Москва, Новосибирск ва Санкт-Петербург университетларини битириб келган кўпгина ёш домлаларнинг борлигива бошқа ўқитувчиларнинг ҳам кучлилиги, ҳалол ишлаши менга айтилиб берилган. Беш йил ўқиб бирор марта синов дафтарчамда 4 баҳо бўлмаган. Олимпиадаларда жуда фаол бўлганман, республика босқичида икки марта иккинчи ўринни олганман. Менга устозлик қилган СамДУнинг математик анализ кафедраси профессори Ахтам Жалилов Москва университетини битириб, у ерда дунёга машҳур математик Яков Синай раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлаган ёш домла эди. Талабалик йилларимда Синай ва унинг шогирдлари шуғулланадиган масалалар ҳақида Жалилов менга жуда кўп маълумот берган, ҳатто динамик системаларга бағишланган бир масалани ҳам ечиб кўрганман.

СамДУни тугатгандан кейин Жалиловнинг тавсияси билан математика институтига профессор Носир Фанихўжаев раҳбарлигида аспирантурага кирдим. Фанихўжаев ҳам Синайнинг мактабига




дохил олим сифатида менга статистик физика масалаларига бағишланган илмий мавзу берган ва номзодлик ҳамда докторлик диссертацияларим шу мавзу доирасида бўлди.

– Кишида математик қобилиятнинг ривожланишига қайси омиллар кўпроқ таъсир қилади – туғмами ёки орттирилган? Генетиками ёки муҳит? Табиатми ёки тарбия?

– Санаб ўтган омилларингиздан ҳар бирининг ўз ўрни бор. Лекин барибир асосийси туғма, генетик қобилият. Ҳамма ҳам математик бўла олмайди, аммо ҳар бир инсонни Аллоҳ нимагадир қодир қилиб яратган. Фақатгина шу неъматдан тўғри фойдалана олса ва астойдил ҳаракат қилса, албатта муваффақиятга эришиши мумкин. Математика соҳасига адашиб кириб қолганлар эса яхшиси вақтида ортга қайтгани маъқул. Чунки инсон ўзи қизиқмаган, руҳиятига бегона соҳада ишлаши жуда катта руҳий зўриқишларни келтириб чиқаради.

Нафақат математик учун, балки барча соҳа одамлари учун ҳам тарбия муҳимлиги ҳақида бир мисол айтсам. Мен ҳеч қачон болаларимни ўқийсан деб мажбурламаганман. Фарзанд тарбиясида назоратдан кўра оилавий муҳит муҳим деб ҳисоблайман.

Катта ўғлим Германияда, кичиги Сингапурда амалиёт ўтаяпти. Иккиси ҳам илм йўлини танлаган. Мен уларни уришиб, бақириб, қаттиққўллик билан тарбияламадим. Бир куни кичкина ўғлим компьютерда ўйин ўйнаб ўтирган экан. Унда ҳали бола эди. «Ўғлим, компьютер ўйнаяпсанми?» дедим. «Ҳа» деди у компьютердан бошини кўтармай. «Майли, ўйнасанг ўйнайвер, келажақда чиқинди титкилаб, бакалашка ёки макулатура йиғиб сотиб кун кўрасанда» дедиму бошқа индамадим. Ўғлим шу гапимдан қаттиқ таъсирланган экан. Кейин у вақтини бекорга сарфламади, менинг биргина танбеҳим унга дарс



бўлди. Ўз устида ишлади, ўқиди, ўрганди. Ҳозир хорижда нуфузли илм даргоҳида математика бўйича изланаяпти. Яқинда ижтимоий тармоқдаги саҳифасида шу ҳақда эслаб, пост қолдирибди.

Хулосаларимни ўғлим Лазиз Абдуллаев саҳифасидан олинган фикрлар билан якунласам. «Кўпчилик математик оиласида туғилганимни билганида биринчи сўрайдиган саволи «Ёшлиқдан шу йўналишга ундов ва талаб қўйилган экан-да?» деган маънода бўлади. Аслида эса отамнинг ҳаёт тарзини кузатиб улғайишим шу йўналишга меҳр ва қизиқишимни шакллантирган. Ҳеч қачон «буни ўқи... буни қил... уни қилма...» каби босимлар бўлмаган».

– Яхши математик билан ёмон математикнинг фарқи нимада?

– Менимча, математиклар ва номатематиклар бор. Ҳақиқий математикда мантиқий муаммоларни тўғри ҳал қилишда қатъият, масъулият, аниқлик ва тартибни кўриш мумкин.

Инсон математик масалаларни қанчалик мунтазам ечса, унинг характери шунча кучлироқ бўлиб боради. Бу эса ҳаётдаги муаммоларни ҳам ҳал қилишда ёрдам беради. Масалан, бундай ҳолатлар менда кўп бўлган ва математик ечим орқали вазиятдан чиқиб кетганман. Эсласангиз, бир пайтлар «36/6 спортлотто» телеуйини бўларди. Бир гал ўйиннинг жек-пот пули анча катта миқдорга чиқди. Оила аъзоларимдан бири «шу сафар бир омадимизни синаб кўрсак, балки шу катта пулни ютиб олармиз» деди. «Хўп! Нечта билет олиб

“

Хар бир инсонни Аллоҳ нимагадир қодир қилиб яратган. Фақатгина шу неъматдан тўғри фойдалана олса ва астойдил ҳаракат қилса, албатта муваффақиятга эришиши мумкин.

келай?» дедим. «Бешта» деди. «Майли, мен бешта билет олиб келаман, сен ҳозирча бирор қоғозга шу билетларнинг ҳар бирида қайси рақамларни ўчиришингни ёзиб қўй» дедим. У қоғозга рақамларни ёзиб қўйди, лекин мен бирорта билет олиб келмадим. Ўша ўйин бўлди, қоғоздаги рақамлар деярли чиқмади. Бунда мен оила аъзоларимни ҳам хафа қилмадим ва билетга ҳам пул сарфламадим. Қандай эришдим? Менга оддий математика ёрдам берди: чунки битта билет олган одамнинг ютиш эҳтимоли 0,0000005, яъни тахминан 0. Агар бешта билет олсангиз ютиш эҳтимолингиз 0,0000025, лекин бу ҳам 0 да!

Талабалик йилларимда ёзги таътилга борганимда қишлоқдаги озиқ-овқат дўконига ишлайдиган Воҳид тоғам «Дўконимга бир юк машина туз келди, шуни туширишга ёрдам бер» деб қолди. Бориб қарасам, машина тўла қадоқланмаган туз экан. Ҳайдовчи тузни тўрт тонна деди, тоғамда эса уни машина билан бирга ўлчайдиган катта тарози йўқ. Одатда бундай ҳолда олдин юк машинани юки билан бирга ўлчаш, кейин юкни тушириб, яна бўш машинани тарозида тортиш керак. Шунда юк оғирлиги келиб чиқади. Тоғамда эса бундай имконият йўқ. Тузни челақларга солиб ўлчаш ҳам анча вақт олади, агар

кам чиқса, яна ортиб бериш-чи!? Бу масалани мен математик ҳал қилдим: дўкондан ҳажмини ўлчаш қулай бўлган бир бўш қути олиб, уни тузга тўлдириб оғирлигини ўлчадим. Кейин машинанинг юкхонасини ўлчадим. Кейин пропорция тенглама қилиб, машинада қанча туз борлигини ҳисобладим. Натижа ҳақиқатан тўрт тоннага яқин чиқди.



Бир табиб менга турли ўтлардан дамлама тайёрлаб, бир кунда уч маҳал ичишни тавсия қилди. У дамламанинг миқдорини ва уч маҳал қанчадан ичишни айтди. Менинг ҳисобимга кўра ҳар куни тайёрланадиган дамламанинг тахминан 30 фоизи ортиб қолиши келиб чиқди. Шунда оддий ҳисобни қилолмайдиган табиб касални даволай олишига шубҳа қилдим. Тўғри ўйлаган эканман, духтирга борганимда «агар табибга ишониб юрганингизда, ўтпufак ёрилиб, ўлишингиз мумкин эди» деди. Математик ҳисоб ва мантиқ менинг қароримни ўзгартиргани катта фойда берди.



*«Майли, уйнасанг уйнайвер,
келажакда чиқинди титкилаб,
бакалашка ёки макулатура йиғиб
сотиб кун кўрасан-да» дедиму
бошқа индамадим. Ўғлим шу
гапимдан қаттиқ таъсирланган экан.*

– Математикнинг фикрлаш тарзи қандай бўлиши керак?

– Одатда математик олдин масаланинг тўғри қўйилганини аниқлаб олгандан кейин уни ечиш учун усуллар қидиради. Математикнинг фикр ва хулосалари қатъий исботларга таяниши шарт. Чунки фақат исботланган натижани ишонч билан ҳаётимизда қўллаш мумкин. Масалан, айлананинг узунлигини унинг диаметрига бўлсак, π сони чиқиши исботланган. Бу – иррационал сон, яъни ўнли каср қилиб ёзганимизда вергулдан кейин чексиз рақам ёзилади. Бугунги кунда айлана ва доира жуда кўп қўлланади. Демак, π қанчалик ноқулай сон бўлмасин, айлананинг табиатида у мавжудлиги исботлангани сабабли уни бошқа сонга алмаштириб бўлмайди. Шу сабабли инсоният айлана ва доираларни хатоларсиз қўлламоқда.

– Бадиий адабиётга муносабатингиз қандай?

– Адабиётда математика билан деярли ҳар қадамда учрашамиз, чунки адабиёт ҳаётнинг бадиий талқинидир. Адабий асарлар қаҳрамонлари ҳам доим математикага дуч келади. Ажабланарлиси шундаки, адабиётда ҳам қонуният бор. Масалан, шеъриятда бўғинлар сони – вазн ўлчамини олайлик. Ушбу ўлчамнинг аруз, бармоқ, эркин каби вазнлари мавжуд. Машҳур фантастик-саргузашт китоблар муаллифи Жюль Верннинг асарларидаги кўплаб маълумотлар ўқувчидан чуқур

математик таҳлил ва билимни талаб қилади. Машҳур ёзувчи Люис Керролл жуда зўр математик бўлган! Унинг ажойиб китоблар муаллифи эканлигини кўпчилик билмаса керак. «Эвклид бешинчи китобининг алгебраик таҳлили», «Эвклид ва унинг замонавий рақиблари» ва машҳур «Алиса ажойиботлар мамлакатаида» асари шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг таниқли математиги ва навоийшуноси, академик Абдулла Аъзамовнинг ижодида ҳам математика ва адабиётнинг уйғунлигини кўриш мумкин.

Шу сабабли математика ёзувчи ва журналистлар учун илҳом манбаи деган хулоса чиқаришга асослар етарли.

– Сизнинг илмий фаолиятингиз ўзбек илм-фанига нима берди?

– Мен илмий ишимнинг мураккаб номини айтиб журналхонларни қийнамай, чунки буни фақат математиклар тушунади. Лекин ишимдаги натижаларнинг амалиётга жорий этилишини айтиб ўтай: баъзи эпидемиологик моделлар динамикасини математик нуқтаи назардан тадқиқ этиш орқали маълум турдаги эпидемик касалликларнинг тарқалишини башорат қила олишимкони яратилди. Биологик жиҳатдан ирсий генетик касалликлар





гуруҳи бўлган гемофилиянинг динамик тизими ўрганилди. Гемофилия касаллиги авлоддан авлодга ўтганда хавфлилигини йўқотиб бориши исботланди. ДНК тизимларида Holiday бирикишларидаги ва ДНКларнинг РНКларга ажралиши учун ҳароратнинг критик қийматлари топилди. Бу геноинженерияда қўлланадиган муҳим натижадир.

– Галилей «Мумкин бўлган ҳамма нарсани математикалаштириш шарт, мумкин бўлмаган ҳамма нарсани ҳам математикалаштириш керак» деган экан. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги дунёда математиканинг роли қандай?


– Машҳур файласуф Эммануил Кант айтганидек, «Ҳар бир илмда математика қанча кўп бўлса, шунча кўп ҳақиқат бор». Шу гапни шундай талқин қилмоқчиман: турмушингизда ҳар бир қадамингиз математикага қанча асосланган бўлса, шунча муваффақият қозонасиз.

Айтмоқчиманки, инсоният шиддат билан ўзгараётган бу замонда ўз келажагини математик асосларга таяниб қуриши зарур. Буни бир мисолда ойдинлаштирмоқчиман. Олдинги асрда атом бомбасини яратиб, энди ундан қутулолмай юрган бўлсак-да, бугунги кунда ундан ҳам хавфли, чегара билмас муаммолар бор. Масалан, кибертаҳдид, ахборот хавфсизлиги, вирус тарқалиши каби катта хатарлар бор. Бу муаммоларни ечишда инфорацион технологиялар, дастурлаш, математик моделлаштириш ва кимё-биология каби соҳаларни ривожлантириш жуда муҳим. Бу соҳаларнинг асоси эса, албатта, математика!

Ахборот хавфсизлиги, криптография, яъни ахборотни кодлаб, бегоналардан сир сақлаш... Замонавий компьютерлар унча мукамал ўйланмаган кодларни миллионлаб комбинация орқали тез очиши мумкин. Шу сабабли



Турмушингизда ҳар бир қадамингиз математикага қанча асосланган бўлса, шунча муваффақият қозонасиз.



замонавий криптографиянинг асосий масалаларидан бири ҳатто компьютер ҳам қисқа вақт (айтайлик, камида бир йил) ичида очиб беролмайдиган кодлар яратишдир. Бу масала доимо ўз долзарблигини йўқотмаган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида Клод Шеннон томонидан шундай кодлаш таклиф қилиндики, бу математик янгилик ёрдамида уруш қутилганидан камида икки йил олдин тугатилди ва миллионлаб одамларнинг ҳаёти, миллиардлаб маблағ сақлаб қолинди.

Вируслар ва касалликлар тарқалиши тезлигини ўрганиш, уларнинг динамикасини баҳолаш учун турли математик моделлар анча вақтдан буён ишлатилмоқда. Масалан, «Covid-19»нинг тарқалишини башорат қилиш, унинг ривожланишига тўсқинлик қилиш учун карантин шартларини ишлаб чиқишда ҳам математиклар тавсия берган.

– Биз илм-фанга эътибор қаратамиз, маблағ ажратамиз, айти пайтда илм-

фан ҳам фойдали тадқиқотлари билан иқтисодимизни, қишлоқ хўjalaги ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга ҳисса қўшсин. Шу нуқтаи назардан қараганда, математика соҳасининг жамиятимизга берадиган реал нафи нималардан иборат?


– Ўзбекистонда математика ривожланган, биз бу фанни жаҳон стандартлари доирасида сақлашга ҳаракат қилаёпмиз. Дунёда математика соҳасида бўлаётган янгиликларни тўлиқ тушунишга ва уларга муносиб ҳисса қўшишга бизда илмий салоҳият етарли. Шиддат билан ўзгараётган дунёда математика фани эришган ютуқлари билан чекланиб қолмаслиги равшан. Айниқса Ўзбекистон учун математикани ривожлантириш зарурият деб биламан. Масалан, компьютер технологияси, дастурлаш, криптография, иқтисодиёт, физика, назарий механика, кимё, машинасозлик, оптимал бошқарув ва ҳоказолар бизнинг юртда ҳам ривожланиши ва замонга мос бўлиши керак.

Амалий математика соҳасида охириги йилларда юрак-томир касалликлари натижаларини башорат қи-

лувчи моделлар ишлаб чиқилиб, улар Кардиология марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидаги филиаллари ҳамда Эндокринология марказида жорий этилди. Янги дориларни яратиш учун мўлжалланган «MolekulGen» дастурлар тўплами ишлаб чиқилди. Проксимал сон суягининг синиши ва асосий остеопоротик синишлар эҳтимолини индивидуал ҳисоблаш учун чатбот яратилди. Парафрейзер, имлотекшируви, грамматик таҳрир, хулосаловчи ва нутқни матнга айлантириш каби хизматларни ўз ичига олган «muharrirai.com» платформаси яратилди. Саноат минтақаларида экоҳолатни мониторинг қилиш ва прогнозлаш учун дастурий модул, нефт қатламлари ҳудудларига кислотали ишлов беришнинг янги математик модели ва технологик кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти яратилди.

– Ўз соҳангизда қандай муаммоларни кўраяпсиз ва яқин йилларда шунга мос равишда қандай кашфиётлар қилилаяпти?





II

Ўзбек математикларидан тўрт нафари Жаҳон фанлар академияси академиги ва олти нафари «TWAS»нинг ёш олимлар бўлими аъзоси бўлишди.

– Менинг илмий соҳам математик физика ва математик биологиянинг замонавий муаммоларига бағишланган. Ҳар бир илмий соҳа ривож учун замонавий масалаларнинг ечими асос бўлади. Бугун математиканинг олдида қўйиладиган асосий масалалардан бири

сунъий интеллектни ривожлантириш учун математик асослар яратишдир. Инсон сунъий интеллект дастурини такомиллаштириш устида ишлаши учун ўз табиий интеллектга таянади. Сунъий интеллектнинг пайдо бўлиши илм-фан ривожини кескин тезлаштиради ва табиий интеллектимиз билан кашфиётлар қилишда калкулятор вазифасини бажаради.

Демак, олдин ҳам, бугун ҳам ва келажакда ҳам инсоннинг ҳаётида математиканинг ўрни беқиёсдир.

– Математиканинг ватанида яшаймиз, Хоразмийнинг авлодларимиз деймиз. Бугунги авлод математикларига қандай баҳо берасиз? Бизда потенциал каттами? Дунё илм-фанда ўзбек математикасининг ўрни қандай?

– Ўзбек математиклари халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда фаннинг бир нечта йўналиши бўйича машҳур олимлар раҳбарлигида илмий мактаблар яратилди. Уларнинг илмий изланишлари жаҳон миқёсида тан олинди. Ўзбек математикларидан тўрт нафари Жаҳон фанлар академияси академиги ва олти нафари «TWAS»нинг ёш олимлар бўлими аъзоси бўлишди.

Хориждаги нуфузли журналларда ўзбек олимларининг илмий ишларига чет эллик олимлар берган тақризларда «муаллифлардан бири жуда таниқли эксперт...», «бу йўналишда ўзбек мактаби муҳим ўрин тутди...» деган эътирофларга тез-тез дуч келамиз.

– Сиз хорижий давлатларда кўп бўласиз, етук илмий муассасалар билан ҳамкорлик қиласиз. Бизнинг таълим тизимимиз билан уларникини солиштирганда қандай фарқлар кўрасиз?

– Бизнинг таълим тизимимиз ҳам аслида ёмон эмас. Фақат ёшларнинг ўқиб билим олишига мотивация беришни кўпайтириш лозим. Бу борада ота-оналар муҳим рол ўйнаши керак. Бугунги



*Бугунги нотинч дунёда юртимиз
тинчлигини сақлашга хизмат қилувчи
миллий қурол-аслаҳаларимиз, хори-
жий компанияларга муте бўлмаган
ишлаб чиқариш тармоқларимиз
бўлиши шарт.*

кунда мактабларимиз синфхоналарида назорат камералари ўрнатилган ва мактаблардаги тартибни сақлаш учун миллий гвардия ёрдам бермоқда. Бундай тизим, масалан, Англияда ҳам бор. Бу камералар орқали назорат қилувчи мактаб раҳбарияти ва гвардиячи ўқувчининг дарсда ўзини тутишида камчилик кўрса, бу ҳақида ота-онага асосли видео кўрсатиб огоҳлантиради. Бунда эса ўқувчилар кўриши керак. Шунда ҳар бир ўқувчи уни камера назорат қилаётгани ва назорат ота-онасига етиб боришини тушуниб, тартибни сақлайди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва халқимиз турмушини яхшилаш учун албатта зўр мутахасис ва етук олимлар керак. Бугунги нотинч дунёда юртимиз тинчлигини сақлашга хизмат қилувчи миллий қурол-аслаҳаларимиз, хорижий компанияларга муте бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқларимиз бўлиши шарт. Бирор соҳада бошқа давлатнинг кўмагига қараб қолмаслигимиз керак. Қолаверса, яхши мутахассисларгина мамлакат ривожига салмоқли ҳисса қўшади.

Шу ўринда яхши математиклар математик билим орқали бойиб кетганига мисол келтираман.

Бирор маълумот керак бўлганида ҳаммамиз «www.google.com» сайтига кириб қидирамиз. Бу тизим бизга қидираётган маълумотларимизни жуда қисқа вақтда юқори аниқлик билан топиб беради. Хўш, бу мураккаб вазифани «Google» қандай амалга

оширади? Жавоб яна математикага бориб тақалади. 1996 йилда Калифорниянинг Стенфорд университетида информатиклар Лоуренс Пейж ва Сергей Брин томонидан тадқиқот лойиҳаси сифатида бошланган «Google» бугунги кунга келиб бир дақиқада 37 000 доллар фойда қилаётган йирик компанияга айланди. Демак, «Google» яратувчилари инсониятга бебаҳо қулайликлар тақдим этиш билан бирга ўзлари ҳам жуда катта даромад кўрмоқда.

Жеймс Саймонс америкалик математик, миллиардер. У инвестор сифатида танилган. «Форбс» хабарига кўра унинг 2019 йил феврал ойидаги соф бойлиги 21,5 миллиард доллар бўлган.

– Олим сифатидаги миссиянгиз нима эди ва уни бажардим деб ҳисоблайсизми?

– Математик анализ, алгебра ва эҳтимоллар назариясининг замонавий усуллари билан физик ва биологик системаларнинг термодинамикаси ва динамикаси назарияларини яратиб, уларни табиий фанларда қўллашга ҳаракат қилдим. Шунингдек, бешта китобим ҳозирги кунда дунёнинг 200 дан ортиқ университети кутубхонасидан ўрин олган.

«...миссиянгизни бажардим деб ҳисоблайсизми?» деган саволингизга жавобан бир воқеани эсладим: СамДУда талабалик йилларимда жуда яхши ўқиб, президент стипендиясига сазовор бўлиб, талабалар орасида ўтказиладиган олимпиадаларда ғолиб чиққанман. Шу сабабли баъзи талабалар мураккаброқ математик масалаларни ечиб беришимни сўраб туришарди. Бир-икки марта ёнимга келиб, билимимни кўрган талабалардан бири «агар мен математикани сизчалик билганимда бошқа ўқимас эдим» деди. Шунда мен «шунинг учун ҳам сиз ҳеч қачон менчалик билмайсиз» дегандим.

Демак, сира тўхтаб қолмаслик керак.

Шаҳноза РОФИЕВА
суҳбатлашди.

Гулжаҳон НАМОЗОВА ёзиб олди.

ЎЗГА ЮРТДА ЛИКНИ АСРАБ

Жамиятда ўрнини топишга интилиб, тинимсиз изланаётган ўзбек аёлларига ҳеч қачон осон бўлмаган. Ҳам орзуга етишиш, ҳам оила ташвишларини кўтариб юриш аёлларимизнинг нозик елкасига катта масъулият юклайди. Қувонарлиси, бугун нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам ўз илми, салоҳиятини намоён этиб, ўзбек номини оқлаб, кези келса ҳимоя қилаётган шижоатли қизларимиз бисёр. Қуйида улардан айримларининг фикрларига қўлоқ тутамиз.



Гулзода САДРИДДИНОВА,

**Германиядаги
«Eenexus Digital IT
Consulting» фирмасининг
«Microsoft 365 Business»
консультанти:**

– 2013 йилда «Au-pair» дастури билан Германияга келганман. Бу дастур олмон оиласида яшаб, немис тилини ўрганишни истаган одамлар учун айнаи муддао.

Бўш вақт бўлди дегунча кутубхонага чопардим. Бу ернинг кутубхоналарида муҳит ўзгача: жуда сокин, сув қуйган-

дай жимжит. Бўш ўрин топиш эса мушкул. Маҳаллий ёшларнинг илмга чанқоқлигини кўриб ҳавасим келган.

Германияда ўқийман деган ният билан бир йил тинимсиз ўқиб-ўргандим. Бир йилдан сўнг Ladshut амалий фанлар университетида бизнес информатика йўналиши бўйича ўқишга кирдим.

Олис юртда, ватандан ташқарида таҳсил олишга ота-онам қарши чиқмади. Қайтанга қўллади. Ҳатто Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида контракт асосида ўқишга кирганимда

ҳам, молиявий қийинчиликка қарамай, ўқишимга имконият яратиб беришди. Ваҳоланки ўша пайтда «қиз болани ўқитиб нима қиласиз?» дея ақл ўргатувчилар кўп бўлган. Шунинг учун ота-онамга муносиб фарзанд бўлишга, уларнинг меҳнатини юзага чиқаришга ҳаракат қиламан.

Бегона юртга келган одам қийналиши табиий. Тил ўрганиш, маданиятлар ўртасидаги фарқни енгиб ўтиш осон кечмади. Анча-мунча тер тўқдим. Боз устига, таълим тизими ўртасида ҳам катта тафовут бор. Масалан, университетда ҳар бир фан учун уч имконият берилади. Мабодо, талаба уч имкониятдан ҳам фойдаланолмаса, ўқишдан ҳайдалади. Германиядаги бошқа ҳеч бир университетга айти шу соҳа бўйича қайта ўқишга қабул қилинмайди.

Талабалик давримда кутубхоналарда шомни тонгга улаб чиқардим. Олдимга аниқ мақсад қўйиб, ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тўхтамадим. Олган билимларим, тўплаган касбий ва ҳаётий тажрибам дунёқарашимни тубдан ўзгартди.

Моддий жиҳатдан кўп қийинчилик кўрганман. Ўзга юртда ҳеч кимдан ёрдам сўролмайсиз, кўз ёшларингизга кимса ишонмайди. Қийналаяпсизми, демак, иш-лашга, яшашга мажбурсиз. Шу сабабли талабалик пайтимдаёқ танлаган соҳам бўйича ишга киришга мажбур бўлдим.

Бир куни автобусда ишдан қайтаётгандим. Бир чақам ҳам қолмаган, устига устак, қорним жуда оч эди. Нима қилишни билмай, ўзимни бироз овутиш учун сумкамдаги китобни олиб варақладим. Ё Яратган эгам! Китобнинг ичидан йигирма евро пул чиқди. Ҳолбуки пул излаб, барча китобларимни титиб чиққандим. Бу китоб ҳам қатордан қолмаган, албатта. Шунда худойим ҳеч бир бандасини ташлаб қўймаслигига яна бир бор ишондим.

Ўқишни битирдим. Бугун «Eenexus Digital IT Consulting» фирмасининг

«Microsoft 365 Business» консултанти бўлиб ишляпман. Вазифам – миждозларга «Cloud» тизими ва унинг АТ хавфсизлигидан маслаҳат бериш. Бу орада бир қанча ютуқларга эришдим. Жумладан, лойиҳа менежерлик бўйича «Serum», «Cloud» хавфсизлик бўйича «M365 Fundamentals and Microsoft Security, Compliance and identity» сертификатини қўлга киритдим.



Дилсора МИРЗААХМАДОВА,

Хитой Марказий миллатлар университети ўзбек тили ўқитувчиси, адабиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент:

– Талабалик давримда Хитойда ўқиш учун бир йиллик грант очилди. Таваккал қилиб ҳужжат топширдим. Бахтим кулиб, Чанчун шаҳрида бир йил ўқиш имкониятини қўлга киритдим.



Тошкентдан Пекинга учган самолёт ерга қўнганида ширин хаёлларим чилпарчин бўлиб кетди. Хитой тили дарсларида кўрган видеолар, ўқитувчимиз Донг хоним (миллати хитой) сўзлаб берган сеҳрли ва жозибали мамлакат буткул ўзгача намоён бўлди.

Аввалига сира кўника олмаган бўлсамда кунт билан ўқийвердим. Ота-онам, устозларимни ўйлаб, яхши натижага эришиш учун тинмай изландим. Эсимда, бир гал пулим тугаб қолди. Ўзбекистондан келган талабаларнинг бировида ҳам пул йўқ. Нима қилиш керак? Уйдан пул сўрашга юзим чидамади. Ўйлаб-ўйлаб, охири тиллаларимизни гаровга қўйиб, пул олиб турдик.

Бир йиллик ўқиш тугаб, юртга қайтдим. Ўзбекистондаги ўқишимни ҳам битирдим. Озроқ ишладим ҳам. Яна янги режалар билан Хитойга қайтишга қарор қилдим. Қолаверса, фарзандларимнинг халқаро муҳитда ўсишини, кўп тилларни билишини жуда истардим. Хоҳлаганимдай бўлди, қизим ҳозир тўрт тилда бемалол гаплаша олади.

Хуллас, илмий раҳбарим, хитойшунос олим, профессор Ву Йингхуйга хат йўлладим. Жавобини узоқ куттирмади. Тез алоқага чиқди. Интернет орқали суҳбатлашдик. Яхши мутахассис бўлишинга кўзим етади деб ишонч билдирди. У ерда эринг қўллаб туради дея иккаламизни ҳам давлат гранти асосида докторантурага қабул қилди.

Фақат биргина муаммо бор эди. Қизимизга виза олиш қийин бўлди. Виза учун масъул ўқитувчи мурожаатимизни рад этганди. Эр ва хотин нима қилишни билмай йўлакда хомуш турсак, раҳбарим келиб қолди. Дардимизни эшитиб, бола ота-онаси билан бўлиши керак деб визага масъул ўқитувчи билан гаплашиб муаммони ҳал қилди.

Хитойда илм қилишнинг қийин тарафлари ҳам бор. Бироқ қулай жиҳатлари кўп – кутубхоналар жуда катта ва бой. Электрон манбалардан ҳам бемалол фойдаланиш мумкин. Электрон китоблардан масофавий фойдаланиш тизими жуда яхши ишлайди.

Узоқ вақт бегона юртда юрганда ўзбек бўлиб қолиш, ўзликни, миллийликни сақлаш жуда қийин экан. Лекин бу нарсa жуда ҳам муҳим. Айримлар хорижда европалашиб ё хитойлашиб кетади. Бунга қаршиман, албатта. Боламнинг тарбиясида ҳам бунга алоҳида эътибор бераман. Айниқса тил масаласида қаттиққўлман. Асосий вақтим ишда ўтгани боис бола тарбиясида миллий қадриятлар, тилни сақлаш учун онамни олиб келганман.

Катта қийинчилик, уйқусиз тунлар ва тинимсиз изланишлар натижасида диссертациямни ёқладим. Ҳозир Хитой Марказий миллатлар университетида ўзбекилидандарсбераман. Талабаларим ўзбек тилини катта иштиёқ ва қизиқиш билан ўрганмоқда. Тилимизни ўргатишда устозларим қўллаган усуллардан фойдаланаман, барча имкониятимни ишга соламан. Ўзбек тилини ўргатаётганимдан, устозлигимдан фахрланиб юраман.



Севара НАБИЕВА,

**АҚШдаги «Pentan Consulting» АТ
фирмаси раҳбари:**

– АҚШга келганимизга йигирма уч йил бўлди. Аввалига бу ерда роса қийналдик. Америкага келган талабаларнинг кўпчилиги ресторанларда ишлайди. Бу бир тарафдан молиявий ёрдам бўлса, иккинчидан тилни яхши ўрганиб олиш учун имконият ҳам. Мен касса ходими бўлиб ишга кирдим. Бу иш банк соҳасидаги фаолиятим учун пойдевор бўлди десам адашмайман. Банкда менежер ўринбосари даражасигача бўлган вазифаларда меҳнат қилдим.

Ахборот технологиялари бўйича ўзимни синаб кўришга қарор қилдим. Эрим билан «Washington DC»да «Pentan Consulting» АТ фирмасини очдик.

Бу ердаги ўзбекларимизнинг тўйларига борсам, болаларнинг миллий кўшиқларимиз ритмини ҳис қилолмай, рақсга тушолмай бир четда қимтиниб турганини кўп кузатардим. Биз рақс тўғаракларига бормай тўйларда ҳам рақсни ўрганаверганмиз. Лекин чет элда яшаётган ўзбек болалар миллий рақсимизни, куйларимизни қаердан ўрганишади?

Бора-бора улар ўзликдан, миллийликдан бегоналашиб кетмайдими? Мана шу саволлар қийноғи мени ўзим яшаётган штатда ўзбекча рақс тўғараги ташкил қилишимга туртки берди.

Фикримга оилам, фарзандларимнинг дугоналари ҳам қизиқиб қолишди. 2019 йилнинг январида уйимиздан бир хона ажратиб «Маржон» рақс тўғарагини ташкил қилдик.

Қизларга миллий рақсимизнинг Фарғона, Хоразм, Бухоро ва бошқа услублари ҳақида маълумот берамиз. Тўғарак аъзолари учун кийимларни ўзбекистонлик чеварлар тикиб жўнатади. Саккиз қизалоқ билан тўғаракдаги дарсларимиз бошланган бўлса, ҳозир сафимиз анча кенгайган. Ўзбек миллий рақсларини ўрганишни истовчилар орасида бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Бу мени жуда хурсанд қилади. Ҳар дарснинг аввалида ўзбекча салом-алиқдан сўнг ўрганмоқчи бўлган рақсимиз, Ўзбекистондаги миллий байрамлар ҳақида қизларга маълумот бериб, батафсил тушунтираман. Рақс давомида болаларда миллатимиз ва мамлакатимизга қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиламан. Қизларимиз билан бошқа штатларда ташкил қилинган турли байраму тадбирларда ҳам бўлдик.

Менимча, ҳаёт турли қийинчилигу синовларсиз қизиқ эмас. Буни менга онам ўргатган. Ҳаётда ҳамма нарсадан яхшилик изловчи некбин одам бўлиш керак.



БИЗ

НИМАЛАР

ҲАҚИДА

СЎЗЛАШАМИЗ?..

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

Энди сизларга бир кўнглимни ёргим келди-да, эгачиларим... Ўп-калаган қариндошдан умид дейдилар. Мен ҳам сиздан ўпкаласам, гоҳо юзингизга ойна тутсам, мендан ранжиманг. Нима десам ҳам сизни, ўзимни – ҳаммамизни ўйлаб айтаман. Шоирлигим, ижодкорлигим боисмики, ўзликни, ўзбекликни биринчи ўринга қўяман. Виктор Гюго деган алломанинг бир гапи шу ерда ўринли: «Инсонни ўзгартиришни унинг момосидан бошлаш керак».

Сиз билан бизнинг – оналарнинг, момоларнинг давраларда, уйлари-мизда айтадиган гапларимиз тегра-мизда юрган фарзандларимизнинг ҳаётини белгилайди ахир.

Даврадаман. Бурч, ўзбекчилик, қолаверса аёллик тақозосига кўра ҳам ўтиришим шарт. Ўтирибман.

– Шоираларга хос бўлмаган ҳолда ўзингизга беркиниб оласиз... Деярли гапирмайсиз. Сизнинг ўрнингизда сафдошларингиз бўлса борми, булбулдай сайрашади, ҳеч кимга сўз беришмайди. Ҳаммани барабар оғзига қаратади...

Бундай эътирозни биринчи бор эшитишим эмас. «Менинг бору йўғим шу» десам – кибр. «Тўғрисини айтсам, сизларнинг айтаётганларингиз менга қизиқ эмас» десам уларда ҳам лаб-даҳан бор. «Сизнинг ҳам гапингиз бизга мутлақо қизиқ эмас» деб юборишларидан чўчийман. Ҳарна бўлгандаям «Замондошларим қандайдир даражада мени тушунишади, дарду қувончларимни ҳис қилади» деган умиднинг борлиги яхши-да. Шунинг учун ўрталиқ бир ҳолатни танлайман-да, елка қисиб, синиқ табассум қилиб қўя қоламан. Давра бир зумда мени унутади.

– Шу турмушга беришаётганларида роса ғўр бўлган эканман-да. Ўзимни келин кўйлақда маликалардек тасаввур қилиб, тўйга розилик бериб юбораверибман. Мана энди каптарнинг кўзидек зирак билан умрим ўтаяпти. Анови гумбаз қўшнимнинг ўнта бармоғида ҳам узук, тагин иккитаси тоза олмос... Шу гўрсўхтадан нима кам?... Куйиб кетаман... «Омад кимга боради? Пахмоқ билан аҳмоққа» деганлари рост экан-да...

Мен оппоқ бармоқлардаги кўзлари ложувард нур сочаётган узукларни тасаввур қилиб, тасаввуримдан бир маъни чиқариб, гапларига қўшилгим келади.

– Кўнглингиз бўлинмасин. Ҳукуматимиз хотин-қизларга... (шу ўринда телефонга муҳрлаган рақамларга кўз ташлаб оламан) яна ҳам аниқроғи, 233 мингдан зиёд опа-сингилларимиз учун 4 трлн 700 млрд сўм кредит ажратибди. 252 мингдан зиёд аёлни меҳнат бозорида талаб катта

бўлган касб-корларга ўқитибди. Насиб қилса, сизда ҳам ҳаракат бўлса, орзулаган узукларингиз ҳам келиб қолар, – дейман ўзимча давра кайфиятига муносиб гап топгандай.

Аёл менга энсаси қотиброқ қарайди:

– Вой-вой-эй, менга унақа осмондаги гапларни гапирманг. Қачон қаердандир бир сиқим пул келади-ю мен уни қанақа қилиб бир халтага айлантираману... Бу пулга қўша-қўша узук оламан... Бу элакка солинган сувдан олтин балиқ кутгандай гап...

– Йўғ-ей, ўзим давлатнинг мададидан куч олиб оёққа туриб олган қанча аёлни биламан. Қай бири қўлига тушган икки тангани йил ўтмай тўрт тангага айлантириб, гулхона барпо этиб, одамларнинг яхши кунлари учун чиройли гулдасталар тайёрлаб берапти. Бошқаси чопонга кашта тикиб, ўзимизникилар қолиб ўзга юртликларни ҳам ўзбекча кийинтирапти...



Ҳарна бўлгандаям «Замондошларим қандайдир даражада мени тушунишади, дарду қувончларимни ҳис қилади» деган умиднинг борлиги яхши-да.

Гапим давомли эканини сездими, даврадагиларнинг бири ҳомуза тортди:

– Шоирам, суҳбатингизни олайлик дегандик, қизиқроқ гаплардан олсангиз-чи. Анови... яна эрга тегибдими? Нечанчиси бу?..

«Санаб юрганим йўқ...». Ич-ичимдан шундай жавоб келади, лекин ёшим ўтиб анча босилиб қолганман. Кимнингдир гапи ёқса, ёқмаса, тарсиллаб жавоб қайтармайман. Лекин ҳар бир сукутим юрагимга юк бўлиб тушишини биламан.

Бу гал ҳам кўксим сиқилгандек бўлади. Даврани тарк этгим келади. Лекин қаёққа бораман? Бошқа давраларни кўрмабманми? Гапларини эшитмабманми?..

– Ўғлим келинимнинг туғилган кунига машина совға қилибди. Тавба, калитини қўлига бериб қўя қолса нима бўларкин? Бу бир парча темир жониворни ейиладиган тортнинг ичига яширар эмиш. Келин тортни кесаётганда ичидан чиқса, қувончи бошқача бўлармиш. Хунардан хунардан чиқади дегани шу-да...

– Хунардан эмас бу, хотинини елкасига чиқаргани, қараб турунглари, энди бошига қараб юради...

Тўғриси, баъзан бундай гап-сўзлар катта бозордаги гала-ғовурга ўхшайди. Улар орасидан амма, хола, қайнона, қайинсингил каби сўзларни элас-элас илғайман. Эркаклар, аёллар қиёфалари кинолардагидай аралаш-қуралаш ҳолда кўз олдимдан ўтади. Чойхоналар, ресторанлар, ҳатто телевизор экранларидан таралаётган гап-сўзлардан ҳам гоҳ бензин, гоҳ қўй ёғининг ҳиди анқийганга ўхшайди.

– «Нексия»мни иномаркага айлантирдим...

– Садир бор-ку, арава судраб юрган Садир... Аллақайси давлатга бориб ошхона очибди. Хотинига жарақ-жарақ пул жўнатаётган эмиш, бир йилда иккита квартира олиб қўйибди.

– Бугун чойхонамиз бор, жўра, эсингдан чиқмасин!

– Кечаги тўйни қара, ўзиям бир йил шиша йиққанми дейман, роса оқизибди...

– Оғзингизда мазаси қолиб кетадиган таомлар тайёрлашни ўргатамиз. Қўлингизга телефонингизни олинг, ёзинг...

– Ошхона қироллари!

– Ошга марҳамат...

Баъзан қулоғимга ўрнашиб қолган шундай гапларни силкитиб ташлагим, бўм-бўш қолдиргим келади. Истакларимни, кўнгилдан ўтаётганларини овоз чиқариб айтар бўлсам:



Лекин менга гап-сўзларимизнинг шу доирада қолиб кетаётгани ёқмайди.

Ахир ҳеч кимнинг сўзи ўзидан баланд бўлмайди.

«Нимаси сизнинг ғашингизни келтираяпти? Қимматбаҳо нарсаларни сотиб олаяпмиз, демак, бойий бошладик. Бўк-кунимизча еб-ичаяпмиз, демак, ҳаётимиз фаровон, орзу-ҳавасларимиз эни-бўйига ўсиб, семираяптими, демак, кўнглимиз хотиржам» тарзидаги жавоб қайтиши тайин. Тўғри, пиёда, оёқ остини тимирскалаб эмас, ердан бир қадар баланд кўтарилиб, уловда юрганимиз, кўнглимиз тусаётганини еганимиз, бошқаларга илинганимиз, танлаб кия олаётганимиздан мен ҳам хурсандман. Булар ҳам бир яхшиликларнинг белгиси. Лекин менга гап-сўзларимизнинг шу доирада қолиб кетаётгани ёқмайди. Ахир ҳеч кимнинг сўзи ўзидан баланд бўлмайди. Гапираётган гапимиз фикрлашимизнинг шакли. Наҳот, биздай бир ярим аср қулликдан сўнг озодликка эришган, оз эмас, кўп эмас, нақ ўттиз уч йил ҳур ҳаволардан нафас олиб яшаётган, миллатнинг ташвиш-қувончлари узукли бармоқлар, тортдан чиқадиган калит қувончи, тақсимчадаги майонезли салатлар қадар кичкина бўлса? Биламан, бунгаям кимнингдир эътирози бор:

– Нега? Ана, ўғлонларимиз, қизларимиз дунё майдонларида чемпион бўлиб келса, газеталар ёзаяпти, телевизорлар кўрсатаяпти...

Балли, фақат газеталарда ёзаяпмиз. Телевизорда кўрсатаяпмиз. Наридан бор-



са, маҳалласи, мактабида учрашувлар қилаяпмиз. Лекин уйларда, оилаларда-чи? Йиғинларимиз, давраларимизда-чи?

– Умида, Нафиса, Баҳодир, Жавоҳир, Исроил... дея фамилияларини эмас, фақат исмини айтиб ўз жигаримиз ҳақида гапираётгандек ифтихор билан гапираримизми? Ахир бизнинг бугун кунба-кун баландлаб бораётган ғурур, шаън яловимизнинг дастасида уларнинг ҳам қўллари бор. Оналар, ҳатто талаба ёшларнинг гурунглирида (расмий суҳбатларда эмас) Исажон Султоннинг бир аёл изтиробини эмас, бутун бир давр изтиробини бўлган «Маъсума» романи ҳақида ё халқимиз тарихининг ҳам ғурури, ҳам фожиасини бўлган Қўқон мухторияти ҳақида ёки ёш ижодкор Шаҳриёр Шавкатнинг кўпчиликлари ҳайратга солган «Ватан манзумаси»да ўқиган шеъри тўғрисида ҳаяжонли гап-сўзлар бўладими? Азиза Шоназарова каби АҚШнинг Колумбия университети профессори даражасига эришган юртдошларимиз, ахборот технологиялари соҳасидаги кашфиётлари билан жаҳонга чиққан, чиқаётган ёшларнинг ютуқлари гурунглиримизга мавзу бўладими?

Мен нега суҳбатдошларим, яъни «сиз»дан гап бошлаб, давомда «биз»га, «миз»га ўтдим? Чунки биз кучли бўлсак, гапларимиз таъсирчанроқ бўлса,

«сиз» суҳбашар эди. Бизнинг овозимиз «сиз»нинг овозингизни босиб кетолмаётган экан, демак, ўзимизни айбдан ташқарида санашимиз нотўғри бўлади.

Биров бесабаб дахл қилмайдиган осуда, осойишта уйларимизда ўтириб баланд минбарлардан янграган «...Ўтган йили ўн тўрт мингга яқин опа-синглимизнинг уй шароити яхшиланди, етти минг эҳтиёжманд хотин-қизга ижара тўлови тўлаб берилди», «Хотин-қизларнинг саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллий генофондни яхшилаш мақсадида тўққиз миллион нафар хотин-қиз тиббий кўприқдан ўтказилди. Текширув натижаларига кўра уч миллиондан зиёдроғи амбулатор шароитда, уч юз қирқ минг нафари стационар шароитда даволанди» каби оддий инсонларнинг қаддини кўтаришга тиргак бўлаётган рақамлар ҳақида ўйлаймизми? Рақамлар орқасидаги заҳматлар залворини ҳис қиламизми? Бу рақамларни қувончимиз, миннатдорлигимиз оҳанглари билан жаранглатиб, бир-биримизга суюнчилаймизми? «Ҳа» дегим келар эди-ю, аммо бундай дея олмайман. Мени қийнаётгани ҳам шу. Аслида сўзамолмиз, гапиришни яхши биламиз. Дастурхон бошида парварда чайнаб ўтириб, «Фалончи ҳадеб калтаклайверганидан отаси қизини уйига олиб

кедиб қолган экан. Куёви хотинини олиб кетишга қайнотасиникига маст бўлиб келибди. Икки ўртада жанжал чиқиб, муштирашиб кетишибди. Куёв қайнотасининг жон томирига битта мушт солиб...», «Укаси Россияга ишлагани кетса, акаси кечаси келинининг қўйнига кирибди. Бечора жувон номусдан ўзини...», «Ўз ўқитувчиси вояга етмаган қизни дарсдан сўнг олиб қолиб...», «Писмадончи қизларни хорижга ишга юбораяпман деб алдаб, ишратхоналарга...» каби гапларни бемалол айтамиз. «Шамолда қўшнининг дарахти синибди» дегандай, «Юрадиган йўлимиз ўйдимчуқур бўлиб қолибди» дегандай оддийгина айтамиз. Аслида булар қон йиғлаб, йиғламаганда ҳам юрагимиз қонаб, айтаётганимизда тилимиздан қон чак-чак томиб туриб айтишимиз керак бўлган оғриқлар... Аммо такрор айтаман, биз бу оғриқларни «айтди-деди...» оҳангида гапирармиз. Танамизга тикан теккандай, атрофимиздан тўрт девор ўсиб чиқиб ҳаво бермай қўяётгандай ҳолга тушармизми? Яна «ҳа» дейишни хоҳлардимиз, афсуски, бундай дея олмайман. Наридорса, «Замон бузилиб кетаяпти» деб қўямиз. Кимнидир қарғаймиз, кимнидир сўкамиз, кимгадир ачинамиз... Шу билан тамом...

Фақат кимдир ҳисоб сўрасагина қўзғоламиз. Топшириқлар, буюришлар билан бўлган ҳаракат бошқа. Кишининг ўз кўнглидан, ўз юрагидан чиққан иш бошқа. Ҳолбуки, бизда ўн-йигирма кишилиқ давраларга эмас, минг-минг кишилиқ анжуманларга мавзу бўладиган қадриятлар бор. Айтганда ҳам, эшитганда ҳам юракни ағдар-тўнтар қиладиган, биз қадрлайдиган, бошқаларга ҳам ибрат учун кўрсатишга арзийдиган табарруқ тутумларимиз бор. Амалдагисидан эмас, сўздагисидан бошлайлик. Қанчалар пардага ўраб гапирармиз, «ҳомилатор» дейишга андиша қиламиз. «Юк кўтарибди», «Ой юзига доғ тушибди», ҳатто «Фунчалабди» деб қўямиз. Инсондан инсон яралиши ҳақидаги хабар-



*Айтганда ҳам, эшитганда ҳам
юракни ағдар-тўнтар қиладиган, биз
қадрлайдиган, бошқаларга ҳам ибрат
учун кўрсатишга арзийдиган табарруқ
тутумларимиз бор.*

ни айтишда ҳам андишанинг изидан борармиз. «Туғибди» деганда эшитган одамнинг кўз олдига келадиган манзара, сувратдан қочамиз: «кўзи ёрибди», «енгил бўлибди», «эсон-омон қутулибди» шаклида ифода этамиз айтадиганларимизни. Ҳеч кимнинг юзига «чўлоқ», «кўр» деб камситмаймиз. Гапирмай ҳам кўп нарсани ўргата оламиз: лабимизни тишлаб, бошимизни чайқаб танбеҳ бера оламиз. Буларнинг бари бизга қалби нақшли аждодлардан қолган мерослар. Улар ҳатто жисмга тошадиган ярани ҳам «чечак» деб атаганлар. Қўшни уйда аза бўлса, қарнай-сурнай чалиб тўй бермаслигимиз... Қўшнимизникига меҳмон келса, танийимизми, йўқми, йўқлаб қўйишимиз, нон ёпаётганимизда тандир ёнидан ўтиб кетаётган йўловчига кўзимиз тушса, «Нон еб кетинг» дея таклиф қилишимиз... кимдир иморат тиклаш учун пойдевор кўтарганини кўрсак, вақт топиб ҳашарга ўтишимиз, беморларнинг йўқланиши, келинчаклар оналикка ҳозирлана бориб тўлиша бошласалар ўзини ака, оталар кўзидан паналаши, ҳатто ўсма қўйилаётган пайтда эр киши кириб қолса, қизлар пиёлани кўтариб, уй ичига қочишлари... Йўлда бўлсагу рўпарамиздан эркак киши чиқиб қолса, ўтиб кетгунча чеккалаб туришимиз...

Бир қарашда оддий – одатий кўринган шу қадриятлар ҳақида юракдан сўзлашилган чоғда, севиб сўзлашилган манзилу

маконда миллатлари шаънига доғ бўлиб тушадиган нохушликлар анча заиф тортмайдими? Андишанинг бўйи ўсган сари андишасизлик ербағирламайдими? Бетгачопарликлар, уятсизликлар ва булардан ўсиб чиқиб, шохлаб-бутоқлаб бораётган сурбетликлар, фирибгарликлар, ҳатто фахшларнинг йўлларига танда тушмайдими?

Биз нега шу мавзуларда дастурхон бошида, гаплар, йиғинларда гапиришмаймиз? Менга қолса, бундай йиғинларда қабри нурга тўлгур Фитрат бобомизнинг «Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг – ҳаммаси бор. Ҳеч бири йўқолмамишдир» деган ҳайқириғини фақат катта томошагоҳларда эмас, уйда ўтириб ҳам айтаверганимиз маъқулдай.

Адабиётимиз кўксидаги ёруғ юлдуз
Абдулҳамид Чўлпоннинг

*...Майли, майли, қандоқ аччиқ бўлса ҳам
Тўғри сўзни яширмасдан сўзлайбер.
Ҳар қанчалик юрак ёргич куй бўлса,
Ботир бўлиб секингина куйлайбер!*

каби чорловларини, товуши бўғзида бўфилган Усмон Носирнинг

*Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил, майли тамом ўлсам!*

каби оташин мисрасини ҳам давраларимизда ўқийверганимиз маъқул.

Устоз Абдулла Ориповнинг
*Қаршингда ҳасратли ўйга толаман,
Қачон халқ бўласан, эй сен оломон?*

деган сатрларининг мағзини нега уйларимизда, давраларда худди писта чаққандек чақмаймиз?

Ёки ҳассос шоир Муҳаммад Юсуфнинг
*Аждодингиз уй қурмаган, давлат қурган,
Улуғбекнинг авлодлари, илм истанг!*

каби оташин ниятларини нега фарзандлар қулоғига қуймаймиз?

Халқимизда «Айрон тўкилса нимаси қолади, қатиқ тўкилса юқи қолади» деган нақл бор. Бу айтилмишларнинг юқи қолсаям, юқи онгларга тўкилсаям, аксариятимизнинг миямизнинг занг босган пучмоқларида бир тозариш бўлармиди? Эҳ-ҳе, халқона айтганда дўппини бир жойга қўйиб ўйласак, ўтмишимизда давраларга фикр берадиган, ғафлатни ҳайдаб, юракни титратиб юборадиган қанча сўзларимиз, мавзуларимиз бор экан. Бугунимизда-чи? Бугун ҳам бу борада фақир, ғариб эмасмиз. Лекин нега майда гаплар атрофида кўп ўралашамиз? «Келин жониворим думбани жизза қилишни ҳам билмас экан. Қоп-қора куюндига айланиб кетибди. “Сочингни кунора жингалак қилгунча жизза қилишни ўрган” десам, бўзрайиб турибди» тарзидаги уй-ичимизда сақлашимиз керак бўлган сирларга қанот боғлаб, қора қарғага айлантириб тарқатишдан завқ оламиз...

Агар биз мана шундай товушлари қалбга қанот беролмайдиган сўзлар ичида ўралашаверсак, баландроққа кўтарилишимиз осон кечармикан? Мен аввалроқ шу фикрларимни баъзи ҳамкасбларим билан баҳам кўрмоқчи бўлсам, «Бу аёлларбоп гап» дегандай гап қилишди. Улар ҳақ. Мен айнан болаларини майда гаплар билан эмас, юксак туйғулар билан тарбиялаши шарт бўлган, эрларининг кўнглини ҳам фақат қозондаги таом билан эмас, юртнинг ёруғ қайғуларига боғлай оладиган оналар, опасингилларим учун тўқдим дилимни. Чунки улар жамиятда жуда катта куч. Бу кучнинг бир қисмидаги уйғониш бугун мени қаноатлантирмайди. Тўла уйғонишни, тўла фикрий ҳаракатни истайман. Зеро, бугунги мақсадимиз шуни тақозо этади.

...Қалбимни ўртаётган «Нега? Нечун?»лар билан ҳамон даврадаман. Сиз ҳам ёнимда, рўпарамдасиз. Ҳатто сал нарироқ бўлсангиз ҳам ўзимнинг товушимга ишонаман, томири юракка туташ товуш масофа билмайди, эгасини топади. Мени эшитаяпсизми, илтимос, эшитинг...

ҚАЛТИС САВОЛЛАРГА НОЗИК ЖАВОБЛАР

Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази
директорининг ўринбосари Фуломиддин ХОЛБОЕВ жавоб берди

1

– Менга бир дўстим пул бериб, «Буни фалончига бериб қўй, сенга омонат» деди. Шу пулни ўз эҳтиёжим учун сарфладим. Лекин дўстим айтган вақтда унинг пулини айтилган одамга етказдим. Менинг ишимда бирор хато бўлмадими?

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Албатта, бу ишда хатолик бор. Яъни, сизга берилган пул омонат, уни омонат эгасининг розилигисиз ўз эҳтиёжингизга сарфлаш хато ва омонатга хиёнат бўлади. Албатта, омонатни эгасининг розилиги билан ишлатиш мумкин. Агар эгасининг розилигисиз ишлатиб юборилган бўлса,

бу омонат ҳукмидан чиқиб, тўлаб бериладиган ҳаққа айланади.

Бу ҳақида «Фатовои Оламгирий» китобида бундай дейилган:

«Бас, унинг (омонатнинг) ҳукми, берилган кишининг ҳузурида сақланиши вожибдир. Ва унинг қўлида омонатга айланади. Ҳамда эгаси талаб қилган вақтда унинг қайтарилиши шартдир. “Шуманий”да ҳам шундай зикр қилинган. Омонат мол бошқага омонатга, орияга (эвасиз вақтинча бериш), ижарага ва гаровга берилмайди. Агар омонатга олган киши шулардан бирини қилса, тўлаб беради».

2

– Менга бир илмли киши «Аср намозидан кейин китоб ўқилмайди» деди. Шу тўғрими?

– Бу ҳақда шариатимизда қатъий бир қайтариқ йўқ. Шунинг учун «Аср намозидан кейин ким китоб ўқиса гуноҳкор бўлди, шариатга зид иш қилди» дейилмайди. Аммо Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳ баъзи кишиларга асрдан кейин китоб ўқимасликни ва бунинг кўзга зарари борлигини айтган. Жумладан, «Кашфул хафо ва музийлул илбос» китобида шундай келтирилади:

«Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ баъзи дўстларига асрдан кейин китобга қармасликни ва бу тавсия табибларнинг кўрсатмаси эканлигини айтди».

Лекин бу қайтариқни шаръий жиҳатдан эмас, балки тиббий жиҳатдан кўзга зарари борлиги билан изоҳлаган.

Бугунги кунга келиб замонавий ёритиш мосламалари кўриш қобилиятига зарар қилмайдиган даражада ёритиб берса, китоб ўқишга тиббий томондан ҳам монелик қолмайди ва бемалол аср намозидан кейин ҳам илм ҳосил қилиш мумкин бўлади.

“

Бу ҳақда шариатимизда қатъий бир қайтариқ йўқ. Шунинг учун «Аср намозидан кейин ким китоб ўқиса гуноҳкор бўлди, шариатга зид иш қилди» дейилмайди.

3

– Мен кўпқаватли уйда тураман. Қўшнимнинг «Wi-Fi» (Wireless Fidelity) кодини билиб олиб, ундан фойдаланишим тўғрими? Лекин рухсат сўрамаганман.

– Қандайдир йўл билан «Wi-Fi» кодини билиб олиб, рухсатсиз ишлатишингиз тўғри эмас. Албатта рухсат олиб ишлатинг. Пайғамбаримиз Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай дедан:

«Мусулмон кишининг моли бошқага ҳалол эмас, магар ўзи рози бўлиб, кўнглидан чиқариб берсагина ҳалол бўлади» (Имом Аҳмад ривояти).



4

*Ажири хос юкка масъул бўлмайди.
Чунки юк унинг қўлида омонат бўлиб,
омонатга унинг айбисиз талофат
етса, тўлаб бериши вожиб эмас.*



– **Маълумки, ҳозирги кунда ҳайдовчилар одамларни манзилига элтиш билан бирга баъзи юкларни ҳам ташийдди. Уларнинг урфида бу юклар «почта» дейилади. Улар мазкур «почта»ларни манзилига элтиб бергани учун ҳақ олади. Ушбу ҳайдовчилар мазкур юклар учун масъул ҳисобланадими? Агар ҳайдовчи «юкка ўзим жавоб бераман» деб хизмат ҳақини кўпроқ олса-чи?**

– Бу ижарага тегишли масала бўлиб, саволдаги ҳайдовчилар шариатда «ажири муштарак» дейилади. Яъни, одатда ёлланма ишчилар икки турга бўлинади: «ажири хос», яъни махсус бир киши ёки аниқ бир муассаса учун ишлайдиган ходимлар ва «ажири муштарак», яъни умумий ишчилар бўлиб, улар бир киши ёки аниқ бир ташкилотга эмас, балки барча учун хизмат қиладиган такси ҳайдовчилари, тикувчилар ва иморат усталари каби ёлланма ишчилардир. Ажири хос юкка масъул бўлмайди. Чунки юк унинг қўлида омонат бўлиб, омонатга унинг айбисиз талофат етса, тўлаб бериши вожиб эмас. Аммо унинг айби ёки бепарволиги туфайли зарар етса, албатта уни тўлаб беради.

Бу борада «Фатху бобил иноя» китобида бундай дейилган:

«Ажири хос барчанинг ижмоъси билан қўлида ҳалок бўлган ёки одатий иши сабабли талофат етган нарсага зомин бўлмайди».

Имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ ажири муштаракда ҳам ҳукм худди шундай

деб айтган. Аммо Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳумаллоҳ «ажири муштарак зомин бўлади, яъни қўлидаги юкка зарар ёки талофат етса, тўлаб бериши лозим бўлади» деб айтган. Лекин голиб келувчи умумий офат бундан мустаснодир. Яъни ҳайдовчи юкни олиб кетаётган пайтда унга боғлиқ бўлмаган табиий офат ёки унинг айбисиз автоҳалокат, ёнғин, сувга ғарқ бўлиш кабилар туфайли у олиб кетаётган юкка зарар етса, албатта икки имомга кўра ҳам ҳайдовчи зомин бўлмайди.



5

– Мен пластик карталарга бир кишидан 5 миллион сўм қарз олдим. Ўтказилган 5 миллион сўм устига тўлов ташкилоти (илова) ўзининг 0,5 фоиз ҳақини қўшиб ҳисоблаб, у инсондан 5 миллион 25 минг сўм ечиб олди. Энди мен қарзни қайтариш пайтида 5 миллион сўм устидаги 25 минг сўмни ҳам қўшиб 5 миллион 25 минг сўм қилиб қайтараманми ёки 5 миллион сўмнинг ўзиними?

– Қарз муомаласида қарзни етказиб бериш харажатлари қарз олувчининг зиммасига тушади. Бу борада «ал-Баҳруроик» китобида шундай зикр қилинган: «Қарзни беришнинг харажатлари қарз олувчининг зиммасига лозим бўлади» (Савдо-сотик боби).

Шунга кўра пластик орқали ўтказилган қарз учун олинган 0,5 фоиз каби харажатларни қарз олувчи тўлаб беради. Бу ҳудди нақд пулни қарзга олиш учун қарздор йўлқира сарфлаб, келиб олиб кетиши кабидир.



Шунга кўра пластик орқали ўтказилган қарз учун олинган 0,5 фоиз каби харажатларни қарз олувчи тўлаб беради.



6

– Икки киши бир машинани шерик бўлиб сотиб олса, кейин бири иккинчисига ўз улушини бўлиб тўлашга сотиши мумкин деб эшитдим, шу тўғрими?

– Тўғри. Икки киши битта машинани ўртага пул ташлаб сотиб олган бўлса, сўнг шериклардан бири ўзининг ҳиссасини сотмоқчи бўлса, хоҳласа нақд савдо билан, хоҳласа насия савдо билан, хоҳласа ўз шеригига, хоҳласа бегона одамга сотиши мумкин. Фақат бўлиб тўлаш орқали насия савдо қилинганда қиймат ва муддат аниқ бўлиши шарт. Бу ҳақда фуқаҳоларимиз шундай дейди:

«Шериклардан бири ўз улушини хоҳласа ўз шеригига, хоҳласа шеригининг изнисиз бошқа кишига сотиши ҳам мумкин» («Дурулул ҳуқкам»).

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади

Хайриддин
СУЛТОН

■ ҚОНДОШИМ-ҚАРИНДОШИМ

ДОВРУҲ ОЛАТОВДАН ОШГАН АДИБ





1

Давримизнинг атоқли ёзувчиси, давлат ва жамоат, маданият арбоби, моҳир дипломат Султон Раевнинг номини юртимиз зиёлилари ва китобхонларига ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ деб ўйлайман.

Зеро, ўзбек халқининг самимий ва улкан дўсти бўлган бу бетакрор ижодкор мамлакатимиздаги турли-туман халқаро анжуманлар, маданий форум ва учрашувлар, танлов ва кўргазмаларнинг доимий иштирокчиси, аксарият ҳолларда эса уларнинг ташкилотчиси сифатида ҳам қизғин фаолият олиб боришини жамоатчилигимиз яхши билади.

Шундай бўлса-да, журналхонларга у кишининг ҳаёт йўли ва ижтимоий фаолияти ҳақида кенгроқ маълумот бериш мақсадида, бизнингча, аввало адибнинг таржимаи ҳолини, туғилиб ўсган макони ҳамда у шаклланган адабий муҳитни эслаб ўтиш ўринли бўлса керак.

2

Султон Раев 1958 йил 13 июлда Ўш вилояти Қорасув тумани Жўш қишлоғида туғилган. Қирғизистон миллий университетининг журналистика факултетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини «Қирғизистон маданияти» газетасида мухбирликдан бошлаган. Шундан сўнг «Асаба» («Байроқ») газетасида бош муҳаррир ўринбосари, «Қирғиз руҳи» газетаси бош муҳаррири вазифаларида ишлаган. АҚШнинг Канзас университетиде журналистика бўйича малака оширган.

2002 йилдан Қирғизистон таълим ва маданият вазирининг ўринбосари, Маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди президенти, Маданиятни ривожлантириш давлат комиссияси раиси, Маданият вазири, Маданиятни ривожланти-



риш давлат агентлиги бошлиғи, Президент маслаҳатчиси, Бош вазир маслаҳатчиси, Маданият, ахборот ва туризм вазири каби масъул лавозимларда меҳнат қилган.

2021–2022-йилларда Туркий давлатлар кенгаши бош котибининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатган.

У 2022 йилдан буён Халқаро туркий маданият ташкилоти (TürkSOY – Türk Kültür ve Sanatları Ortak Yönetimi) раҳбари бўлиб, бепоён туркий маконда маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш ҳаракатига етакчилик қилиб келмоқда.

Бугунги кунда «TürkSOY»нинг фаолияти янги, янада юксак босқичга кўтарилиб, ташкилот томонидан бепоён минтақаларда яшовчи туркий миллатларнинг муштарак қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, умумий бойлигимиз бўлмиш ноёб ва бебаҳо тарихий меросимизни, замонавий маданиятимизни ўрганиш ва дунёга кенг тарғиб этиш, буюк аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасидаги ғоят муҳим ва йирик лойиҳалар амалга ошириляётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Хусусан, кейинги йилларда аъзо давлатлар ўртасида маданият ва санъат кунлари, ёшлар ва театр фестиваллари, илмий анжуманлар, халқаро конференциялар, бадий кўргазмалар уюшқоқлик билан ўтказилаёпти. Қадимий ва гўзал шаҳарларимиз Туркий дунёнинг маданият пойтахти деб эълон қилинмоқда.

Улуғ шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилди. Айтиш вақтида ташкилот раҳнамолигида буюк шоир ва мутафаккирлар номлари билан аталадиган тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

TürkSOY Ёзарлар бирлиги ва «Мумтоз шеърият» халқаро адабий фестивали ташкил қилинди. Туркий дунё киночилар уюшмаси тузилди.

Юртимизда нашр этилган «Туркий адабиёт дурдоналари» номли 100 жилдлик китоблар туркумининг тақдиротлари халқаро доираларда ўтказилди. TürkSOY ташкилотининг 30 йиллиги аъзо давлатлар пойтахтлари ҳамда UNESCO қароргоҳи жойлашган Париж шаҳрида юксак савияда нишонланди...

Албатта, бундай ишларнинг барчасини тўла санаб ўтиш имконсиз. Энг муҳими, уларни амалга оширишда TürkSOY раҳбари сифатида Султон Раевнинг улкан хизматлари, фидойилиги мужассам ва унинг бу йўналишдаги қизғин фаолияти, туркий дунё бирлиги ва ҳамжиҳатлигини ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган янги-янги ғоя ва ташаббуслари ҳаммамиз учун ибратлидир.

Биз Султон Раевни, юқорида айтганимиздек, Ўзбекистоннинг, ўзбек адабиётининг чинакам дўсти деб биламиз.

Унинг болалиги Ўш вилоятида, ўзбеклар ичида ўтган. Шунинг учун халқимиз табиятини, урф-одатларини яхши билади.

У қирғиз диёридан етишиб чиққан Турсунбой Адашбоев, Шавкат Раҳмон, Аҳмаджон Мелибоев, Зухриддин Исомиддинов, Эркин Бойназаров, Абдуғани Абдуғафуров, Усмон Темур каби ўзбек

“

*Биз Султон Раевни,
юқорида айтганимиздек,
Ўзбекистоннинг, ўзбек
адабиётининг чинакам
дўсти деб биламиз.*



адиблари, шайх Аловуддин Мансур, Анвар қори Турсунов каби таниқли уламолар билан яқин дўст бўлган. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, Султон ака муқаддас Қуръони каримни қирғиз тилига таржима қилишдек масъулиятли ва савобли вазифани адо этган. Бу эзгу ишда Аловуддин Мансур ҳазратлари нашр муҳаррири сифатида ўзига катта ёрдам ва маслаҳатлар берганини у ҳануз ҳурмат ва миннатдорлик билан эслайди.

«TürkSOY»нинг Ўзбекистонда ўтадиган барча тадбирларида Султон Раев ўзбек тилида нутқ сўзлайди. Бу ҳам дўстимизнинг халқимизга бўлган юксак меҳри ва эҳтиромидан далолат беради.



“

*Султон Раевнинг доврўғи
Олатовнинг баланд
чўққиларидан аллақачон ошиб
кетган.*

Айни пайтда ўзбек адабиёти ва санъати намуналарини туркий тилларда нашр этиш, Ўзбекистон ҳаётига бағишланган бадиий ва илмий китоблар, албомлар, филмлар яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратади.

Султон Раевнинг доврўғи Олатовнинг баланд чўққиларидан аллақачон ошиб кетган. У кишининг Қирғизистон халқ ёзувчиси, Қирғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонлари, «Данакер» ордени, Тўқтағул номидаги давлат мукофоти ҳамда турли давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг «Олтин атиргул» (Гуржистон), «Чингизхон» (Мўғулистон), «Отатурк» (Туркия), «Дэниел» (Корея Республикаси), «Ломоносов» (Россия), «Дўстлик» (Қозоғистон) орден ва медаллари ҳамда «Ҳамдўстлик юлдузлари» (МДХ) номли мукофотлари билан тақдирлангани ҳам фикримизнинг исботидир.

3

Баъзи қаламкашлар бўладик, улар жамиятдан узилган, «тарки дунё» қилган ҳолда асосан ўз ижоди билан

шуғулланади. Агар иложи бўлса, адабиёт ривожини учун бу ҳам яхшидир балки, лекин яна шундай адиблар тоифаси ҳам борки, улар ижтимоий ҳаётдан четда турмайдилар – туролмайдилар, мамлакат тинчлиги ва равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ўзини аямасдан, доимо олдинги сафларда туриб меҳнат қилади. Ҳам масъулиятли вазифаларда ишлаб, ҳам бадиий ижод билан машғул бўлиш албатта осон иш эмас. Бу биринчи навбатда ўз ороми, ҳаловатидан, керак бўлса, шахсий худбинликдан бутунлай воз кечиш демакдир. Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз бу борада ҳам идеал намуна яратганлигини эслаб ўтиш кифоя.

Бу ҳақда сўз борганда, Эрнест Хемингуэйнинг «Ёзувчи инсониятнинг гўзал ва дорилмон келажаги учун наинки ўз бадиий асарлари, балки ижтимоий масъул шахс сифатидаги эзгу ишлари ва саъй-ҳаракатлари, қатъий фуқаролик позицияси билан ҳам фаол иштирок этиши керак» деган фикри ёдга тушади.

Ҳаммамизга маълумки, оламшумул адиб, атоқли жамоат арбоби Чингиз Айтматов турли йилларда «Правда» газетасида, «Иностранная литература» журналида ишлаган. Қирғизистон ёзувчилар уюшмаси ва «Қирғизфилм» студияси фаолиятини ривожлантиришда беқиёс хизматлар қилган. Республика ва Совет иттифоқи парламентларининг депутаты сифатида жўшқин фаолият олиб борган. Дастлаб СССРнинг, кейинчалик Қирғизистоннинг Люксембург, Белгиядаги элчиси бўлиб ишлаган. 1995–2008-йилларда бош қароргоҳи Тошкентда жойлашган Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти вазифасини бажарган. «Иссиққўл форуми» халқаро тинчлик ҳаракатини ташкил этган.

Султон Раевнинг таржимаи ҳолига назар ташлаган киши у буюк устози йўлини тутиб, айни пайтда ижодий ва ижтимоий фаолият-

ни уйғун ҳолда олиб бораётгани, энг муҳими, ҳар икки жабҳада ҳам катта муваффақият қозониб келаётганига амин бўлади.

Шу маънода, Чингиз Айтматов шогирдининг қаламига мансуб «Хонишанинг кўзёшлари» китобига ёзган сўзбошисида қирғиз адабиётига янги, ёрқин бир истеъдод дадил овоз билан кириб келаётганини таъкидлаб, ўзига хос башорат қилган эди десак, янглишмаган бўламиз.

Султон Раев устозлар изидан бориб, бугунги кунда жаҳон миқёсида кўзга кўринган адиб, таниқли дипломат бўлиб майдонга чиқди. Унинг ғоявий-бадий жиҳатдан етук ўнлаб китоблари дунёнинг турли мамлакатларида нашр қилинаётгани, инглиз, француз, венгер, хитой, украин, турк, қozoқ, озарбайжон, ўзбек, татар ва бошқа тилларга ўгирилиб, халқаро маданий доираларда кенг эътироф этилаётганини барчамиз туркий адабиётимизнинг катта ютуғи деб қабул қиламиз.

4

Албатта, энди шунча таъриф-тавсифдан сўнг Султон Раев асарларини мухтасар тарзда бўлса-да таҳлил қилиш, унинг роман, пиеса ва ҳикоялари мутолаасидан олган ўчмас таассуротларимизни сиз билан ўртоқлашишимиз табиийдир.

Фикримизни аввало «Манас отанинг авлоди» ҳикоясидан бошласак.

«Рисолатнинг ой-куни яқинлашган сари танаси оғирлашиб борарди. Бир-икки кун ичида тўлғoқ тутиб қолиши ҳеч гап эмас. Аммо сўнгги имтиҳон куни яқинлашиб келмоқда. Бу тўғрида ўйлаганида еган-ичгани ичига тушмайди. Туғишдан кўра ҳам шу қургур имтиҳондан ўтиб олса бас, жони ором топарди...».

Ҳикоя шундай бошланади ва мана шу илк жумлалардан oқ ўқувчининг бутун диққат-эътиборини ўзига oҳанрабодек тортиб олади. «Нима экан у имтиҳон?» деган савол китобхоннинг тинчини ўғирлайди.

Асар қаҳрамони – эрта-индин кўзи ёрийдиган талаба-келин университетдаги имтиҳондан ўтиш учун нега бунчалик куйинмоқда? Ахир фарзандни ёруғ дунёга келтириш – энг oғир имтиҳон, нариги дунёнинг эшигига бориб-келиш билан баробар эмасми? Унинг учун эса... «Туғиш нима – тўлғoқ бошланса бўлди, уёғи ҳеч нарса эмас. Шунинг учун ҳам, иккиқатлигига қарамай, тинимсиз югуриб-елади, эрта-кеч сўнгги имтиҳонни ўйлайди».

Бу «қургур имтиҳон» қандай балойи азим эканки, қаҳрамонимизнинг кўзига ҳатто туғишдан ҳам машаққатли иш бўлиб кўринмоқда? Бунинг албатта сабаби бор. Чунки «топшириб олса бўлди, стипендияга илинади. Ўйқилишдан худонинг ўзи асрасин. Эри билан амал-тақал қилиб тирикчилик ўтказаетганда шу стипендия ҳам жонларига ора киради».

«Нимжон танасини анатомия бўйича кўргазмали қурол қилиб қўйса бўладиган» эри ҳам унинг ташвишига шерик. «Печкага ўт ёққан ҳам, кулини тозаллаган ҳам ўзи. Ўтин бўлиб киради, кул бўлиб чиқади». Зора, хотинимнинг эсида қолса деган илинж билан «пешонасидан oқаётган тер маржонларини артиб-артиб», эртага бўладиган имтиҳон – «Манас» достонини овоз чиқариб қироат билан ўқишда давом этади:

«Озод-эмин юрт кутган

Элни ҳали кўрмабмиз.

Эл учун жонин берган

Эрни ҳали кўрмабмиз.

Олатовдан ошибмизу,

Тоғни ҳали кўрмабмиз...».



Аксига олгани шу-да, кечаси билан эр китоб ўқиган, хотин тинглаган – эрталаб «кун арқон бўйи кўтарилса ҳам қушнинг уясидай ижара хонада (уям шаҳарнинг чеккасида) икки ёш донг қотиб ухларди. Соатнинг жиринглаганини эшитишмабди ҳам. Омад кетса, ҳаммаси чаппа бўлади деганларидай, ўзи шу имтиҳонга Рисолатнинг кечикиб бориши етмай турган эди. Имтиҳон соат саккизда бошланади. Саккиз бўлгани қачон эди-ю. Жиринглай-вериб чарчаган соат миллари эса салкам ўнни кўрсатиб турибди».

Қаҳрамонимиз шошилиб кўчага чиқади, ҳомиладор эмасми, лапанглаб, айиқюриш қилиб аранг қадам босади, ишқилиб, автобусга улгурсин. Шу ҳолда «профессор шошилмайди, сен ҳам шошилма, имтиҳон ўн бирда ҳам тугамайди. Омуралиев ҳар бир талабани камида бир соат сўроққа тутди. Қотган нондан қил суғургандай, бечора студентларни эзиб-эзиб роҳат қилади» деб ҳам ўзига далда беради, ҳам ваҳимасини оширади.

Рисолат имтиҳоннинг охириги дақиқаларига етиб боради. Қаттиққўл профессорнинг кинояли гап-сўзларидан кейин имтиҳон билетини қўлига олади. Афсус, «"Манас" – баҳодирлик эпоси» деган саволга кўзи тушибоқ юраги қинидан чиқиб кетгудай бўлади. «Тамом, расво бўлди. Топширолмайдди. Кечаси эри ўқиб берганларидан бир сатр ҳам ёдида йўқ. Эсламоқчи бўлади, аммо фойдасиз».

«Қизим, аниқроқ гапир, ўзи эпосни ўқиганмисан?» деб сўрайди профессор. Рисолат «шундай улуғ эпосни ўқимаган кишилар қаторига қўшилишини хоҳламай» ёлғон гапиришга мажбур бўлади: «Ўқиган эдим, ағай...».

«Профессор Рисолатнинг ёлғонини унинг кўзларидан сезиб турарди. Ўқиганида шариллатиб ташларди жавобни. Бундай ёлғонларга у кўп бор дуч келган».

Профессор ўрнидан туради, талабанинг жавобини тинглаш билан бирга

хаёлга берилади: «Манасни ҳам шу олдимда турган қирғиз қизларидан бири туққан бўлиши керак. У худди шундай оддий аёл бўлиши мумкин. Оналар кўпинча кимни дунёга келтирганларини билишмайди».

Лекин профессор «Манас»ни ўқимаганларнинг бирортасига ҳам раҳм қилмаган, кечирмаган». Ичидаги норози-лигини тилига чиқаради, «ўқимабсан-а, қизим, ўқимабсан» дейди афсус билан.

Рисолатнинг тили тутилади, икки юзи хижолатдан қизариб кетади: «Ўқигандим, ағай, негадир ёдимга келмаяпти».

«Рисолат ўзини оқламоқчи бўлиб яна бир нималар демоқчи бўлди, аммо сўзлари қовушмади. Ичида, чап томонида оғриқ турди. Шу ёлғон иситмага айлангандай бўлди. Қорнидаги ҳомила онасининг ёлғонини сездими, типирчилай бошлади. Бзовталигини профессорга билдирмасликка ҳаракат қилди, аммо ўзгариб кетган юзи...

– «Манас»ни ўқимаслик – уят, қизим, – профессор жаҳли чиққан ҳолда ўрнидан турди. – Элимизнинг шундай буюк меросини билмаслик – уят. Манас – бизнинг ота томиримиз, босиб ўтган йўлимиз, қонимиз, жонимиз. Қирғиз эли шу қондан тарқаган билсанглар. Сизлар-чи? Эпос ҳақида икки оғизлик билимингиз ҳам йўқ. Уят, уят. – Профессорнинг қошлари чимирилиб, юзи жиддийлашди. – Бугун Манасни билмаганлар эртага уни бутунлай унутади, кейин эса кимлигингизни, қаердан келганингизни ҳам билмай қоласизлар. Бу жавобинг бўлмайди, ўқи, қизим, ўқи. Мана, зачёткангни ол, ўқиб келиб, қайтадан топширасан...».

Мана шу жойда қаҳрамоннинг асл қиёфасини, ички оламини намоён этадиган муҳим нуқта баёни келади.

«Профессор стол устида турган зачёткани Рисолатга узатди. Баҳо қўйилмаган. Уни қўлига олар экан, Рисолат оғирлашаётганини сизди.

Профессорга ойига қирқ сўмдан тўлаб бир кампирнинг уйида ижарада туришини, оила ташвишлари билан бўлиб, ўқишга вақт топа олмаётгани, бугун баҳо олмаса стипендиядан қолиб кетишини – ҳамма-ҳаммасини айтиб бермоқчи бўлди. Аммо буларни нима учун профессорга айтиши керак? Нима қилиб бўлса-да баҳо олиш учунми? У «Ҳа, билар экан, «Манас»ни ўқиган экан» деб баҳо қўйиши керакми?



“

*Бу саволларга, яхшиси,
«Манас отанинг авлоди»
ҳикоясини ўқиб, муҳтарам
китобхонларнинг ўзлари
жавоб топганлари маъқул.*

Хўп, баҳо олди ҳам дейлик. Стипендияга илашади. Кейин-чи? Кейин ўқийдими? Имтиҳондан ўтиб олдим, энди зарур эмас деб ўйламайдими? Ўқимайди. Умрининг охиригача ҳам ўқимаса керак.

Хаёлини профессорнинг овози бўлди:
– Қизим, кел, зачёткангни узат. Ой-кунинг яқин экан, майли, баҳо қўйиб бера қолай. Омон-эсон қутулиб олсанг, кейин ўқирсан...

– Йўқ, ағай, ўқиб келиб топшираман, – деди Рисолат аудиториядан чиқар экан.

Профессор уни тўғри тушунгандай бўлиб, турган жойида туриб қолди. Бироз аввал ўзининг хаёлидан ўтган сўзлар ёдига тушди: «Манасни ҳам шундай қирғиз қизларидан бири туққан бўлиши керак. У худди шундай оддий аёл бўлиши ҳам мумкин».

Хўш, кейин-чи, кейин нима бўлади? Ҳаёт воқелиги ва ҳаётининг принцип тўқнашган ушбу ҳикоя қандай якун топади? Туғилажак боланинг ҳоли не кечди? Бугунги замондошларимиз ўз халқининг маънавий илдизлари билан қандай боғланади?

Бу саволларга, яхшиси, «Манас отанинг авлоди» ҳикоясини ўқиб, муҳтарам китобхонларнинг ўзлари жавоб топганлари маъқул.

«Фикрнинг аниқлиги ифода-нинг аниқлигига замин яратади» дейди француз адиби Густав Флобер. Мен Султон Раев асарларини ҳар гал мароқ билан мутолаа қилар эканман, бу баркамол ижод намуналаридаги ифода-нинг тиниқ ва равшанлигига амин бўламан.

Аслида ёзувчининг маҳорати ҳам шунда – ўқувчи эътиборини асарнинг илк жумласидан тортиб сўнгги нуқтасигача мана шундай фикрий-ҳиссий тарангликда ушлаб тура олишда эмасми?

Адибнинг етук ҳикояларидан бири – «Ҳафтанинг бешинчи куни» шундай бошланади:

«Тун ярмидан оғди. Бугун жума. Қалин туман тушган, атроф унча кўзга ташланмайди. Қор бийдай далани сутдай оқартирган.



“

*Асарларидаги воқеа ва талқинлар
бир-бирини такрорламайди, лекин
уларни бирлаштирувчи битта
нуқта бор — у ҳам бўлса ғоявий-
бадий мақсаднинг аниқлиги,
фалсафий руҳнинг теранлиги.*

Нотаниш киши овулга яқинлашаётганини сезган итлар вовуллайди. У совуқдан кўкариб кетган муштларини оғзига олиб келиб, илитади. Қамокдан чиққанидан бери ҳаловати йўқ. Ич-эти титрайди, қорни бир марта бўлсин тўйгани йўқ. Оч-наҳор юрибди.

Икки ҳафта шаҳарда тентириб, қамокда кўрмаган азобларини кўрди. Бирорта таниши учрамади. Қайрилиб қарайдиган бирор кимса йўқ. Дуч келган одамдан пул ёки бирор егулик сўрашга бети чидамайди, чунки тиланчиликка тоби йўқ. Ундан кўра ўғирлаб қорин тўйғизгани маъқул.

Эски одатини қилиб, бирор панада кимнингдир бор-будини шилиб олса биров бир нарсa дермиди? Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Қўлга тушиб қолмаса бўлди. Қўлга тушса — тамом. Шу боис ўғирлик қилишга юраги дов бермайди. Пана-панада юради.

Шаҳарда дурустроқ бошпана топиш қийин. Кеча темирйўл вокзалида тунаб, тунни бир илож қилиб ўтказди. Аммо бу ерда узоқ қолишига кўзи етмайди.

Анчадан бери устара кўрмаган соқол-мўйлови тарвақайлиб кетган, кир тишлари сарғайган, ювинмаганидан баданидан ёқимсиз ҳид анқийди. Худди ичида ит ўлгандай...».

Буткул иложсиз ҳолатда қолган қаҳрамоннинг кейинги тақдири нима бўлади? Қамокдан чиқиб келган одам ҳаётда тўғри йўлини топиб кета оладими? Ёки маҳкумликдан ҳам баттар, имконсиз шароит уни яна қамок сари етаклайдими?

Муаллиф кўнглида мана шундай саволлар уйғонган ўқувчини ўз ортидан эргаштириб кетади. Буни қарангки, ҳикоя умуман бошқа ўзанга бурилиб, саҳнада кутилмаган ўзга қаҳрамонлар пайдо бўлади.

Султон Раев ижодий фаолиятини кузатар экансиз, у яратган адабий маконнинг кенглиги, ранг-баранглигига қойил қоласиз. Асарларидаги воқеа ва талқинлар бир-бирини такрорламайди, лекин уларни бирлаштирувчи битта нуқта бор — у ҳам бўлса ғоявий-бадий мақсаднинг аниқлиги, фалсафий руҳнинг теранлиги.

5

Адибнинг 2015 йили Лондонда рус тилида нашр этилган «Жазо» («Қара») романи ҳам айнан ана шундай хусусиятлари билан эътиборни тортади.

Бу асар бир қанча халқаро ижодий ташкилотлар, жумладан, Марказий Осиё «ПЭН-клуб»и томонидан «Йилнинг энг яхши романи» дея эътироф этилиб, юксак мукофотга сазовор бўлган.

Муаллифнинг йигирма йиллик машаққатли меҳнати самараси бўлган ушбу роман мистик-фалсафий услуби, қаҳрамонлар кечинмаларининг фавқулодда теран тасвири билан ёзувчи бадий маҳорат нуқтаи назаридан янада баланд поғонага кўтарилганини намोён этади.

Роман сюжетида руҳий касалликлар шифохонасидан қочиб чиққан етти беморнинг бошидан кечган воқеалар асос

қилиб олинган. Улар Муқаддас маконни топиш ва гуноҳларидан фориг бўлиш учун сахро бўйлаб машаққатли йўлга отланганлар. Адиб бу инсонларнинг аламизтироблар, азоб ва йўқотишларга тўла ҳаёти, зиддиятли характерлари ва аччиқ қисматларини совуққон бир ҳаққонийлик билан тасвирлайди.

Касалларнинг айримлари Муқаддас макон уларнинг қалби ва онги, ўй-хаёллари покланган жойда эканини англаб етади, бошқалари эса ақлу ҳушидан бутунлай жудо бўлиб, ҳақиқат не эканини охиригача идрок этолмайди.

Асар қаҳрамонлари табиий феъл-атвориға кўра ғоят хилма-хил, аммо уларнинг барчасини Муқаддас маконга элтадиган йўл ва илон чақишидан ўлим топиш ҳақидаги мудҳиш бир башорат бирлаштиради.

Муаллиф тўғри йўлдан адашган бу гумроҳларнинг қандай оғир қилмишларга қўл уриб, тубанлашиб борганларини очик кўрсатади, айна пайтда уларга нисбатан қалбимизда қандайдир ачиниш ва шафқат ҳиссини ҳам уйғота олади.

Адиб руҳнинг абадийлиги, илоҳий жазо, қиёмат куни савол-жавоб муқаррар экани, инсон моҳиятида мужассам бўлган Раҳмон ва Шайтон билан боғлиқ ҳиссиётлар, фаришталар ва бузғунчи кучлар ўртасидаги кураш ҳақида теран бадиий мушоҳада юритади.

Руҳий касалликлар шифохонасидан қочиб чиққан беморларга ёзувчи Император, Таис Афинская, Клеопатра, Лир, Чингизхон, Буюк Александр каби исмлар беради. Еттинчи бемор – норасида ўспиринни эса Қўзичоқ деб номлайди. Шу тариқа роман қаҳрамонлари ва улар учун асос бўлган тарихий сиймоларнинг кечмишлари, гуноҳ-кирдикорларини қиёслагандек бўлади. Тарихий воқеаларнинг аниқ тасвири мистикани реал ҳодисаларга айлантиради.

Муаллиф Муқаддас макон йўлидаги мураккаб синовлар орқали қаҳрамонларга

муҳим ишоралар бераётгандек туюлади. Лекин уларни ҳамма ҳам англаб етолмайди. Фақат «Худо сизлар учун дўзахни яратгани йўқ, балки сизларнинг ўзингиз уни яратдингиз», «Сизлар ўзингизнинг инсон эканингизни унутиб қўйдингиз», «Инсон Ҳақни билган, таниган ҳамма жой Муқаддас макондир», «Жоннинг сўрови – абадийдир» каби ҳаётий ҳикматларни англаб етган кишиларгина нажот топгусидир.

Асарни мутолаа қилар эканмиз, адиб ижодий ҳаёлот осмонида мутлақ эркин парвоз қилгани, биз кўниккан бидъат ва хурофат, риёкорлик билан тўлган муҳитни нафрат билан рад этгани, ўзи кўтарилган шундай руҳий юксаликдан туриб нозик, инжа туйғуларни тасвирлашда қотиб қолган қолип ва мезонлардан ғоят узоқлашиб кетганини ҳис этамиз. Қаҳрамонлар билан бирга биз ҳам замон ва макон кенгликларида, онгу шуур қатламларида ҳаракат қила бошлаймиз. Шу аснода инсон қалби нақадар гўзал ва соф бўлиши мумкинлигига, дунёни аслида меҳр ва эзгулик бошқариши лозимлигига ишонч ҳосил қиламиз.



Султон Раев оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларидан бирида «Жазо» романи унинг бу ёруғ дунёга муносабатининг бадиий инъикоси эканини таъкидлаган эди. «Қиёмат куни – ахлоқ тарозисидаги сўнги ўлчовдир. Ортга қайтишнинг имкони бой берилган, ундан кейин фақат тубсиз бўшлиқ бошланади-

ган ҳаёт-мамот чегараси... Менинг романим ана шу маънавий ҳалокат нуқтаси ҳақида» дейди адиб.

Муаллиф «Одамзотни инсонийлик мақомига қайтариш – бугунги куннинг энг муҳим, ҳал қилувчи вазифасидир» (Чингиз Айтматов) деган теран маъноли фикрни янгича талқинда давом эттираётгандек туюлади.

Ҳам шаклан, ҳам мазмунан гўзал бу асар роман-ривоят(роман-притча)га хос хусусиятларни эслатади. Унда Ғарб ва Шарқнинг ўзига хос фалсафий ва диний таълимотлари, буддавийлик ғоялари ҳам ёнма-ён, уйғун ҳолда тақдим этилади.



Масалан, китоб сўнгида Клеопатра ва Қўзичоқ нотаниш бир мўйсафид – дарвешга дуч келадилар. Қария эртага ер юзидаги ҳаёт буткул барҳам топишини айтиб, уларнинг қўлига икки туп ниҳол беради ва кўпчиб ётган тупроққа ўтқазишни тайинлайди. Бу рамзий лавҳа муқаддас исломий китоблардаги «Эртага қиёмат деган кун ҳам дарахт экингизлар» деган ҳикматли даъватни ёдга солади.

Мутолаа сўнгида роман ўқувчи қалбида узоқ вақт ўчмайдиган таассуротлар қолдиради, унинг ҳаёлини инсонлик моҳияти ҳақида изтиробли ўй-мулоҳазалар чулғаб олади.

6

Адибнинг «Тўфон» асари ҳам «тамсил роман» деб тақдим этилади. У бундан икки йил аввал Швециянинг Стокҳолм шаҳрида ўтказилган халқаро ижодий танловда икки юздан ортиқ бадиий асар ўртасида бош мукофотга лойиқ деб топилган.

Роман гарчи «Тўфон» деб номланса-да, фикри ожизимча, уни «Тўфондан сўнг» деб аташ мазмунан тўғри ва теранроқдай туюлади.

Асар воқеалари ҳаёлий, мудҳиш бир макон ва замонда юз беради. Шундай бир замонки, унда «...дунё ўз қонунлари билан яшаб, эркак эркакка уйланганига, аёл аёлга бош қўшганига, шундай оила қурганга йўл очилиб, одам эмас, олам ҳам тўлиқ ифлосланиб, иймоннинг шалоғи чиқиб, инсон бандачилик қоидаларига мутлақо бўйсунмай қолган давр келган эди...».

Нақадар таниш, айни вақтда жирканч ва қўрқинчли, олам мувозанатини издан чиқараётган манзаралар, тўғри эмасми?

Романда бор-йўғи бешта қаҳрамон бор, холос: сунъий одам яратиш институти профессори Ян Велмут (у ҳам бўлса марҳум), собиқ руҳоний Кхе, унинг хотини – ген муҳандиси Ман, бу аёлнинг сунъий эмбриондан туғилган ўғли Этих ҳамда Кхе билан Маннинг никоҳидан дунёга келган қиз – Дуна.

Муаллиф Ер юзида юз берган даҳшатли тўфондан бир мўъжиза туфайли кичик бир оролчада омон қолган Кхе, Ман, Этих ва Дунанинг ҳаёти қандай кечгани, ахлоқнинг емирилиши инсониятнинг емирилиши билан баробар эканини ниҳоятда бешафқат, баъзан эса натуралистик реализм билан очиб беради.

Худони унутган, сунъий одам яратиб, эски дунёни ҳалокатга маҳкум этган разолат кучлари Кхени ўз эътиқодидан воз кечишга мажбур қилмоқчи бўладилар. Аммо «Чироқ оловсиз ёнмаганидай, одам худосиз яшай олмайди» деб ҳисоблайди буюк иймон ва ирода соҳиби Кхе.



“

Муаллиф «Одамзотни инсонийлик мақомига қайтариш – бугунги куннинг энг муҳим, ҳал қилувчи вазифасидир» (Чингиз Айтматов) деган теран маъноли фикрни янгича талқинда давом эттираётгандек туюлади.

Адиб чексиз қайғу билан ёзганидек, «Ўша кун Еر юзидаги сўнгги дин одами осилиши керак эди». Ана шунда барча муқаддас китоблар орқали башариятга юборилган огоҳлик қўнғироғи бонг уриб, илоҳий ҳукм кучга киради – оламга тўфон ёпирилиб, бутун борлиқ сувга ғарқ бўлади. Фақат шу кичик оила сув балосидан қутулиб қолади, лекин уларнинг биргаликда кечирган кейинги ҳаёти бошдан-оёқ азоб-уқубат ва ғурбатга айланади.

Ёзувчи уларнинг бу кафтдек қуруқлик сатҳида нима еб нима ичгани-ю нима кийиб яшагани, қисқаси, моддий ҳаётини қандай ўтказгани ҳақида бизга деярли маълумот бермайди. Зотан, унинг фикру зикрини бутунлай бошқа масала, ўзак бир маънавий муаммо қамраб олганини кўрамиз.

Тўфонгача бўлган даврда «нариги дунё»да яшаб, ахлоқ-одоб, инсонийлик нима эканини англаб етган Кхе ва Мандан фарқли ўлароқ, сунъий эмбрион ҳосиласи бўлмиш Этих ва бир ярим ёшида бу ерга келиб қолган Дуна одамий ҳиссиёт ва туйғулардан мосуво бўлган ҳолда, ёввойи, ваҳший ҳайвонлар каби вояга етади. Энг тубан инстинктлар қули бўлмиш бу икки кимса содир этган қилмиш-кирдикорлар тасвирланган саҳифаларни ўқир экансиз, нафрат ва даҳшатдан беихтиёр этингиз жунжикиб кетади.

Бундай руҳий азобларга биринчи бўлиб Ман чидаёлмайди, «ўзининг ўлими билан ўзини енггиси келиб, Буюк сувда оқиб кетади» – худди «Оқ кема» қиссасидаги бегуноҳ бола денгизда оқиб кетгани каби.

“

*Роман чексиз қайғу ва ғуссага
тўла. У киши руҳиятини эзиб-
парчалаб ташлайди. Аммо бу
андух тош қотган кўнгилларни
эритадиган, фасод тўла
юракларни тозалайдиган, сўқир
кўзларни очадиган ёруғ бир ғусса.*

Фарзандларига Илоҳни танита олмаган, бу йўлдаги барча уринишлари бесамар кетган шўрпешона Кхени асар сўнгида асранди ўғли Этих ва туққан қизи Дуна ўз қўллари билан, баайни Исо Масих сингари чорчўп – хочга михлаб қатл этадилар... Бу мудҳиш ҳолатни томоша қилиб турган, Этих ва Дунадан дунёга келган иблис қиёфасидаги Шохли бола эса «сўнгги одамнинг Ер юзидан йўқ бўлишига ишониб, ич-ичидан қувонарди».

Роман чексиз қайғу ва ғуссага тўла. У киши руҳиятини эзиб-парчалаб ташлайди. Аммо бу андух тош қотган кўнгилларни эритадиган, фасод тўла юракларни тозалайдиган, сўқир кўзларни очадиган ёруғ бир ғусса.

«Тўфон» романи муаллифнинг интеллектуал-маърифий дунёси нечоғли юксаклигини, унинг жаҳон тарихи, адабиёти ва фалсафаси, мифология ва эстетикаси, ғоявий ва диний таълимотлар моҳиятини нақадар кенг ва чуқур идрок этишини, космогоник миқёсларда тафаккур юрита олиш салоҳиятини яққол намоён этади.

Қуйидаги парчага назар солайлик:

«Энг аввал Тангри Осмон билан Ерни яратди. Ер худди мана шу оролга ўхшаб кимсасиз, кўрксиз эди, уни чексиз қоронғилик пардадай ёпиб турарди.

Ўшанда худо ёруғликни юборди, ёруғлик пайдо бўлиб, кун билан тунни ажратди. Ўшанда биринчи кун тонг отди. У сувларнинг ўртасида ҳаво кенглиги бўлсин, сувларни бир-биридан ажратиб турсин деб уни иккига бўлди. Ҳаво кенглигини Осмон деб атади, осмоннинг остидаги сувлар бир жойга тўплансин деб қуруқликни яратди. Уни Ер деб атади... Кейин Тангри учинчи куни ...кундузни бошқариш учун Қуёшни яратди, тунни бошқаришга Ой билан юлдузларни яратди...».

«...Дунё камчиликсиз яралиб, замонлар замонларга уланди. Худо – Тангри одамни ёлғиз қолдирмай, унинг қовурғасидан аёлни яратди...».

Энди эса мана бу лавҳани ўқийлик:

«Хабарда андоғ келур: изи азза ва жалла (Аллоҳ таоло) қамуғда ашну (аввал) бир гавҳар яратди. Ул гавҳарга ҳайбат назари қилди эрса, ул гавҳар эруди. Сув бўлди эрса анда кезин (кейин) елни яратди. Сув уза тушти эрса қум урди, кўпукланди. Ул тутундек оғди, ул тутундин кўкни яратди. Ул сув Мавло таолонинг ҳайбатидан қайнаб куюкланди. Ул кўпукдин Каъба ўрнича ер яратди. Анда кезин кўкни яратғали тегди. Ул яратилган ерни машриқдин мағрибга теги ёзиб, кенгу йарлиқади (марҳамат қилди). Бу ерлар ва кўклар бир қат эрди, қудрати билан кўкни ердин айирди. Бу етти сув ер узра яратилди эрса турланмади (тўхтамади), ирғану бошлади. Ани турландурмоқ учун тоғларни анинг уза қозуқ қилиб яратди.

Яна изи азза ва жалла қамуғ оламни олти кунда яратди.

Хабарда андоғ келур: якшанба куни кўкларни яратди. Душанба куни ойни, кунни, юлдузларни яратди, фалак ичида туритти. Сешанба куни қуш-қуртларни, фаришталарни яратди. Чаҳоршанба куни сувларни яратди, елларни, булутларни чиқарди, йиғочларни, ўт-емларни яратди, ундурди. Рўзилар(ризқлар)ни улаштурди. Панжшанба куни ужмоҳ (жаннат),



тамуғ(дўзах)ни, раҳмат ва азоб фаришталарини яратди. Азина (одина, жума) куни оламни яратди.

Шанба куни нарса яратмади.

...Баъзилар аймишлар: Одам туфроқдин яратилди. Туфроқ турмишинча (турган ҳолатда) кўрклик бўлур. Яна Ҳавво этдин яратилди (Одамнинг биқини аягусидин (қовурғасидан), сўл ёниндин). Эт турмишинча сасир. Анинг учун хотун қариса кўрксиз бўлур...».

Во ажаб, қирғиз ёзувчиси Султон Раев қаламига мансуб матн ва туркий дунёнинг улуғ ва унутилмас адиби, кўҳна Хоразм фарзанди Носируддин Рабғузий битган сатрлар фикран, руҳан ва маънан бир-бирига нақадар ўхшаш ва яқин!

Бу каби ғаройиб мисоллар бизнинг – ўзбек ва қирғиз халқлари, барча туркий элларнинг тарихий илдизларимиз, турмуш ва тафаккур тарзимиз, тақдир ва келажагимиз муштарак эканини кўрсатади.

Эл-юртимиз қардош қирғиз халқининг Соғимбой Ўрозбеков, Саяқбой Қоралаев, Қалиқ Акиев сингари машҳур манасчи-оқинлари, Тўқтағул Сотилғонов, Тўғалоқ Мўлда, Али Тўқамбоев, Туғолбай Сидиқбеков, Тўлаган Қосимбеков, Мур-

“

*Во ажаб, қирғиз ёзувчиси
Султон Раев қаламига мансуб
матн ва туркий дунёнинг улуғ ва
унутилмас адиби, кўҳна Хоразм
фарзанди Носируддин Рабғузий
битган сатрлар фикран, руҳан
ва маънан бир-бирига нақадар
ўхшаш ва яқин!*

за Фаффоров каби шоир ва адиблари, Бўлат Бейшеналиев, Бўлатбек Шамшиев, Суйменкул Чўқморов, Тўлўмуш Океев, Мар Бойжиев сингари кино ва драма санъати намояндаларининг номларини яхши билади. Жаҳоншумул адиб Чингиз Айтматов эса аллақачон ўз ёзувчимизга айланиб кетган. Султон Раев мана шундай атоқли салафлари ишини шараф билан давом эттириб келаётган инсон ва ижодкордир.

“

Султон Раев истеъдодли драматург сифатида ҳам ном қозонган. Унинг «Аёл», «Маликанинг кўзёшлари», «Девор», «Барсбек», «Қизларжон, қизлар» каби драмалари дунёнинг машҳур театрлари сахналарида ижро этилган.

7

«Қуёш тутилган кун» қиссасини муаллиф 27 ёшида, 1984–1985-йилларда ёзган. Ушбу мўъжаз асарда одам бола-сининг покиза хилқат ўлароқ дунёга келиб, ақли тўлишиб, ёши улғайгани сари қалб дунёси торайиб боравериши руҳий-ҳиссий таҳлилга тортилади.

Қиссадаги Қуёш барчамиз билган улкан осмон ёритқичи эмас, қалбимиздаги Қуёшдир. Қуёш нури ҳаммага баробар тегади, лекин кўксимиздаги Қуёш ҳаммага баробарми, қалб кўримизни инсонларга баробар улаша олаяпмизми?! Асарда қаҳрамонлар тимсолида мана шу залворли саволларга жавоб изланади.

Адибнинг «Чанг йўл», «Хонишанинг кўзёшлари», «Қуёш тутилган кун», «Маликанинг кўзёшлари», «Ҳафтанинг бешинчи куни», «Тож», «Жанжаза», «Жазо», «Тўфон», «Антистандарт» сингари ўнлаб китобларидан ўрин олган асарлари ҳақида ҳам мароқ билан узоқ гапириш мумкин. Аммо бу ўринда биз мутолаа лаззатидан баҳраманд бўлиш бахтини муҳтарам ўқувчиларимизнинг ўзларига қолдириш билан чекланамиз.

Султон Раев истеъдодли драматург сифатида ҳам ном қозонган. Унинг «Аёл», «Маликанинг кўзёшлари», «Де-

вор», «Барсбек», «Қизларжон, қизлар» каби драмалари дунёнинг машҳур театрлари сахналарида ижро этилган, хусусан, Қирғизистон, Эрон, Германия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Татаристон давлатларида ўтказилган театр фестивалларида бош соврин – Гран-приларни қўлга киритган.

Яқинда Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романидаги «Найман она қиссаси» асосида Султон Раев томонидан ёзилган «Овсар» драмаси Бухоро вилояти мусиқали драма театрида муваффақиятли сахналаштирилди. Асар тақдироти 2024 йил 17–19-апрель кунлари Бухоро шаҳрида туркий тилли давлатлар ёш ижодкорлари форуми доирасида ўтказилди ва барчага манзур бўлди.

Эътироф этиш керакки, адиб жаҳон драматургиясининг энг яхши намуналарини чуқур ўзлаштирган ҳолда, асарларини янгича шакл ва мазмунда ёзишга, бадиий ифодада шартлилик ва рамзийлик унсурларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилади. Масалан, унинг «Суфлёр» драма-новелласида фақат бир киши қатнашади – аёл актриса бир вақтнинг ўзида ҳам суфлёр, ҳам спектакл бош қаҳрамони образларини яратади.

Адиб асарлари асосида суратга олинган «Иккиси», «Шаҳар» бадиий филмлари ҳам кино мухлислари қалбидан муносиб жой олган.

Султон Раев қирғиз халқининг жасур фарзанди, миллий озодлик ҳаракатининг қаҳрамони Қурбонжон додхонинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб «Маликанинг кўзёшлари» номли пиеса ва ҳаммуаллифликда кинофилм сценарийсини яратган. Бу асарлар ҳам томошабинлар томонидан қизгин кутиб олинганини қайд этиш лозим.

Бундан қарийб қирқ йил бурун камина ҳам атоқли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг тарихий эссесидан илҳомланган ҳолда «Олой маликаси» деб шуҳрат қозонган

бу матонатли момомиз ҳақида «Бунчалар ширинсан, эй аччиқ ҳаёт!» номли ҳикоя ёзган эдим. Шу сабабли совет даврида бундай қалтис мавзуга қўл уриш, уни ҳаққоний тасвирлаш ижодкордан қанчалик катта масъулият, энг муҳими, журъат ва жасорат талаб этишини ўз тажрибам мисолида яхши биламан.



Бугунги кунда мамлакатимиз Туркий давлатлар ташкилоти ва «TürkSOY»нинг аъзоси сифатида уларнинг фаолиятида муносиб иштирок этмоқда. Ушбу тузилмалар билан ҳамкорлигимиз жадал ривожланиб боргани сари биз ўз дунёқарашимиз чегараларини кенгайтирган ҳолда, қардош халқларнинг маданияти ва санъати, энг сара бадиий асарлари билан танишиш, жумладан, жаҳон миқёсидаги маданий-эстетик жараёнларда фаол қатнашиш имконига эга бўлмоқдамиз. Шу аснода ўзбек-қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий-гуманитар алоқаларимиз тобора мустаҳкамланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Биз муҳтарам Султон оғамиз билан Тошкент ва Анқарада, Бишкек ва Бокуда, Остона ва Самарқандда, Навоий ва Ашхободда, Чўлпонота ва Истанбулда кўп бор учрашиб, улкан туркий оиламизнинг маънавий ҳаёти, унинг истиқболи, эртага ўрнимизга келади-ган ёш авлодимизни баркамол этиб тарбиялаш масалалари ҳақида қизгин суҳбатлар курганмиз ва доимо мана шундай гурунглари интиқлик билан кутиб яшаймиз.

«Сиз менинг бобом бўласиз» деб лутф қиламан мен гоҳо исм-фамилияларимиздаги уйқашликка ишора қилиб.

«Шундайми? Ундай бўлса, эшитинг, азиз набирам» дейди Султон ака жиламайиб ва биргаликда янги бир ташаббус, янги бир ижодий лойиҳани амалга ошириш таклифини ўртага ташлайди.

Султон Раевнинг қатор асарлари мамлакатимизнинг даврий нашрларида чоп этилиб, ўқувчилар эътибори ва меҳрини қозониб келмоқда. Мана, ниҳоят энди бу ажойиб асарлар «Сайланма» номи билан яхлит бир китоб ҳолида нашр этилмоқда.

Шу ўринда мазкур тўпламдаги асарларни ўзбек тилига ихлос ва маҳорат билан ўгирган таржимонларимизга, китобни замонавий мазмун ва гўзал дизайн билан тайёрлаган ноширларга, бу эзгу ишларнинг барчасида жонбозлик кўрсатган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига самимий миннатдорлик билдиришга бурчлимиз.

Мен ноёб инсоний туйғуларни баланд пардаларда тараннум этиш, Ер юзини, одамзот қалбини маънавий тўфон ва таназзуллардан асрашга, азалий қадриятларни садоқат ва қатъият билан ҳимоя этишга хизмат қиладиган ушбу китоб юксак дидли ўзбек китобхонларига манзур бўлади деб ишонаман.

Атоқли адиб Султон Раев Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзосидир. Бинобарин, бадиий олами, одамийлик фазилатлари билан халқимизга ғоят яқин ва қадрдон бўлган бу улкан ижодкорни биз ўз ёзувчимиз деб биламиз ва дўстимиз, оғамизга мустаҳкам соғлиқ, янги-янги ижодий ютуқлар тилаймиз.



ЭШИКЛАР ОЧИҚ,

ЛЕКИН...

Журналимизнинг 2024-йилги 1-сониди «Тавсия» рукнида она тилимизга кириб келаётган ҳамда ўзлашаётган янги сўзлар ҳақида мутахассис ва ижодкорларнинг фикрлари эълон қилинди. Қувонарлиси, янги рукнимиз кўплаб юртдошларимизга, ўзбек тили фидойиларига, ижод аҳлига манзур бўлди. Анъанани давом эттирган ҳолда бу сафар ҳам ана шундай сўзларнинг бир дастасини танлаб, тилимиз жонкуярлари тавсияларига қулоқ тутдик.

Байрам АЛИ тайёрлади.

1.

Аэрбаг – инглиз тилидан таржима қилинганда «ҳаво ёстиқчаси» маъносини билдиради. Авария вақтида автоуловда одамлар хавфсизлигини таъминлайдиган мослама.

2.

Радар – инглизча «radio detesting and rangeing»нинг қисқартмаси, ҳаво, денгиз ва ердаги жисмларни аниқлаш, уларнинг масофаси, тезлиги ва геометрик параметрларини ўлчайдиган радиотехник система.

3.

Хайп (инглизча hype) – медиа оламида сунъий шов-шув қўзғаб, қандайдир воқеа ёки шахсга эътибор қаратиш.

4.

Локация (лотинча locatio) – тураржой, позиция деган маъноларга эга. Туркияда бу сўз қўним деб қабул қилинган.

5.

Турникет – (французча tourniquet, tourner) буриш, айлантириш демакдир. Бирор бинога кириб-чиқувчи кишиларни текширувчи қурилма, яъни назорат аппарати.

6.

Смайлик (инглизча smiley) – табасум. Ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларда мимика ва ҳиссиётни ифодалайди.

7.

Вайн – (инглизча wine) – оғзаки нутқда йиғлаш маъносига эга. Шу кунларда ижтимоий тармоқлардаги қисқа видеороликлар ҳам шу ном билан аталади.

8.

Духовка – темир деворга эга ва юқори хароратда таом пиширишга мўлжалланган ошхона печкасидаги қурилма.

9.

Подкаст – бу атама 2004 йилда ўйлаб топилган ва «iPod» ва «broadcasting» сўзлари қўшилишидан бино бўлган. Ҳозирги вақтда «YouTube» ва «Яндекс» тармоқларида бир ёки бир неча киши томонидан турли мавзулар муҳокама қилинадиган аудио ва видео контент.

10.

Мойка – русча сўз бўлиб, «ювиш», «тозалаш» маъноларига эга.



Филология
фанлари номзоди,
доцент Равшан
ЖОМОНОВ
тавсия қилади:

“

Ҳайп – бу сўз жадаллик билан оммалашиб бораётгани туфайли унга муқобил сўз топиш жуда ҳам зарур. Назаримизда, ушбу сўзни шов-шув тарзида қўллаш мумкин.

1. Аэрбаг – дамёстиқ десак бўлади.

2. Радар – бу сўз бажарадиган вазифаси ва маъно-мазмунига кўра ўзбек тилига сингиб кетган. Қўлланиш доираси анча кенг. Ўзини қолдирган маъқул.

3. Ҳайп – бу сўз жадаллик билан оммалашиб бораётгани туфайли унга муқобил сўз топиш жуда ҳам зарур. Назаримизда, ушбу сўзни шов-шув тарзида қўллаш мумкин.

4. Локация – сўзнинг луғавий маъноси ва бажарадиган вазифасидан келиб чиққан ҳолда, оддийгина шаклда жойлашув дейиш мумкин.

5. Турникет – бажарадиган вазифасига кўра текширув жойи тарзида қўлласа бўлади.

6. Смайлик – ушбу сўз ўрнида ифода сўзини қўллаш мумкин.

7. Вайн – ўзини қолдирган маъқул.

8. Духовка – токтандир ёки газтандир дейиш мумкин.

9. Подкаст – бажарадиган вазифаси бўйича «эшиттириш», «кўрсатув» сўзларига маъно жиҳатидан анча яқин. Бироқ яхлит бир сўз экани ва қулай талаффузини ҳисобга олганда, унинг ҳам ўзини қолдирган дуруст.

10. Мойка – мазкур сўз ўзбек тилида икки хил маънода ишлатилади. Биринчиси – ошхона ва ванналарга ўрнатилган чаноқ (раковина). Иккинчиси эса автомобилларни тозалаш шохобчаси. Шундай экан, мазмундан келиб чиққан ҳолда, чаноқ ва автомобил ювиш жойи атамаларини қўллаш мумкин бўлади.



Филология фанлари
доктори, профессор
Султонмурод ОЛИМ
тавсия қилади:

1. Аэрбаг. Хорижий сўзларни тилимизга таржима қилиб кириштишда бир қўпол хатомиз бор. Кўпинча ўша сўзнинг луғавий (келиб чиқиш) маъносига ёпишиб оламиз. Аслида мазкур сўзни автоҳимоя десак ҳам нотўғри бўлмайди.

2. Радар сўзи аллақачон тил хазинамизга кириб бўлган. Бугун ҳеч бир ўзбекни радар калимаси «radio detesting and rangeing» жумласининг қисқартмаси экани қизиқтирмайди. Бироқ унинг айнан нима вазифада ишлатилишини биллади. Шунинг учун радарнинг шундай қолгани маъқул.

3. Ҳайп. Нутқимизда сенсация деган сўз ҳам бор. Ҳайп ҳам аслида шунинг ўзи. Фақат бир-биридан фарқи бор. Биринчидан, «ҳайп» ижтимоий тармоқдаги шов-шув, иккинчидан, у атайлаб, сохтакорлик билан ташкил қилинади.

Ҳалигача бу сўзнинг тилимизда у қадар оммалашиб кетмаганидан фойдаланиб,

янги, яъни ўзбекона муқобил таклиф қилиб кўришимиз мумкин. Каминага қолса уни сохта шов-шув деб таржима қилган бўлар эди. Агар тил ривожланаверса, бу тушунча кўп-кўп қўлланадиган бўлса, бора-бора унга нисбатан оммавий кўникма ҳосил бўлса ажаб эмас.

4. Локация – бу сўз ишлатилавериб, халққа ёд бўлиб кетди. Энди қанчалар мос ўзбекча муқобил сўз айтсанг ҳам, одамлар локация деяверади. Демак, локация сўзини айнан қолдирган маъқул.

5. Турникет аллақачон халқаро истилоҳга айланиб улгурган.

6. Смайликнинг ўзини қолдирган тузук.

7. Вайннинг ўзини ишлатаверсак бўлади.

8. Духовка – болалигимизда уйимиздаги ўрис печкасининг ичкари уйга ўтган қисмида духовка бўлар, унда овқат ва нонларни иситиб олар эдик. Гарчи келиб чиқиши тамоман ўрисча бўлса ҳам у худди самовар (яъни само – ўзи, вар – қайнатувчи) сўзи каби онгимизга ўрнашиб улгурган. Ҳатто турклар ҳам самоварни семавер дейди.

9. Подкастни ўзбекчада тарқатма десак жуда мос тушади.

Фақат қулоқ ўрганса бўлгани.

10. Мойка – одатда ош, яъни овқат пишириладиган ва ейиладиган жойни «ошхона», чой ичиладиган жойни «чойхона» деймиз ва ҳоказо. Шунга мос равишда, «мойка»ни ҳам «ювхона» деяверсак ҳеч нарса бўлмайди. «Автомойка»ни эса «автоювхона» десак бўлади.

“

Ҳайп. Нутқимизда сенсация деган сўз ҳам бор. Ҳайп ҳам аслида шунинг ўзи. Фақат бир-биридан фарқи бор. Биринчидан, «ҳайп» ижтимоий тармоқдаги шов-шув, иккинчидан, у атайлаб, сохтакорлик билан ташкил қилинади.



Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Элмурод НИШОНОВ тавсия этади:

Аэрбаг – инглиз тилидаги *air* (ҳаво) ва *bag* (қоп) сўзларидан ясалган бўлиб, «ҳаво қопи», «ҳаво тўлдирилган қоп» деган маънони билдиради. Ўрис ва ўзбек тилларига ёмон ўгирилган сўз. Чунки у шакл, маъно ва вазифа жиҳатидан ёстиққа (подушка) унча ўхшамайди. У чиндан ҳам «ҳаво билан тўлдирилган қоп»дир. Лекин уни шундай узундан-уzun ифода билан тақдим этиш мумкинми? Албатта йўқ. «Ҳаво қопи» десак ҳам сингишмаса керак. Шу боис уни аэрбаг деб қўллайверганимиз маъқул.

Радар – кўпдан бери радар. Кулоққа сингиб кетган сўз, муқобилини излашга ҳожат бўлмаса керак.

Ҳайп – шов-шув.

Локация – турганжой. Биз ўзимизни ўзимиз кўп масҳара қиламиз. Албатта, камчиликлар устидан кулиш бошқа, мазах қилиш бутунлай бошқа нарса. Биз ўз тилимизни кулги қилишдан тийилганимиз маъқул.

Агар бирор хорижий сўзнинг айна муқобили бўлса, уни она тилимизда бемалол, ҳеч уялмасдан, тортинмасдан, кўрқмасдан қўллайверишимиз керак. Сиз, мен ва атрофимиздаги яна тўрт-беш киши тажриба учун ҳам бир қўллаб кўрсак билар эдик халқимиз асл ўзбекона сўз ва ифодаларга қанчалик ташна эканлигини. Фақат озгина журъат қилсак, жасорат кўрсатсак кифоя.

Ана, «астанапка» деган сўзни кўпчилик унутиб бўлди, «бекат» деяпмиз. «Дўкон», «туман», «вилоят» сўзлари ҳам ана шу журъат ва жасорат натижасида нутқимизга қайтди.

Турникет – **бирўтар**. Тоғу тошларни кезиб кўрганлар билади, баъзи жойларда бир киши сиғадиган ўтиш жойлари бўлади, уларни халқимиз «бирўтар» деб атаб қўйган. Турникет ҳам худди шундай – одамлар бир-ма-бир ўтадиган жойдир. Шундай экан, нега уни ўзбекчалаштирмаслигимиз керак?

Смайлик – ўрнига бемалол «кулгич» сўзини қўллайвериш мумкин деб ўйлайман. Тўғри, изоҳли луғатимизга кўра, киши кулганда юзида пайдо бўладиган чуқурча кулгич дейилади. Лекин бу сўзнинг «куладиган», «кулувчи» деган маънолари ҳам бор. Ўйлаб қарасак, телефон ёки компьютер экрандаги смайлик белгиси билан киши ёноғидаги кулгичнинг шакли бир-бирига икки томчи сувдай ўхшаб ҳам кетади.

Вайн – вайн.

Духовка – бугтандир.

Подкаст – тагини суриштирсангиз, жуда оламшумул маъноси ҳам йўқ, кўр-кўрона олинган сўзлардан бири. Агар ҳозирги аксарият подкастларимизнинг маъно-мазмунига қараб тавсия этиш мумкин бўлганда, мен «гапбозлик», «сафсата», «валдираш» ёки жуда нари борса, қўшрабортчасига «ҳангама» («ҳангома» эмас!) каби сўзлардан бирини айтган бўлар эдим.

Аммо, хайриятки, жиддий инсонлар иштирокида жиддий мавзулар муҳокама қилинадиган подкастлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ҳаққи-хурмати, мен бошқа вариантни таклиф этаман: **«гурунг»**. Қандай чиройли, ўзбекона ифода!

Мойка – ювиш. Шу тариқа буни ҳам иккиланмасдан ўзбекча қилиб айтаверсак, биров уришмаса керак.

«Автомойка» эмас, «автомобилларни ювиш».

«Қаердасан?» дейишса, «мошин ювдираяпман» дейилади.

ЛОЙҚА

сериаллар

кимдир
буни
назорат
қиладимиз?

Барно СУЛТОНОВА

Миллий сериалларимиз ҳақида гапириш урф бўлди. Бироқ улар ҳақида қанча кўп салбий фикр айтилса, худди атай қилгандай, шунча авж олаётир. Тентакка тентак десанг арпа бўйи ўсади дегани шудир балки. Авваллари сериаллар хусусида эксперт, киношунос, журналистлар сўз айтган бўлса, бугун оддий томошабинлар ҳам фикр билдираяпти. Интернетда телевидение орқали эфирга кетаётган сериаллар ҳақида юзлаб одамларнинг фикрини ўқишингиз мумкин. Аҳамиятлиси, бу фикрлар сериалларни суратга олиш жараёни тугамай айтилмоқда. Ижодкорлар ҳам сериални томошабинлар танловига, маслаҳатига қараб давом эттиради. Қойилмисиз?





Масалан, «Менинг юртим» хусусий каналида икки йил олдин «Хон films» ижодкорларининг «Номус» сериали эфирга берилган эди. Адашмасам, шу кунларда такроран намойиш этилмоқда. Томошабинларнинг изоҳларига эътибор қаратамиз:

50-қисм. О.: «Бу беномуслар қачон тугайди? Шу кинони ишлаб чиқарганга лаънатлар бўлсин. Шу кинонинг қаерини яхши деб айта оласизлар, яна иккинчи фаслга бало борми? Ўзбекистонда бунақа одамлар бўлиши керак эмас». «Бу сериалнинг номи “Номус” эмас, “Беномуслар” бўлиши керак. Нимаси номус бунинг, фарзанди кимданлигини билмаган аёлни икки эркак талашиб ётибди».

Мазкур сериал 247-қисмгача давом этган. Демак, бир йил давомида экрандан тушмаган. Истайдими-йўқми, одамлар бир йил қаҳрамонларнинг тутуруқсиз ҳаётини томоша қилишга мажбур. Тўғри, сериалдаги воқеалар ҳаётимизда учраб туради. Аммо сценарий шу қадар бўш, савиясиз ёзилганки, воқеаларга ишониш қийин. Сериалда бир қарасанг бош қаҳрамонлардан бири Алишернинг сочи мажнунникидек ўсиб ақлдан озади, бир қарасанг, яна бир қаҳрамон Фолиб дайдига айланиб қолади. Икки эркак ҳам бир аёл – Гулнорани севади. Гулноранинг фарзанди Алишердан, аммо у Фолибга тегаман дейди. Фолиб эса бола бировданлигини билиб туриб ҳам бахтли. Буни кўрган бир томошабин ёзаяпти: «Тавба, Алишер ўз хотинини эрга бераяпти?..».

Сериал бошида Гулнора Фолибни танлайди, охирида эса Алишерга тегишга рози бўлади. Ҳаётда бунга ўхшаган воқеалар учраб туради. Аммо бу борада қарор қилиш шу қадар тез ва осон эмас. Сериал қарийб бир йил давом этса-да, инсоннинг ички олами очиб берилмайди. Қаҳрамонларнинг руҳий касал бўлиши

ҳам, бомж бўлиши ҳам, ҳатто бир юмалаб тузалиши ҳам осон.

Шу ўринда яна томошабинларнинг фикрларига диққат қилайлик.

С.: «Мурожаат, ҳурматли режиссёр, илтимос, қизларимиз бахти билан ҳазиллашманг, қайси сериал бўлмасин, қизнинг тўйи куни олиб қочиб кетади. Наҳотки шунчалик паст кетасизлар! Пуш ишлаш керак деб ҳар хил уйдирма нарсаларнинг нима кераги бор?».

М.: «Фолиб ролини зўр ўйнаган, ҳақиқий чиққан, омадини берсин, ҳаётда бундай оилалар бўлмасин, бирининг эрини тортиб олган, бирининг хотинини севиб қолган».



Д.: «Кино нима бўлиб кетди, мен анчадан бери кўрмай қўйгандим, чалкашиб кетдим, Алишер шунда нечанчисига уйланаяпти?».

Бир изоҳда томошабинларнинг бири шундай ёзади: «Ўлим ўйинчоқ, бола ўйинчоқ, қизларнинг иффати ҳам ўйинчоқ, муҳаббат ҳам ўйинчоқ. Агар муҳаббат ўйинчоқ бўлмаганида Алишер сериалдаги бутун персонажларни навбати билан севиб қолмас ва охирида яна Гулнорага қайтмас эди...».


66-қисмда эса бирмухлис сериал ичида адашиб қолганини ёзади: «Гўзал ростдан ўлганми ёки яна тириладими? Жавоб ёзинглар, илтимос, ҳеч вақт кинодаги бош қаҳрамон ҳам ўлиб қоладими?».

Акбар ИНСОПОВ, режиссёр, продюсер:

«Маиший мавзулар учун цензура йўқлиги галати. Фаҳи сахналар кетаяпти. Сериалларда мавзу бир хил: опасининг эрига сингиси тегиб олади, кимдандир ҳомиладор бўлиб қолади ва ҳоказо. Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Жуда очиқчасига кўрсатилаяпти. Бунинг сабаби шуки, телеканаллар шу нарсаларни талаб қилаяпти. Нега каналлар ўшани талаб қилаяпти? Чунки томошабинлар бугун хусусий каналларни кўпроқ кўраяпти ва рейтинг мана шундай фаросатсизлик ва бачканалик орқали кўтарилаяпти. Рейтинги юқори каналларга эса кўп реклама беришади.

Одамларнинг кўриши учун сифатли маҳсулот бўлмагач кўради-да. Лекин халқ шунини кўраркан дея тиқиштиравериш ҳам нотўғри. Телеканалларга савияли нарсаларни олиб борсангиз, “бизнинг каналга тўғри келмайди” деган жавобни эшитасиз. Уларниям тушунса бўлади, ён қўшнидаги канал маиший мавзудаги сериал қўяди ва рейтингда ўзиб кетади. “Менинг юртим” телеканалда “Пирамида” деган яхши сериал қўйилди, бошқа каналда эса маиший мавзудаги. Оқибатда бугунги долзарб мавзу – фирибгарлик ҳақидаги “Пирамида” сериали рейтинг ололмади. Яна бир режиссёр 20 қисмли сериал суратга олди. Ички ишлар мавзуси бўйича. Чет эл филмларидек, Ҳолливуддагидай катта пул сарфланди. Бу сериал ҳам рейтинг ололмади.

Томошабинни енгил-елпи асарларга ўргатиб қўйдик. Бундан қутулишнинг ягона йўли барча каналларда бачкана мавзуларни тақиқлаш керак. Шу тариқа одамларни савияли мавзуларга ўргатиш лозим. Аста-секин савияли кўрсатувларни кўришга мослашади ва дид ўсади...».



Телеканалларга
савияли нарсаларни олиб борсангиз,
“бизнинг каналга тўғри келмайди”
деган жавобни
эшитасиз.

Шу кунларда «Миллий» телеканалда яна бир сериал намоиш этилмоқда. Жаҳонгир исми бош қаҳрамон 15 йил бирга яшаган хотини Исмигулдан осонгина воз кечиб кетди.

Мазкур сериалга ёзилган изоҳларда кўпчилик Исмигулнинг фарзандли бўлиб Жаҳонгирни жазолашини истаяпти. Исмигул эса шаллақи, уришқоқ Жамила опанинг қизи. Жамила опа ролида Саида Раметова. «Йиғлаган қизлар» сериалининг бош ғояси номаълум. Хотинидан воз кечган ва бир нечта қизнинг бошини



айлантирган субутсиз Жаҳонгирнинг тўхтаган бекати Наргиза исмли яна бир шантажчи аёл. Умуман, бу сериалларда аёлларнинг деярли барчаси оми, пулга ўч, мақсади фақат қандай қилиб бўлса-да эрга тегиш қилиб тасвирланади. Жамила опа Наргизани куёвини илинтириши, у ҳақда маълумот тўплаши учун ёллади. Наргиза эса буюртмани бажариш ўрнига Жаҳонгирни чиндан севиб қолади. Аммо уларда фарзанд бўлмайди. Наргиза эри ҳайдаб юбормаслиги учун ҳомиладор деган сохта ҳужжат тўғрилайди.

Бир куни Жаҳонгир хизмат сафарига кетганда собиқ эрининг ёнига бориб, уриш чиқармоқчи, ундан калтак емоқчи ва бола тушиб қолди деб алдамоқчи бўлади. Тасаввур қиляпсизми, бу қаҳ-

рамон ёшларга, келажак авлодга нимани ўргатаёпти? Наргизанинг собиқ эрига айтган сўзларига эътибор беринг: «...ифлос, мараз, ит, эркак бўлмай ўл». Олтмиш ёшдан ошган Жамила опанинг сўз бойлиги ҳам худди шундай: «Сен ифлосга кўрсатиб қўяман, безбетлар, ифлослар...». Ҳатто ўзининг қизларидан тортиб бегоналарнинг фарзандигача лақаб қўйишга уста: «бўтакўз, линзакўз, кўкармас». Тўғри, Саида Раметова ўз ролини жуда қойиллатиб ўйнаган, ҳар бир сўзни мимикалари ва оҳанглар билан етказиб берган, лекин яна ўша савол: бу томошабинга нима беради? Сериалнинг



Тўғри, Саида Раметова ўз ролини жуда қойиллатиб ўйнаган, ҳар бир сўзни мимикалари ва оҳанглар билан етказиб берган, лекин яна ўша савол: бу томошабинга нима беради?





бир қисмида куёв бўлмиш Жаҳонгир қайнонаси ҳақида шундай дейди: «итга ўхшаб искаб келади...».

Келинг, яна сериал ҳақида одамларнинг фикрларига эътибор қаратамиз.

20-қисм. Д.: «Маҳзунанинг сочини текисланглар, ҳар кўрганда асабим ўйнайди, ҳеч бўлмаса пешонасидаги сочини».

Маҳзунанинг сочи ҳар сафар худди шундай танқид қилинади. Кейин яна изоҳларда шундай эсланади: «Бизни ўқишадими дейман, Маҳзунанинг сочи ўзгариб қолибди, бўлмаса жуда кўзичоқникидек жингалак эди...».

60-қисмга келганда эса яна бир муҳлис шундай ёзади: «Маҳзуна, сизга жингалак соч ярашмас экан, шу сочингиз ярашибди...».

55-қисм. Ш.: «Кинонинг маъноси қолмади, шилта сингил, даюс ака, фақат минғир-минғир...».

З.: «Шунча воқеалар бўлди-ю, Саида опа ҳалиям уйига бормади, ана бизнинг кинолар».

Н.: «Наргизанинг акаси керакмас образ, қамоққа кетсин, режиссёр амаки...».

М.: «Маҳзунанинг ҳомиладор бўлгани қачон эди-ку, менимча айтиш эсидан чиқиб кетган...» (*кулган смайлик қўйилган*).

Р.: Сабинани йўқотинглар, ортиқча пул тўлаяпсизлар, шу қизни кўрмасдан барибир ўтказиб юборамиз».

Д.: «Жаҳонгирнинг опаси-синглиси йўқми дегандик, опаси пайдо бўлиб қолди, бизни ўқишадими дейман-да...».



Бу қандай

*кино саноати эдики,
томошабин сериал ўзанини
қаёққа буришни ижодкорга
ўргатиб турса?*



Бу қандай кино саноати эдики, томошабин сериал ўзанини қаёққа буришни ижодкорга ўргатиб турса? Бу сериалларнинг томошабини ҳақиқий санъатсевар, кино шинавандалари эмас, шунчаки бекорчилар. Аксига олиб, сериаллар уларнинг талаби билан ёзилмоқда, давом эттирилмоқда.

– Ён беш йилдан бери шу соҳада ишлайман, – дейди бир таниш продюсер. – Соҳа жар ёқасига келиб қолишининг асосий сабаби шуки, ким кўпроқ ўша канални кўрса, шунга кўп пул, яъни реклама келади. Олдин МТРК олган «Опа-сингиллар», «Туташ тақдирлар» деган сериаллар бўларди. Энди шунақа сериал олсангиз, рейтинг кўтармайди. Ҳозир тажрибага эга бўлмаган одамлар ҳам сериал олаяпти. Драматургиядан хабарсиз, эпизод билан эпизод боғланмайди. Енгил-елпи асарлар миллион-миллион кўрилади. Телеканаллар ўзини маблағ билан таъминлаш учун шундай сериалларни ишлашга мажбур. Фикримча, буларнинг барчасига бирданига тақиқ қўйиш лозим. Сериаллар муҳокамага қўйилсин. Аввалига беш серияси тақдим қилинсин, агар талабга жавоб берса, қолганларини ҳам суратга олишга рухсат берилсин. Ҳозир сериалларнинг беш қисми яхши ишланади, каналлар билан шартнома қилиб олингач

ҳаммаси атала бўлиб кетади. Масалан, «Қодирхон» сериалини кўпчилик кўрган. Ўлиб кетган одам тирилиб келаяпти. Бир пайтлар Қозоғистон, Қирғизистон ҳавас қиларди бизнинг кино саноатимизга. Ҳозир-чи, оналар сериалларимизда қизини у эрдан олиб бу эрга бериб ётибди. Ижодкор халқнинг орқасидан эмас, халқ ижодкорнинг орқасидан эргашиши керак. Афсуски, ҳозир ижодкорлар авомнинг орқасидан кетаяпмиз. Иккита сериал олдим. Унда хиёнат, фаҳш бўлмагани учун рейтинги кўтарилмади. Яна бир катта фожеамиз – турк сериаллари бизга ана шу хиёнат, фаҳш мавзуларини олиб кирди. Оқибатда улардан ўтиб кетдик. Телевизор олдидан эркакларни қочириб юбордик, фақат аёллар қолди.



Соҳа жар ёқасига келиб қолишининг асосий сабаби шуки, ким кўпроқ ўша канални кўрса, шунга кўп пул, яъни реклама келади.





Усмон АЗИМ

ЮРАК

САҲНАСИДАГИ КЕЧМИШЛАР

Мен биринчи марта Валижоннинг исмини мустақилликнинг илк йилларида бобомиз Амир Темур таваллудига бағишлаб ўтказилган театр томошалари танлови муносабати билан эшитганман. Сирдарё театрида Ҳусайн Жовиднинг «Амир Темур» асари асосида Валижон Умаров қўйган спектакл энг юқори ўринни олганини Баҳодир Йўлдошев ўша пайтлари деярли ҳар куни такрорланиб турадиган завқли-шавқли бир даврада тилга олганди. Театр оламидаги санъаткорларнинг барчасини биламан деб юрган кезларим эмасми, нега бу режиссёрни билмайман деб гарангсираганим эсимда...

– Ким? Ким? – деб сўраганман.
 – Валижон, – деган Баҳодир Йўлдошев.
 – Валижон Умаров... Кўргансиз, театримизга келган. Таништирганман... Яхши йигит. Менинг ҳам эсимга тушган.
 – Э, ўша йигитми?.. – деганман негадир ичимда хижолат тортиб.

Бу ўринда озгина изох беришга тўғри келади.

Гап шундаки, театр ва адабиёт атрофида қаланғи-қасанғи даъвогарлар кўп айланиб юради. Истеъдодсизларни жиним суймагани учун одатда уларга парво қилмайман. «Ўша йигит»нинг истеъдодли эканлигини қайдан билай? Манглайига «зўр» деб ёзиб қўймаган бўлса...



Ўзи мен биринчи кўринганда сал каттароқ кўринаман, – деганман ҳазил аралаш. – Энди сиз менга катта туюлаяпсиз...

Аммо бу учрашув Валижоннинг эсида қолган экан.

– Ўшанда ўзингизни жуда катта олгансиз, – деган Валижон кейинчалик – ака-ука бўлиб кетганмиздан кейин. У бу гапни кулибгина айтган.

– Ўзи мен биринчи кўринганда сал каттароқ кўринаман, – деганман ҳазил аралаш. – Энди сиз менга катта туюлаяпсиз...

Асли бу ҳазилим чин ҳақиқат – чунки бу даврга келиб Валижон миллий театрнинг бош режиссёри сифатида фаолият олиб борар ва довруқли спектакллари билан санъат оламида шуҳрат топган эди.

Бизнинг Валижон билан кейинги жипс ижодий ҳамкорлигимиз ана шу кунлардан бошланди.

Ўша кунларда (1997 йил) буюк шоир ва ватанпарвар Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг юз йиллигини нишонлаш ҳақида ҳукумат қарори чиққан, бу қутлуғ санани муносиб ўтказиш ишлари бошланиб кетган эди. Кутилмаганда ўша пайтлар «Ўзбектеатр» бошлиғи лавозимида ишлаётган Муҳаммадали Абдуқундузов бу улуғ ижодкор ҳақида пиеса ёзишни менга таклиф қилиб қолди. Гарчи бу мавзу менга яқин бўлса ҳам бу ишни анча пайтгача бўйнимга олмай юрдим. Ҳолбуки, ўша кезлар драматургиянинг анча-мунча ҳадисини олиб қолган, «Бозор», «Алпомишнинг қайтиши» ва «Бир қадам йўл» драмаларимни шу омадли йилнинг ўзида ёзиб тугатган эдим. Нега бўйнимга олмадим? Менда тарихий драматик асар ёзиш

тажрибаси йўқ эди. Тарихийликнинг занжирларига боғланиб қолиш ижодий эркимга – илҳомнинг озод парвоз этишига ҳалақит беради деб ўйлардим (худога шукур, асарни ёзиш жараёни бу фикримни рад этди!).

Хуллас, Абдуқундузов мени таклифига барибир кўндирди ва... бу ижодий режани Валижон Умаров билан ҳамкорликда амалга оширишимизни айтди – яъни мен пиеса ёзаман, Валижон сахналаштиради.

Мен ҳамкорликда ишлаб кўрмаган одам эдим. Ижодий жараён пинҳонликда кечишига ишончим комил эди.

Ишга киришдим. Тарихий манбаларни ўргандим. Анчагина қоғозларни қоралаб ҳам ташладим. Аммо бу қораламаларга нимадир етишмас эди. Бу орада Абдуқундузовнинг ташаббуси билан Валижон иккаламиз бир неча бор кўришдик ҳам. Аммо суҳбатимиз қовушмас, гўё аллақандай доvon яқинлашиб кетишимизга ҳалақит бериб тургандай эди. Абдуқундузов кулибгина Валижоннинг «Э, у одам жуда осмон-ку» деган гапларини менга бир неча марта айтди. Энди ўйласам, режиссёримиз ўша пайтлар мени биринчи кўрганидаги таассуротлар билан юрган экан-да...

Хуллас, аста-секин яқинлаша бошладик.

Асарни тез тугатиш керак эди. Мен драмани бир чизиққа тизгандай бўлдим. Барибир кўнглим тўлмади. Нимадир ет-





Мен ўшандан буён тарихни истеъдодли одамлар ижодий қайта яратиши керак экан деб қатъий бир қарорга келганман. Истеъдодли одамлар яратган тарих тирик бўлади. Ҳеч кимни бепарво қолдирмайди.

мас эди. Театрнинг асар устида ишлаш муддати бостириб келар, мен эса ортиқ ҳеч нарса қилолмаслигимни англаб турар эдим...

Қўлёмани Валижонга бердим.

Валижон ўқиб бўлгач, биринчи митти саҳна қандай бўлиши кераклигини тахминан айтди. Камина бировнинг гапини олмайдиганлар хилидан эмасми, қийналиб ўйланиб қолдим... Ким билсин?..

Кейин бизнинг уйда учрашдик. Ва биргалашиб ўша саҳнани ёза бошладик. Валижон у дейди, мен бу дейман. Баҳс бошланди. Қизишиб кетдик! Бақирчақир! Бир бет ёзгунимизча неча марта душман бўлиб, неча марта дўст бўлдик. Бу жараёнда пиеса қандай бўлиши менга шундоқ аён кўринди. Чунки пиесанинг бошқа жойи ёзилган – фақат озгина мувофиқлаштириш қолган эди, холос.

Хурсанд эдик. Бу орада ўртамиздаги довондан ҳам ўзимиз билмаган ҳолда ўтиб олгандик. Дўст бўлиб қолган эдик. Ўша дўстлик, худога шукур, ҳозиргача давом этади.

Эртаси пиесани тугатиб Валижонга бердим. Унга ёқди.

Ҳадемай театрдаги ишлар ҳам бошланиб кетди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтиш жоиз. Валижон Ҳамза театри актёрлари учун янги режиссёр эди. Актёрлар синчков одамлар. Улар спектаклни саҳналаштираётган янги режиссёрни мирдан-сиригача уч-тўрт кунда билиб олишади. Зўр эканми ё шунчакилардан...

Театрга ўтсам, актёрлар хурсанд. «Валижон Умаров деганингиз яхши экан!» деб мақтаб қолишди. Кўнглим тинчиди.

Томоша репетицияси тугагунича театрда Валижон «истеъдодли экан» деган «унвон»ни олиб бўлди.

Спектаклга мусиқани Анвар Эргашев ёзди. Кўнгилни орзиқтирадиган, аъзойи баданга титроқ соладиган мусиқа! Бу мусиқа қай тарзда ёзилишида ҳам Валижон ҳамнафас бўлиб турди.

Спектаклни театр бадий кенгашига топшириш байрам бўлиб кетди. Томошабинлар ҳам қарсакбозликни авжига чиқаришди. Томоша давомида спектаклнинг жиддий таъсири аён сезилиб турди. Чўлпоннинг аччиқ қисмати юракларда акс-садо берган. Кўзларда ёш...

Мен ўшандан буён тарихни истеъдодли одамлар ижодий қайта яратиши керак экан деб қатъий бир қарорга келганман. Истеъдодли одамлар яратган тарих тирик бўлади. Ҳеч кимни бепарво қолдирмайди.

Бу томоша миллий театр саҳнасида йигирма етти йил давомида саккиз юз марта ўйналди...

Театр бу йил спектаклни яна қайта саҳналаштиришни ва унга яна Валижон Умаровни таклиф қилишни ўйлаб турибди.

...Ўшандан кейин биз – Валижон, Анвар Эргашев, мен – ҳамкорликда яна бир нечта спектакл яратдик.

Театрдаги ўша кунларни актриса ва режиссёр Нодирахон Маҳмудова яқинда бир ажиб орзиқиш билан эслаб қолди:



//

Энди бир ҳақиқатни айтай: Вали-
жон Умаров театрга томошабинни
қайтарган улкан санъаткорлардан
бири, эҳтимол биринчисидир.

– Учовларинг бирга юрардиларинг!
Ҳаммамизнинг ҳавасимиз келарди!

Биз ўша пайтларда қўйиладиган спектакл ташвиши билан овора эдик. Бировнинг ҳаваси билан ишимиз йўқ – гоҳ кулишиб, гоҳ баҳслашиб, жўшиб, завқланиб юргандирмиз. Аммо ҳавас қилишган эрса, биздаги ижодий бирликка ҳавасланишгандир... Бўлмаса, одамлар уч кишилашиб юрмапими?

Анвар ҳозир йўқ.

Вали иккаламиз қолганмиз...

Кўзимга ёш келди.



Унинг мен қадрлайдиганим ажиб феъли бор. Пиеса ёқиб қолса, олди-ортига қарамай ишга киришади. Бировлардай ҳуркиб, «тепа»дагилар нима деркин деб ўйланиб ўтирмайди.



Тўқсонинчи йилларда томошабин театрга деярли келмай қўйди. Чунки ҳаётда қизгин ўзгаришлар бошланган эди. Ҳаёт ҳар қандай адабий китобдан, ҳар қандай театрдан қизиқроқ туюлиб қолди. Бунинг устига, бечорачилик – яшаш учун кураш бошланди. Барча бозорга шўнғиди. Тақдирларга беаёв аралашган бу воқелик китобга ҳам, сахнага ҳам сиғмайдигандай эди. Ҳали ҳам эски драматургияга суянган, эскича тафаккурдан ажралмаган театрлар ҳувуллаб қолди. Ўшанда тепадан кўрсатма олиб яшашга ўрганиб қолган адабиёт ва санъатнинг ўртача одамлари нима қилишини билмай қолган эди. Минг афсуски, Ҳамза номидаги театрда ҳам шу ҳол рўй берди. Натижада ночор драматургларнинг енгил-елпи асарлари томошабинлар қаршисига қилпиллаб чиқди...

– Биз еттита томошабинга ҳам спектакл ўйнаганмиз, – деб у кунларни эслаганди театрнинг ўша пайтдаги директори Ёқуб ака Аҳмедов ёзувчилар билан ўтказган бир анжуманимизда.

Энди бир ҳақиқатни айтай: Валижон Умаров театрга томошабини қайтарган улкан санъаткорлардан бири, эҳтимол биринчисидир. Спектаклларининг довуғи одамларга етиб борди. Театрга одамлар қайта бошлади...

Бу муваффақият тўлқинида Валижон Ҳамза театрига бош режиссёр сифатида ишга тақлиф қилинди.

Унинг мен қадрлайдиганим ажиб феъли бор. Пиеса ёқиб қолса, олди-ортига қарамай ишга киришади. Бировлардай ҳуркиб, «тепа»дагилар нима деркин деб ўйланиб ўтирмайди. Энг муҳими, бу ишни зарра ҳам чўчимай қилади. Биз ҳамкор ишлаган пайтларда баъзи мавзуларда ёзиш, баъзи гапларни айтиш жуда бошоғриқ – кундуз ҳаётингни узлуксиз кечага ўзгартириб юборадиган тақиқлар ва таъқибларга дуч келиб қолишинг ҳеч гап эмас эди. Аммо Валижон бепар-



Валижон мабодо бирор бир жойда ўртачароқ спектакл қўйган бўлса, айб унда эмас, балки муаллифнинг заифлигидадир. Ишонч билан айтаманки, унинг спектакли ўша ночор матндан жуда юқори бўлади.



во – кулибгина менинг қўлёмаларим устида ишлайверди. Ишлаганда ҳам мен қўлёмаларимни ёзиш асносида нимани бошдан кечирган бўлсам, ўшани бир-бир юрагидан ўтказди. Қора булутлар айланганда ҳам бирор марта нолимади.



Валижонни жасоратли одам деб ўйлайман. Унинг жасорати спектаклларига сингиб кетган. Валижон нозик табиатли, гўзалликни, қаҳрамонларнинг оғригини теран ҳис қиладиган, ҳар бир жумла жилвасини руҳи титраб англайдиган, уларни актёрларга оқизмай-томизмай етказадиган катта санъаткор. Матндаги қаҳрамоннинг дардлари, қувончи, кўз ёшларини сахнага аниқ олиб чиқади. Натижада томошабин қаҳрамонларнинг дарди билан оғрийди – кулади, йиғлайди.

Томошабин сахнадаги воқеаларнинг иштирокчисига айланади.



Валижон мабодо бирор бир жойда ўртачароқ спектакл қўйган бўлса, айб унда эмас, балки муаллифнинг заифлигидадир. Ишонч билан айтаманки, унинг спектакли ўша ночор матндан жуда юқори бўлади.



«Бир қадам йўл» асаримнинг сахнагача йўли узунроқ – беш-олти йил кечди-ёв.

Асарнинг саргузаштлари жуда мўл. Мен фақат театрга тегишли қисмидан ҳикоя қиламан.

Бу драмани театрга дўстлар тавсия қилган. У йиллар давомида қимирламай туриб қолди. Нима учун ушлаб турилганининг сабабини сўраб-суриштирганим йўқ. Чунки сабаби аниқ – саросимали тўқсонинчи йиллар воқеаларидан ҳикоя қилувчи бу асар театр раҳбариятига жуда кескиндай туюлган бўлса керак.

Бу орада асарни Озод Шарафиддинов «Жаҳон адабиёти» журналича эълон қилиб юборди. Обрўси баланд бу инсонга юқоридан дўқу пўписа бўлмагандан кейин театр раҳбарияти ниҳоят «Бир қадам йўл»ни қўйишга қарор қилди.

Асарни Валижон Умаров сахналаштирадиган бўлди.

Асарни жамоа бўлиб ўқиб чиқишгач, актёрлар хавотирга тушгани эсимда. Қўйишга қўямизу рухсат беришармикан?

Шўролар давридан қолган баъзи раҳбарларнинг дағдағали феъли барчага маълум эди. Худо кўрсатмасин, ғазабланиб қолишса!.. Бу кайфият премерагача давом этди.

Валижон атрофдаги гапу сўзларга парво ҳам қилмади. Ишга берилиб киришди.

Асар сўзга қурилган – унинг замиридаги ҳолатларни-ю ички тўлғоқларни нозиклик билан англаш лозим эди. Репетиция бошланишидан аввалги суҳбатларимизда режиссёр бутун вужуди-ю

руҳи билан асарни ҳис қилганини англадим. Асарни ёзаётганда муаллифда кечган ҳаяжон унга ҳам кўчганини сездим. У асардаги ҳар бир катта-кичик руҳий ҳолатларни, ҳар бир сўз оҳангини ўзига сингдириб олгандай эди.

...Спектакл шов-шувли бўлди.

Аммо... ҳали премера бўлмасдан комиссия устига комиссия бостириб келаверди. Улар билан қўлимиздан келганча олишдик... Мен барча тафсилотларни ёзиб ўтирмайман. Бу алоҳида мавзу. Фақат бу талотўмда Валижоннинг қилт этмай, беталваса туриб бериши мени лол қолдирди. Унинг мардонавор туришидан лаззат олдим. Чунки ҳаётимда теваригимдаги ҳамфикрим, елкадошим деб ўйлаганим одамлар озгина тазйиқ етганда ўзларини четга олганини, баъзилари эса сичқоннинг инига кириб кетганларини кўп кўрганман. Валижоннинг аллақандай ваҳимасиз туриб бериши эса кўнглимни ёруғ бир чироқдай порлатиб турди. ...Барибир, эртакларда айтилгандай, муродмақсадга етдик. Премера ўйналди.

Томоша олқишлар билан ўтди. Томошабинлар спектакл тугагандан кейин ҳам таъзимга чиққан актёрларни қўйиб юбормай, бардавом қарсак чалавердилар...

Вали иккаламизга раҳмат айтишди.

– Шерюраклар! – деди томошабинлардан бири қўлимизни ҳаяжон билан силкиб табриклар экан. – Шерюраклар!..

Ҳамкорлигимиз давом этди.

Муқимий театрида «Алпомишнинг қайтиши» асарим қўйиладиган бўлди. «Ўзбектеатр» раҳбари Муҳаммадали Абдуқундузов асарни саҳналаштириш учун Валижонни тавсия этди.

Мен хавотирда эдим. Пьеса ниҳоятда пафосли, нозик ўринлари жуда мўл... – бу театр эса, назаримда, ўзгача услубли – асарнинг матни бу йўсинга тушмайди-гандай эди. Бунинг устига, асар бахшиларимиз жон бериб куйлаб келган дostonлар оҳангида ёзилган... Валижон истеъ-



Матни теран ўзлаштирадиган Валижоннинг юрагидаги туйғулари актёрларга кўчган, улар тамоман ўзгача қиёфа касб этган – ишонинг-ишонманг, улкан санъаткорларга айланган эдилар.

додли одам, аммо... Хуллас, ташвишга тушмоғимга асос бордай эди.

Спектаклни театршунослар, мутахассислар ва раҳбар идораларнинг вакиллари билан бирга кўрдим. Спектаклнинг премерадан олдинги бу намоишига жайдаригина қилиб «Қабул» деб ном қўйиб олинган. Илк бор намоиш этилган томошадан кейин кечадиган «Қабул»да мутахассислар фикр-мулоҳазаларини айтади. Булар баъзан фақат бадийлик нуқтаи назарида кечса, баъзан айрим «хушёр»ларнинг «жонкуярлиги» туфайли сиёсий кўриниш олади. Бу энди спектакл ижодкорларининг бошига ташвишу ғавго солади.

Спектакл мени йиғлатди.

Матни теран ўзлаштирадиган Валижоннинг юрагидаги туйғулари актёрларга кўчган, улар тамоман ўзгача қиёфа касб этган – ишонинг-ишонманг, улкан санъаткорларга айланган эдилар. Уларнинг саҳнада қаҳрамонларнинг қисматига мос тўлғонишлари мени ҳайратлантирди. Бу актёрлар ижодидан бир қадар хабардорлигим учун рўй-рост айтай – бу қадар ўзгаришлар таҳсинга лойиқ эди.

Валижон! Меҳнаткаш, камтар, истеъдодли Валижон! Актёрларни икки ойлик репетиция пайтида қайта яратган сеҳргар!

«Қабул»да қатнашувчи театршуносларнинг кўзи нам – кўз ёшларини арта-арта яхши гаплар айтишди. Валижон ғалаба қилди.



Спектаклдан кейин ҳозир дунёдан ўтиб кетган ёшгина бир театршунос «Конфликт деярли йўқ спектаклнинг бу қадар таъсирли бўлиши!.. Ҳайрон қолдим!» деган эди.

Албатта, конфликт бор эди. Адабиёт кўникмаган – пинҳонликда кечадиган конфликт эди у. Қаҳрамонларнинг ҳар бир сўзида, хатти-ҳаракатида, дардга тўлган матннинг азобдан ҳапқиршида... Валижон буни англаган, сезган ва актёрларга бу ҳапқиршишларни, дардларни ҳадя этган!



«Ўтган замон ҳангомалари» пиесасини Фафур Фуломнинг асарлари – «Менинг ўғригина болам», «Ҳасан Кайфий» ва қисман «Шум бола» асосида ёзган эдим. Бу асли трагикомедия – ғусса кулгига, кулги ҳасратга қоришиб кетадиган – шу билан бирга аллақандай яхлитлик касб этган асар бўлди.

Валижон асардаги бу норавон яхлитликни теран англади. Яйраб, завқ билан репетиция қилди. Ҳар бир сахнанинг оҳангини топди, шу билан бирга яхлитлик-

ни унутмади. Актёрлар қалбига йўл топди. Матн доирасида ажиб бадиҳалар яратди.

Бир кун репетицияга кириб қолдим денг. Валижон Подшоҳ ролини ижро этаётган Эркин Комилов билан машқ қилаётган экан. Кун иссиқ. Эркин Комилов оёғи қизиб кетганидан ногоҳ пойабзалини ечиб ташлади-да, ролини ижро этишда давом этди. Эркиннинг бу шавқли ҳаракатидан Валижон иккаламиз кулдик ва мен... бирдан шу бадиҳа спектаклга узукка кўз қўйгандай ярашини сездим. Ўзи ижодда шундай бўлади-да! Топилма оёғининг остидан чиқади...

– Эркин, шу ялангоёқликда болалигин-гизни эсланг-да...

– Ҳа!.. – деди Вали қувониб. – Саройда сиқилиб кетгансиз. Боладай яйраб, ялангоёқ юришни орзу қиласиз...

Бир пасда икки-уч жумлани тўқидик... Эркин Подшоҳнинг у ёқ-бу ёққа аланглаб, ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, тахтдан тушиб, пойабзалини ечганча, боладай шодон юришини бир уринишданок қойилмақом қилиб қўйди.

Учаламиз ҳам ногоҳ қилган ишимиздан қувониб турибмиз.

– Подшоҳ ҳам одам-да, – деди Валижон. – У ҳам кўнглини ёзгиси келади...



...Энди яна «Алпомишнинг қайтиши» ҳақида.

Муқимий театри спектаклига Қозоғистоннинг Еттисойидаги театр директори тушган экан. Шу одам Валижонга спектаклни уларнинг театрида ҳам сахналаштиришни илтимос қилиб, ҳолжонига қўймади. Валижон охири розилик берди.

Мен тайёр ошга баковул бўлиб премьерара бордим. Бундай премьерани ва бундай фаол томошабинни ҳеч қачон кўрмаганман. Улар спектаклнинг ҳар бир парчасини гуриллаб олқишлашар – ўқиринишларини-ю ингринишларини яшириб ўтирмас эдилар. Вали спектаклга ўзгартиришлар киритган – актёрлардан борини суғуриб оладиган режиссёр уларнинг барча имкониятларидан фойдаланган эди. Актёрлар кези келганда дўмбира чалиб, жўшиб қўшиқ айтиб кетаяпти...

Бир изоҳ. Мен Алпомиш ҳақидаги асар дўмбира ва бахшиёна айтувларга чулғонса, нур устига нур бўлишини мудом ҳис қилганман. Бахшиёна оҳанглар қонимда бор. Болалиқдан бу оҳангларни вужуду руҳимга сингдириб катта бўлганман. Аммо нега пиесамда бундай сахналарга йўл қўймадим? Мен ўзбек актёрларининг имкониятларидан келиб чиқдим. Ким дўмбира чалишни билади?



Аммо нега пиесамда бундай сахналарга йўл қўймадим? Мен ўзбек актёрларининг имкониятларидан келиб чиқдим. Ким дўмбира чалишни билади?

Ким бахшиёна оҳангларда бўзлай олади? Имконсиз. Драматургни чекловчи деворларни сезган бўлсангиз керак...

Валижон қозоқ актёрларнинг халқ оғзаки ижодидан узоқлашиб кетмаганини пайқаган. Достондаги тўй сахнасидаги айтишувларни қўрқмасдан сахнага олиб чиққан ва бундан спектакл икки баробар ютган эди. Валижоннинг бадиҳагўйлиги бу спектаклда юксак нуқтага чиққан эди!

Томошадан кейин табрик ва олқишлар давом этди. Биз бир соатлар сахнадан тушолмадик. Худди шундай! Бир соатлар!..

Орадан бир неча йил ўтди. Валижон менга ўша қозоқ театри «Алпомишнинг қайтиши»ни тиклаб беришни ундан илтимос қилаётганини айтиб қолди. Аввалги спектаклда иштирок этадиган актёрлар ишдан кетиб қолган эмиш...

Валижон жўнаб кетди. Спектакл тайёр бўлгандан кейин мен ҳам бордим.

Театрга Олмаотадан комиссия келиб, Қозоғистон театрларининг кўригига спектакл танлаб олаётган, «Алпомишнинг қайтиши» шу комиссияга илк бор намойиш этилар экан. Театр раҳбарлари комиссияга машҳур театршунос, қаттиққўл мутахассис Сигаё бош эканлигини ҳам аллақандай ҳадикда қулоғимизга шивирлашди.

Валижон сахна ортида бўлгани учун спектаклдан кейин ҳаяжонланиб кетган комиссия аъзолари мени ўраб олишди. Сўраб-суриштиришди. Ростан ҳам халқ шоиримисан, Валижон қаерда ишлайди, нималар қўйган? Икковинг ҳам жайдари кийингансизлар. Бизда сизларнинг мақомингиздагилар... Эҳҳе, осмонда!.. Спектаклнинг ўзи ҳақида эса нима дейишни билишмайди... Бошларини сарак-сарак қилишади! «Қойил, бовури!» «Зўр!» деб елкамга қоқишади, бағирларига ним босишади.

Ана энди муҳокама бошланди. Комиссия театрнинг репертуари билан танишиб чиққан экан. Спектаклларни бирма-бир вайрон этиб ташлайверишди.

Театр раҳбарлари мўлтираб, ерга қараб ўтирибди. Охири бизнинг спектаклга ҳам навбат келди. Олмаотадан келганлар шундай мақтовга тушиб кетишдики, Вали иккаламиз ҳатто хижолат чека бошладик. Бири бу спектакл «тепа»даги халқнинг қонини ичаётганлар билан кураш деса, бири диктатурага қарши кураш дейди. Бизда у пайтлар бундай гапларни очиқ айтиш урф бўлмагани учун ичимизда чўчиб қўярдик.

Спектакл кўтаринки бир руҳда мамлакат миқёсидаги фестивалга тавсия этилди.

Фестивал Қизилўрдада бўлиб ўтди. Валижон қатнашди. «Алпомишнинг қай-

тиши» фестивалнинг «Гран-при» мукофотига сазовор бўлди.

Сиғай бу анжуманда ҳам ҳайъат раиси экан. У ажиб бир нутқ ирод этибди:

– Қозоқлар! – дебди Сиғай, – зўрмиз деб мақтанасанлар! Саҳнада бақирганларинг бақирган! Ана, иккита ўзбек театр нима эканлигини сизларга кўрсатиб қўйди.

Валижон билан охириги ишимиз Андижонда бўлди. Валижон «Бобур. Соғинч» деган спектакл қўйди. Театрнинг актёрлар жамоаси таркибида меъёрнинг бузилиши бор экан. Ўз ишига садоқатли ёши катта санъаткорлар кўп, аммо ёшлар деярли йўқ...

Қийинчиликларни енгиб ўтишга кўникиб қолган Валижон бор ижодий жамоа билан барибир ниҳоятда чиройли бир асар яратибди. Спектаклни тўлиқиб кўрдим...

Валижон қайси театрда спектакл қўймасин, уни актёрлар меҳр билан тилга олишади.

Мен Ўзбек миллий академик драма театрида ишлайман. Бу театр санъаткорлари ҳозиргача Валижон режиссёрлик қилган даврни жуда орзиқиб, соғиниб эслашади. Ўша томошаларни Валижон қайта қўйса яхши бўларди деб қолишади... Қандай яхши! Бу спектаклларнинг соғинчга айлангани қандай яхши!.. Чунки истеъдод яратган асарлар – мўъжиза! Улар муҳим кўнгилларда яшайди!



ГЛОБАЛ ҚИШЛОҚ ЧЕГАРАСИ

Азим РЎЗИЕВ

Асримиз аввалида пойтахтда яшайдиган қишлоқдошлар ойда бир шаҳарнинг овлоқ чойхоналаридан бирида йиғилиб турардик. Икки чўқим ош баҳона дийдор ганимат эди. Галдаги учрашувга қадар орамиздан кимдир қишлоққа борган ва бир қоп гап топиб келган бўларди. Шу тариқа элнинг тўй-маъракасидан, қишлоқдошларнинг аҳволдан хабар топардик. Баъзида кимдир янги лақаб орттиргани, маст бўлиб тўйда давранинг ўртасида раққосага шилқимлик қилгани, туман марказига борганда пулини ўғирлатгани каби арзимаган мавзуларда ҳам майдалашиб гурунглашардик.

Одатдаги суҳбатларнинг бирида қулоғимга чалинган воқеа сира эсимдан чиқмайди. Юртга баҳор келиб, дашту далаларимиз яшилликка бурканган кунлар эди. Бир умр мироблик қилган Ибройим пайпоқнинг тўнғичи, ўша кезлар университетда ўқиётган Санжар қишлоқдан гап топиб келди. Элнинг подаси орқасидан йил ўн икки ой юрадиган Ислом чўпоннинг супрақоқдиси бир ойдан бери мактабга бормаётган экан.

– Нимага? Нега?

Даврадошларнинг ҳаммаси бирдай савол назари билан Санжарнинг оғзига тикилди.

– Ҳеч ким аниғини билмайди, – у одамларни кўп маҳтал қилмай гап бошлади.

– Бировлар кўп дарс қолдирганига синфдан синфга ўтолмабди деб юрибди. Айримлар касал экан деб эшитибди. Хуллас, ҳамманинг оғзида турли миш-миш. Аммо ҳамма гапни Ислом чўпоннинг кенжаси билан бирга ўқийдиган қўшнимизнинг ўғли айтиб берди.

– Намунча чайналдинг? – даврамизда ўтирган кимнингдир сабри етмай сўради. – Нима бўлган экан? Гапни чўзмай тезроқ гапир!

– Чўпоннинг арзандасини она тили муаллими дарсдан чиқариб юборган экан. – Санжар калта худди ўта муҳим бир сирни ошкор қилаётгандай бир даврага, бир атрофига аланглади. – Мактабда шунча йил ўқиб, ҳали отини ёзишни билмасакан.

– Ол-а, – орамизда ўтирганлардан бири ҳайратини яширмади. – Бўлмаган гап. Одам дегани ҳам шунча йил мактабда ўқиб отини ёзолмайдими?

– Мен қайдан билай? – Санжар калта иддао қилиб гапирди. – Сабоқдошидан эшитганимни айтдим. Айтишича, муаллим шаштидан тушгач, орага одам қўйиб, мактабга келаверсин деб айттириб юборибди. Билмадим, чўпон ўғлининг орқаси тутиб, энди олтин медал берсаям бормайман деганмиш.

Ўша куни Ислом чўпоннинг кенжаси, уни мактабдан ҳайдаб юборган муаллим ҳақидаги баҳс анча қизиди. Бирови ўқувчининг, бошқаси муаллимнинг та-

рафини олиб гурунг берди. Ҳатто бир-икки нафари қизишиб кетганидан сен-менга ҳам боришди.

– Саводсизликни ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди, – деб дастурхонга дуо ўқишдан аввал кўп йил пойтахтда шифокор бўлиб ишлаган, пенсияга чиқиб маҳаллаларнинг бирига оқсоқоллик қилаётган Маннон духтир баҳс-мунозарага чек қўйди.


Очиғи, бошқа ерларда қандай билмайману, аммо каминанинг қишлоғида отини ёзишни билмайди деган гапни эшитиш ҳар бир инсонга иснод. Қўлидан бир иш келмайдиган, оғзидаги ошни олдириб қўядиган, гапга тушунмайдиган кишиларга шундай таъриф берилади одатда. Ваҳоланки, олий маълумотли мутахассислар, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлайдиган обрўли, жилла курса, беш-ўнта китоб варақлаган кишилар ҳам бу рутбага баъзан эга бўлиб туради. Тахминимча, бу кесатикни ота-боболаримиз кишилар нафсониятини уйғотиш учун атай ўйлаб топган бўлиши мумкин. Улар шу йўл билан қишлоқдошларини пухта-пишиқ, билимли, уддабурон бў-

лишга ундаган бўлса ажаб эмас. Отини ёзишни билмайди ибораси аслида ярми ҳазил, ярми чин тарзида айтилса-да, кўпчилик галдаги нишон бўлишдан қочиб, имкон қадар кулги бўлишни истамайди.

Бугун одамлар ҳам, замон ҳам ўзгарди. Замонавий технологиялар масофаларни қисқартирди. Вақтнинг аҳамиятини камайтирди. Ҳозир биргина мобил телефон ёрдамида минглаб чақирим олисдаги ёру дўстлар билан соатлаб гурунглашиш, видеоқўнғироқ орқали худди ёнма-ён тургандай мириқиб суҳбатлашиш оддий ҳол. Бир шоир акамиз замонга таъриф бергандай, бир неча минг метр баландликда, қушларнинг ҳам қаноти етмайдиган осмону фалакдан шаҳарнинг марказидаги уйида тур-

**Мақтабда шунча йил
ўқиб, ҳали отини ёзишни
билмасакан.**





Ҳозир илгаригидай чойхоналарда гурунг қилиб ўтириш қайда? Ҳамма янгиликлардан, элнинг яхши-ёмон кунидан, ҳолидан биргина «Телеграм» тармоғи орқали хабар топиш мумкин.

Адашмасам, икки йилча бўлди. Замон зайлига боқиб, қишлоқдошлар «Телеграм»да гуруҳ ташкил қилиб олганмиз. Юртимизнинг турли ҳудудларига сочилиб кетган қишлоқдошлар шу гуруҳ орқали бир-биримиздан кўнгил сўраб турамиз, қишлоқ янгиликларидан хабар топамиз. Бир ҳисобда ахборот алмашинувининг тезлашгани яхши бўлди. Одамлар янгича фикрлашга ўрганаёпти. Дунёга ўзгача кўз билан боқмоқда. Шу билан бирга хато ва камчиликларимиз худди

ган ёрига севги изҳор этишига ҳеч ким ажабланмай қўйди. Ҳар етукнинг бир кемтиги бор экан. Ахборот асрида туйғуларимиз анча сохталашиб кетди. Хусусан, шу кунларда илиқ дийдор, соғинч хуморини биргина видеокўнғироқ босиб юбормоқда. Қавм-қариндош, ака-ука, опа-сингилни кўргани боришга ҳам унчалик талпинмай қўйганимизнинг боиси ҳам аслида шу.

Бугун қишлоқларда ҳам тутумлар, ҳаётга қарашлар ўзгариб кетди. Қишлоқ аҳли бугунги ўзбек сериал ва киноларида кўрсатилаётгандай лақма, гўл, содда, кўнгилчан, ишонувчан эмас. Улар ҳам глобал дунёнинг глобал қишлоғида яшашмоқда. Гапнинг индаллосини айтганда қишлоқ одамлари аллақачон замонавий технологиялардан фойдаланишни ўрганиб олган. Ҳозир илгаригидай чойхоналарда гурунг қилиб ўтириш қайда? Ҳамма янгиликлардан, элнинг яхши-ёмон кунидан, ҳолидан биргина «Телеграм» тармоғи орқали хабар топиш мумкин. Тўйчини табриклаш, азадордан кўнгил сўрашда ҳам шу «Телеграм» қўл келади.

ойна тутилгандай аён бўлиб қолмоқда. Хусусан, қишлоқдошлар «Телеграм» каналидаги ёзишмаларни ўқиб хунобим ошиб кетади. Икки юзга яқин кишининг кўпчилиги ҳар икки сўзнинг бирини хато ёзади. Сизга ёлғон, менга чин. Ўзаро суҳбатлар маъносини англаш учун кўпинча таржимонга эҳтиёж сезаман. Энг ёмони, қишлоқ аҳлининг кундалик ҳаётида тез-тез ишлатиладиган, бирор чет тилидан ўзлашмаган, ўзимизнинг туркийча ном ва аталар ҳам тўғри битилмайди. Боз устига, қишлоқнинг номини хато ёзиб қўйишган. Афсуски, ҳозир қишлоқдошларим, айниқса ёшлар сўзимиз аввалида эсланган Ислон чўпоннинг кенжасидан кўп ҳам авло эмас. «Телеграм» гуруҳидагилардан деярли ярмининг исми ёки тахаллуси (nickname) хато ёзилган. Кўпчиликнинг бу билан иши йўқ. Қайтанга русча оҳангдаги талаффуздан хурсанд бўлади.

– Исмнингизни тўғри ёзиб қўйсангиз бўлмайдимиз? – деб бир куни сим қоқиб узоқ қариндошим бўлган қишлоқдошимни ўзимча қойган бўлдим. – Кап-катта одам бу ишингиздан уялмайсизми?

– Хужжатда шундай ёзилган-да, – деб у ўзини оқлади. – Қолаверса, одамлар ҳам шунга ўрганиб қолган.

– Раҳматли отангиз сизга нима деб от қўйган? – сўрадим ҳамсуҳбатимнинг кўнгли оғришини билсам ҳам. – Ҳойнаҳой, Гайбулла Менгишипмасдир!

– Асли отим Гайбулла Муродов экани ҳаммага кундай равшан-ку, – у норози оҳангда чайналиб жавоб берди. – Қолганининг нима аҳамияти бор? Ўша пайтлар документчилар шундай ёзган бўлса, менинг айбим не?

– Эртага одамлар авлодингизни Гайбуллаев деб чақирса розиман деганизми бу? – жаҳлим чиққанидан овозимни бир парда кўтариб гапирдим. – Фалончи Гайбуллаев, пистончи Гайбуллаев дегандай!

Суҳбатдошимга аччиқ гапларим таъсир қилди шекилли, индамай бир муддат сукут сақлади.

– Тўғри айтасан, – у икки ёш катта эканига шаъма қилгандай сенлаб гапирди. – Бир ўйлаб кўришим керак экан.

Тагин хафа бўлиб бир умр гиналаб юрмасин дея кўнглини кўтариб қўйиш учун суҳбатимиз якунида яхши гаплар айтиб гўшакни қўйдим. Ростки, кўнглим бироз таскин топгандай бўлди. Қанийди, ҳамма қишлоқдошларимга шундай сўз айтишга ҳаддим сиғса. Уларнинг ҳам исм-фамилиясини тўғри ёздириш ҳақида бош қотиришга мажбур қилолсам. Афсуски, бунинг иложи йўқ.

Миллатнинг одат, анъана ва қадриятининг яшовчанлигини таъминлайдиган бирламчи восита – она тили. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Агар турли



Қанийди, ҳамма қишлоқдошларимга шундай сўз айтишга ҳаддим сиғса. Уларнинг ҳам исм-фамилиясини тўғри ёздириш ҳақида бош қотиришга мажбур қилолсам. Афсуски, бунинг иложи йўқ.

объектив ва субъектив сабабларга кўра тилга дарз кетса, билингки, миллатнинг қиёфаси ҳам аста-секин йўқолиб боради. Сўзимнинг исботи ўлароқ қишлоқдошлар гуруҳида яқинда тарқалган бир видеони келтириб ўтишнинг ўзи кифоя деб ўйлайман.

Хуллас, наврўз байрами арафаси эди. Қишлоқдошларнинг бирови «Телеграм» гуруҳига битта видео ташлади. Унда ялтир-юлтир устибоши баданига ёпишган йигирма беш ёшлардаги аёл икки қарич сочини селкилатиб, ялангоёқ бир аҳволда қўлбола саҳнанинг у бошидан бу бошига тинмай югурар, бир ерда туролмай сакрар эди. Етмаганига саҳнадан тушиб, ҳаёсизларча қоматини диркиллаб давра айланар, дам ўтмай бедапоянинг ўртасида тиззалаган кўйи хиром айларди. Тагин шу алпозда бир бемаъни кўшиқни бақир-чақир қилиб такрорларди. Асл санъат ва овозни эсдан чиқарган, дидсизлик ботқоғига ботиб бораётган эл уни олқишлар, қийқириб ҳуштакбозлик қиларди. Ҳали балоғатга етмаган ўн-ўн икки яшар йигитчалар аёл билан басма-басига ер тепиб ўйнар, оналар худди болалари бир отарчи аёлнинг ёнида эмас, дунёга машҳур санъаткор ёки спортчи билан тургандек, қўлидаги телефонда тасвирга олишга ошиқар эди. Тамаки тутатиб бир четда турган оталар отарчининг диркиллаб турган оқ баданига суқланиб тикилар, ўғил-қизининг беҳаёликдан завқланаётгани парвойига келмасди.

Бугун интернет майдонида ёмғирдан кейинги кўзиқориндай болалаб кетган бунақа видеоларни кўришга унчамунчага тоқатим етмайди. Қандай жин уриб бу сафар ҳалиги видеони такрор кўрдим. Аввалига бирор отарчининг хурмача қилиқлари бўлса керак деган хаёлда эдим. Аммо даврадаги одамларнинг юзи кўзимга иссиқ кўринди. Таниш чехраларга кўзим тушди. Во дариг! Ахир

бу қоракўзлар қишлоғимиз одамлари-ку! Наҳотки қишлоқда тўйлар бугун шундай ўтади? Элнинг ярим ялонғоч отарчиларга куни қолган эрса?! Бир замонлар дашту далаларда адашиб қолган болаларни ўз фарзандидай бағрига босган, ор-номус учун жон олиб, жон берган элнинг бу аҳволи не!? Бу ҳолга ич-ичимдан хўрлигим келди. Айни замонда қўлимдан келгани ҳам шу. Насиҳатни, ўтинчини биров қулоғига иладиган замон эмас. Ҳамма ўз билганидан қолмайди. Ҳамма ўзича доно, ҳамма ақлли.

Икки-уч йил илгари ҳам шунга ўхшаш бир воқеага дуч келган эдим. Меҳнат таътили баҳонасида қишлоққа бориб, бир неча кун турдим. Илмга, ўқиб-ўрганишга қизиқиш анча камайган бўлишига қарамай ҳали қишлоқдан меҳроқибат кўтарилмаган экан. Ҳар куни қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари бир пиёла чойга таклиф этиб, одамни ҳоли-жонига қўймади. Шу тариқа ҳаво алмаштириб, ҳордиқ чиқаришга борган одамнинг боши зиёфатдан чиқмади.

Табиатан кўнгил одамиман. Турли давраларда одамларнинг гапига қулоқ солишни хуш кўраман. Касб юзасидан,



Бу сафар негадир гапимиз-гапимизга қовушмайроқ суҳбатлашдик. Гап-сўзлар ҳам ясамадай туюлди. Ёшлар Тошкент шевасида сўзлашга уринар, катталар эса сохта мулозимат тилида.

қолаверса, сўзга қизиққаним учун кимдандир янги бир гап ёки ибора эшитишга иштиёқмандман. Кўпинча теша тегмаган ибораларни, янги сўзларни қишлоқдошларимдан эшитаман. Уларнинг илмоқли гаплари, сўзларни ўз ўрнида қўллаши доим ҳайратимни ошириб келган. Дилимни яйратган. Бу сафар негадир гапимиз-гапимизга қовушмайроқ суҳбатлашдик. Гап-сўзлар ҳам ясамадай туюлди. Ёшлар Тошкент шевасида сўзлашга уринар, катталар эса сохта мулозимат тилида.

Шаҳарга қайтишдан бир кун аввал ён қўшнимизнинг уйида меҳмон бўлдик. Бир уй одам тўкин дастурхон бошида анча вақт ўтган-кетганлар ҳақида гурунглашиб ўтирдик. Яна ўша ҳолат: гапнинг мазаси йўқ. Ёшу қари телевизорда эфирга кетаётган ҳозирги енгил-елпи сериалларимиз билан андармон. Бошланган гап охирига етмай тўхтаб қолар, эркагу аёл сериалда тўқиб чиқарилган тақдирларни қизгин муҳокама қилади. Кошки бу сериаллар муҳокама қилиш тугул кўришга арзиса? Бугун уларнинг одамларга фойдадан кўра зарари кўп тегди. Яхшиям, реклама бор. Шу пайт кимдир телевизорни бошқа каналга қўйди. Бу ерда сценарий муаллифи Эркин Аъзам бўлган «Паризод» бадий филми берилаётган экан. Тўғриси, шу кинони уч-тўрт марта кўрганман. Ҳар сафар турли таассурот қолдиради кишида. Одамни ўйга толдиради, фикрлашга мажбур этади.

– Ай, бу кино бўлмайди. Бошқа каналга қўй!

– Жуда зерикарли томоша. Одамни ухлатиб қўяди.

– Анови қиз бир оғиз ҳам гапирмайди. Шуям кино бўптими?

– Ҳаётини филм эмас!

Даврадаги қишлоқдошларим оғзидан чиқаётган бу гаплар кўнглимга оғир ботди. Оммавий маданият ниқобида дидсизлик, савиясизлик, фикрсизлик қиш-

лоқларимизга ҳам кириб борганидан кўнглим қора бўлди. Ўйлашимча, бу каби жараён бугун нафақат каминанинг қишлоғида, юртимиздаги узоқ-яқин шаҳар ва овулларда бирдай кечмоқда. Бунга хусусий телеканаллар ва интернетдаги сохта сериаллар ва енгил-елпи видеолар кенг йўл очаяпти. Уларда бачканалик, саводсизлик, фаросатсизлик, маърифатсизлик каби иллатлар тарғиб этилаётир. Фикримизни асослайдиган минглаб мисолларни номма-ном келтириб ўтишдан ҳеч бир фойда йўқ. Яхшиси, миллатимиз қадр-қиммати, шаънини, ор-номусини улуғлайдиган ишларга қўл урганимиз маъқул. Одамлар орасига илмни, маърифатни, билимни тарғиб этадиган босма ва медиа маҳсулотларни имкон қадар кўпроқ сиздиришимиз зарур. Йўқса, авлодларимиз тақдирини ғанимга қўшқўллаб топшириб қўямиз. Илмсиз, орсиз кишиларни ўз йўриғига солишдан осон иш йўқ.

Хулоса ўрнида яқинда гувоҳ бўлган бир воқеани келтирмоқчиман. Қисқаси, тасодифан қишлоғимиздаги икки тенгдошнинг суҳбати устидан чиқиб қолдим.

– Иккита ўн минг сўмлик қанча бўлади? – деб сўради уларнинг биринчиси.

– Ўттиз минг, – дея дадил жавоб берди иккинчиси.

– Ўттиз мингга яна иккита икки минглик қўшсак неччи пул бўлади?

– Ўттиз саккиз минг бўлади.

– Гарангмасмисан? Ўттиз икки минг бўлади-ку!



Авлодларимиз тақдирини ғанимга қўшқўллаб топшириб қўямиз. Илмсиз, орсиз кишиларни ўз йўриғига солишдан осон иш йўқ.



Камолиддин Нурманов
чизган суратлар

Александр Пушкин
таваллудининг

225

йиллиги

1880 йилда Москвада
Александр Сергеевич Пушкин ҳайкали
очилиши муносабати билан ўқилган маъруза

Иван ТУРГЕНЕВ


Дунёнинг МИЛЛИЙ ШОИРИ

Пушкин биринчи рус рассом-шоири, шоирларнинг рассоми эди. Бадиият кенг маънода шеъриятни ҳам қамраб олади, миллат мавжудлигининг негизини, халқ ҳаётининг моҳиятини ўзида мужассам этган ва унинг маънавий-ахлоқий қиёфасини белгилаб берган идеаллар – орзу-мақсадлар ва хотираларнинг кўзгуси, тимсоли сифатида инсоннинг туб, азалий ва асосий хусусиятларидан бирини ташкил этади. Табиат, борлиқ таркибида белги-аломатлари яққол сезилган, ҳазрати инсон мавжудлигининг илк даврларидаёқ одамни бошқа махлуқотдан алоҳида ажратиб турган бадиият, санъат ҳақиқатан ҳам энг асосий санъаткор бўлган табиатга тақлидга ўхшайди. Тош асрида яшаган ёввойи одам ишлов берилган суяк парчасига чақмоқтош қирраси билан айиқ ёки кийикнинг боши тасвирини чизган экан, шу ондан бошлаб у ёввойи махлуқ эмас.

Фақат миллат орасидан танланиб, сараланиб чиққан ғоят юксак санъат, бадиият соҳиби бўлган мумтоз ижодкорлар-



нинг салоҳияти, улкан қобилияти билан халқ санъат ва адабиётнинг энг юксак чўққиларига кўтарилади, ўзининг юксак бадиий қобилияти ва имкониятларини, ўзлигини намоён этади, шу билан тарих саҳнасидан муқим ўрин эгаллашга даъвогарлик қилади; ўзининг маънавий қиёфасига, ўз овозига эга бўлади, яъни ўзи ҳақида оламга баёнот беради, ўзини тан олган бошқа халқлар билан биродар, қонқардош бўлади. Юнонистонни Ҳомернинг, Олмонияни Гёте-нинг, Англияни Шекспирнинг ватани деб аташлари бежиз эмас. Биз халқ ҳаётининг диний, давлат ёки бошқа соҳаларини инкор этиш ёки камситиш фикридан мутлақо йироқмиз, аммо юқорида қайд этилган юксакликка миллат фақат ўз санъати, адабиёти, шеърияти билан эришади. Бунинг ажаблანадиган жойи йўқ: ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, халқ санъати – халқнинг барҳаёт қалби, тафаккури, тилидир; халқ санъатининг маркази, моҳиятида эзгу, фикрчан, жарангдор, ўлмас-йитмас қалб мужассам бўлгани боисидан ҳам у тўла, бор имкониятлари билан намоён бўлар экан, бани башарнинг ҳатто илм-фандан-да ортиқроқ мулки, бойлигига айланади, зеро, бундай қалб ўз вужуди ва ўз халқига нисбатан умрзоқ бўлиши мумкин. Айтинг-чи, қадим ва афсонавий Юнонистондан бизга нима қолди? Унинг қалби қолди бизга! Халқлар ўзлигини намоён этган диний, илмий мезонлар – уларда жамоавийлик, боқийлик борлиги учун; шеърият, санъат эса уларда шахс ва кўнгил, ҳаёт ва тириклик борлиги учун бизгача етиб келди.



Пушкин бизнинг биринчи рассом-шоиримиз эди. Шоир халқ қалбининг ифодачиси экан, унинг руҳиятида халқнинг икки асосий хусусияти тажассум топган бўлади: халқнинг *ўтқир зеҳни* ва *ташаббускорлиги*, биз буни оналик ва оталик деб ифода-лашга журъат этган бўлар эдик. Буюк Пётрни эсланг, унинг мизожи Пушкиннинг мизожи билан аллақандай қон-қариндош бўлгандек туюлади. Шоир шоҳни беқиёс муҳаббат билан ардоқлаши бежиз эмас. Биз ҳозир мулоҳаза юритган тазодли икки хусусият шоиримизнинг ҳаётида сезиларли из қолдирди: аввал – эски дворян бойтўра оилада дунёга келиш, кейин – лицейдаги ажнабий тарбия, ўша пайтларда хориждан кириб келган нуқтаи назарлар билан тўлиб-тошган жамиятнинг



Халқлар ўзлигини намоён этган диний, илмий мезонлар – уларда жамоавийлик, боқийлик борлиги учун; шеърият, санъат эса уларда шахс ва кўнгил, ҳаёт ва тириклик борлиги учун бизгача етиб келди.





таъсири; Волтер, Байрон ҳамда ўн иккинчи йилги улуғ уруш¹; ундан сўнг Россиянинг чекка, овлоқ ва хилват ерларида улоқиб юриб, оддий халқ ҳаётига, урф-одатларига сингиб, тил луғатидан кўп сўзлар шимиб олиш, машҳур энанинг қаҳрамонлик ва жасоратга тўла эртаклари... Ҳаваскорлик бола Пушкинда эрта уйғонганди ва у тез орада ўзининг довдир, беқарор сифатларини даф этиб, эркин ижодкорга айланди. Батюшков ёш Александрнинг «Учишган юлдузлардан бўшаб қолди кўк юзи» (*Миртемир таржимаси, А. С. Пушкин. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Тошкент – 1979, Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 58-бет. – С. А.*) сатри билан бошланган элегиясини ўқиб, «Ярамас!

Батюшков ёш Александрнинг «Учишган юлдузлардан бўшаб қолди кўк юзи» сатри билан бошланган элегиясини ўқиб, «Ярамас! Қандай зўр ёзади!» дея ҳайқирганида шоир ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган эди.

Қандай зўр ёзади!» дея ҳайқирганида шоир ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган эди; Батюшков бир нарсда ҳақ эди: чиндан ҳам Русда ҳали ҳеч ким бундай ёзмаган эди. Эҳтимол, Батюшков «Ярамас!» деганида бундан кейин унинг айрим шеър ва иборалари, гарчи Пушкиннинг шеър ва ибораларидан аввал яратилган бўлса-да, Пушкиннинг номи билан боғланишини ҳис қилгандир. Француз мақолида «Le

¹ 12-йилги улуғ халқ уруши – 1912 йилда бошланган Франция-Россия уруши назарда тутилган.

“

Пушкиннинг озод

дахоси – агар арзимас,

жузъий ва жудаям оз оғишларни

айтмаса, Европа адабиётига тақлид ва халқ

оғзаки ижодига кўр-кўрона эргашишдан

тез фурсатда халос бўлди.



génie prend son bien partout où il le trouve»² («Даҳо ўзига керакли хулосани ҳамма жойдан топа олади») дейилади. Пушкиннинг озод даҳоси – агар арзимас, жузъий ва жудаям оз оғишларни айтмаса, Европа адабиётига тақлид ва халқ оғзаки ижодига кўр-кўрона эргашишдан тез фурсатда халос бўлди. Халқ оҳангларига мослашиш, оммабопликдан паноҳ излаш ёт – руҳан бегона аллома зотларнинг пинжиги кириш каби ўринсиз ва самарасиздир; бу фикрга мисол сифатида бир томондан Пушкиннинг эртакларини, бошқа томондан унинг ёзган асарлари орасида, маълумки, энг бўш ва ожиз саналган «Руслан ва Людмила»ни келтириш мумкин. Хориждаги атоқли қалам соҳибларига тақлид қилиш мутлақо самарасиз эканига, шубҳасиз, ҳамманинг ишончи комил деб ўйлайман; аммо, эҳтимол, айримлар агар шоир асарларини оммани назарда тутиб, оммага мўлжаллаб, халққа йўналтириб ёзмаса, халқ уни ҳеч қачон ўқимайди деб эътироз билдиришлари мумкин. Бироқ, айтинг-чи, биз оми халқ деганимиз қай бир буюк шоирни ўқийди? Оддий олмон халқи Гётени, оддий французлар Молийерни, оддий инглиз халқи ҳатто Шекспирни ўқимайди. Уларни – миллат, ҳа,

ўз миллати ўқийди. Ҳар қандай санъат ҳаётни идеалга, орзуга, олий мақсадга айлантиришнинг маҳсулидир: кундалик турмуш ташвишларига ўралашган гўл одамлар юксак санъат мақомига кўтарила олмайдилар. Аслида санъат юксаклигига кўтарилиш, бадиият чўққисига яқинлашиш керак. Нима бўлганда ҳам Гёте, Молийер ва Шекспир том маънода халқ шоирлари, яъни миллий шоирлардир. Таққослашга журъат этамиз: Бетховен ёки, масалан, Моцарт, шубҳасиз, миллий олмон композиторларидир, шу боис уларнинг мусиқаси асосан олмонча оҳанглардир; шунга қарамаздан сиз уларнинг асарларида халқ оҳангларидан қарз олинган бирор товушни, ҳатто халқ оҳангларига ўхшашликни топмайсиз, чунки фавкулдда табиий халқ оҳанглари уларнинг қонқонига, суяк-суягига сингиб, санъат тўғрисидаги назария сингари руҳиятига қўшилиб, аралашиб кетган, буни худди адиб асар ёзаётган пайтда наҳву сарф – грамматика қоидалари ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолишига ўхшатиш мумкин. Санъатнинг кундалик оддий турмушдан янаям чандон йироқ бошқа – нисбатан маҳдуд, берк ва тор айрим соҳаларини «халқчил» деб аташ мантиқсизлик бўлур эди. Миллий рассомлар бор: Рафаэл, Рембрант; халқчил рассомлар йўқ. Шу ўринда қайд этиб ўтайликки, бадииятда, шеърият-

² Le génie prend son bien partout où il le trouve (матнда француз тилида ёзилган) – Даҳо ўзига керакли хулосани ҳамма жойдан топа олади.

“

*Ёзувчи сифатида айтаман,
ўзингизда заррача шубҳа
бўлган нарсага ўзгаларни асло
ишонтиролмайсиз.*

да, адабиётда «оммабоплик» шиорини рўпара қилиш, ундан паноҳ ёки ҳимоя излаш фақат ожиз, ҳали балоғатга етмаган ёки жабру истибдод ситами остида хўрланган қавму қабилаларгагина хос.

Пушкинга қайтамыз. Савол: уни Шекспир, Гёте каби халқ шоири деб айтиш мумкинми? Бу саволнинг жавобини ҳозирча очиқ қолдирамыз. Аммо, шубҳа йўқки, у бизнинг шеър тилимизни, адабиёт тилимизни яратди ва бизга, бизнинг авлодларга унинг даҳоси солган йўлдан бориш қолган, холос. Биз Пушкин яратган тилда умрбоқийликнинг барча хосса ва хусусиятларини кўрамыз: ушбу ажойиб тилда рус ижодкорлиги ва рус зеҳнияти ниҳоятда силлиқ тарзда уйғунлашган, Пушкин эса ажойиб рус рассом-шоири эди.

Айнан рус рассом-шоири! Шеърятининг асл моҳияти ҳамда бор хосса ва хусусиятлари халқимизнинг асл моҳияти ҳамда бор хосса ва хусусиятлари билан мос келади. Тилининг мардона гўзаллиги, қудрати ва ёрқинлиги, сўз ишлатиш маҳорати хусусида гапирмаса ҳам бўлади; бунда очиқ ва равшан ҳақиқат мавжуд, тумтароқ ёлғон, баландпарвоз сохталикдан асар йўқ; ҳиссиётларни ифода-лашда соддалик, оддийлик, самимийлик ва ҳаққонийлик – Пушкин асарларидаги ўртамиёна, тузуккина рус кишисига хос бўлган айни фазилатлар фақат бизни, шоирнинг ватандошларинигина эмас, уни ўқиб билган, таниган ажнабийларни ҳам ҳайратга солади. Бу борада ажнабийлар-



нинг мулоҳазалари жуда муҳим, чунки улар бизга ўхшаб сохта ва ёлғон ватанпарварлик эҳтиросларига, ердан узилган баландпарвоз гапларга ортиқча берилмайдилар. Биз кўпинча ватанпарварлик борасидаги тарғиботу ташвиқотларимизга баъзан ўзимиз ишонмаймиз, унинг сунъийлигини ўзимиз ичдан англаймиз, лекин бошқаларни ишонтирмоқчи бўламиз. Ёзувчи сифатида айтаман, ўзингизда заррача шубҳа бўлган нарсага ўзгаларни асло ишонтиролмайсиз. «Сизларнинг шеърятингиз, – деган эди бир гал таниқли француз ёзувчиси, Пушкиннинг чин мухлиси Мериме, у ҳатто Виктор Ҳюгонинг ҳузурида унга эшиттириб «Пушкин ўз даврининг буюк шоири» деб таърифлаган эди, – рус шеърятини аввало ҳақиқатни излайди, гўзаллик эса кейин ўз-ўзидан келади; бизнинг шоирларимиз, аксинча, мутлақо тескари йўлдан боришади: улар аввал таассурот, зарофат, кўзни алдайдиган ялтироқлик каби ўткинчи нарсаларни қаламга оладилар, устига устак, ҳақиқатнамо нарсаларни ҳақорат қилмаслик имкони пайдо бўлса, улар қўшимчасига буни ҳам зиммаларига ола-

дилар»... «Пушкиннинг шеърияти айни расо насрдан униб-ўсиб чиққан каби ўзидан ўзи мўъжизавий тарзда гуллаб-яшнайди», – дея қўшимча қилган эди у. Машхур Мериме доим Пушкинга нисбатан маълум ва машхур «Proprie communia dicere»³ («Ҳаммага ойдин ҳақиқатни айтиш осон эмас») деган иборани қўлларди, бунинг маъноси Пушкин поэзияси орзу бўлиб қолаётган ва ҳамма кўриб-билиб турган, яъни бугунги шеъриятнинг моҳиятини – эни ва бўйини, чуқурлиги ва баландлигини ўлчаб баҳолайдиган мезон бўлиб хизмат қилади деганидир. У, шунингдек, Пушкинни ижоди ва асарларида тимсол, рамз ҳамда нарсаси, ҳодисаларнинг шакли ва мазмун-мундарижаси мувофиқлигига, ҳар хил изоҳлар ва ахлоқий ҳулосалар мавжуд эмаслигига кўра қадимги юнонлар билан тенглаштиради. Бир гал «Анчар» шеърини ўқир экан, охириги тўртликдан сўнг «Бошқа ҳар қандай шоир мазкур ўринда изоҳдан тийила олмасди» дегани эсимизда. Мериме яна Пушкиннинг дарҳол мавзу моҳиятига кира олиш маҳоратидан ҳайратланарди.

Ҳа, Пушкин рус ҳаёти, турмушини ич-ичидан биладиган ҳамда зўр қунт ва ўткир зеҳн билан тасвирлайдиган бетакрор, забардаст рассом-шоир эди. Бу борада унинг ижодий имкониятлари шу қадар кенг эдики, ҳатто ажнабий – жаҳон адабиётида мавжуд бўлган бизга бегона шеърий санъатларни жуда силлиқ тарзда ўзлаштиради ва худди ўзиники, қолаверса, русники каби адабиётга сингдириб, сиздириб юборди, энди хорижликлар уни худди бизники каби қабул қилмоқдалар. Масалан, шун-

дай «ўзлаштириш» услубида яратилган «Соқов рицар» монологи тагига ҳатто Шекспир ҳам ўз номини ёзишдан фахрланган бўларди. Кўнгилни ўзгартирадиган эҳтирос ва дунёга ислоҳ киритадиган сокинлик мужассам бўлган пўртанавор чўнг жўшқинлик Пушкиннинг шоирлик табиатига хос ёки аниқроқ ифодаладиган бўлсак, унинг шахсиятидаги лаққа чўғ – ўт-оловлик худо ато этган илоҳий иқтидорига ҳам кўчган.

Ҳа, шундай... Аммо биз Шекспир, Гёте, Ҳомерни атаганимиз каби Пушкинни ҳам дунё халқларининг миллий (кўпинча тор ва кенг доирадаги миллийлик уйғун бўлади) шоири дея оламизми?

Пушкин танҳо ўзи барча ишни тўқис қилишга улгурмасди. Лекин улгурди.



Ҳа, Пушкин рус ҳаёти, турмушини ич-ичидан биладиган ҳамда зўр қунт ва ўткир зеҳн билан тасвирлайдиган бетакрор, забардаст рассом-шоир эди.

Унутмаслик керакки, у ёлғиз ўзи бошқа ўлка, бошқа мамлакатларда юзйилликлар ёки ундан-да узоқ фурсатларни қамраб олган вазмин даврларда секин-оҳиста амалга оширилган ўзгариш, янгиланиш, ислохотларни қисқа умри давомида амалга оширишга улгурди, яъни тил ва адабиётни қарор топтиради. Шунга қарамасдан, уни ҳам бизнинг осмонўпар чўққиларга бўйлашадиган барча даҳоларимизни қаттиқ туриб таъқиб қилган ва бошига қора кунларни солган бахил тақдир бағрини очиб қарши олди.

³ Proprie communia dicere (матнда француз тилида ёзилган – ҳаммага ойдин ҳақиқатни айтиш осон эмас (Квант Гораций (эрамизгача бўлган даврда қадим Юнистонда яшаган шоир) ибораси).

“

*Вафотидан бир неча ой
аввал битган дардли бир
мактубдаги «Менинг қалбим
уфқлари кенгайиб бормоқда:
менинг ишим ижод эканини ҳис
қилмоқдаман» деган сўзларни чуқур
қайғу-ҳасратсиз, қотилга қаратилган пинҳон
нафратсиз ўқиш мумкин эмас.*



Шўр, аччиқ қисмат бағримиздан аёвсиз юлиб олганида у ҳали ўттиз етти ёшга ям тўлмаган эди. Вафотидан бир неча ой аввал битган дардли бир мактубдаги «Менинг қалбим уфқлари кенгайиб бормоқда: менинг ишим ижод эканини ҳис қилмоқдаман» деган сўзларни чуқур қайғу-ҳасратсиз, қотилга қаратилган пинҳон нафратсиз ўқиш мумкин эмас. «Менинг ишим – ижод!». Ўша вақтда шоирнинг гуллаб-яшнаган ижодига сўнги нуқта қўйган совуқ малъун қўрғошин қаердадир ўқ қолипига қуйилар эди! Эҳтимол, ўшанда яна бир бетакрор шоир, Пушкиннинг муносиб шогирди, ижодини устозининг фожиали ўлими муносабати билан ёзилган, муҳаббат ва нафрат ила суғорилган машҳур шеър билан бошлаган ёш шоирнинг насибаси бўлган машъум пўлат ўқ ҳам қолипга қуйилар эди... Аммо ушбу фожиали тасодифлар тафсилоти, тасодиф бўлгани учун янаям фожиали тус олган воқеалар тафсилоти ва баёнига берилмаймиз. Бу зулматдан ойдинга, Пушкин поэзиясига қайтайлик.

Ҳозир унинг айрим асарларига тўхталишнинг ўрни ҳам, пайти ҳам эмас, бошқалар бу юмушни биздан афзалроқ адо этишади. Пушкин ўз асарлари билан бизга кўплаб намуналар, қолиплар, услублар қолдирганини (бу даҳоликнинг яна бир белгиси), ушбу мезон ва ўлчов-

лар кейинчалик бизнинг ёзма ва оғзаки ижодимизга кўчганини қайд этиш билан чекланамиз. Шунга қарамадан, Пушкин бошловчи рассом-шоирларга хос бўлган умумий қисматдан қочиб қутула олмади. У замондошларининг

ўзига нисбатан совуққонлигини, бепарволигини яққол сезд; кейинги авлод ундан янаям кўпроқ узоқлашди, Пушкин уларга керак бўлмай қолди, асарлари ўқилмади, фақат яқиндан бошлаб унинг шеъриятига яна қайтилмоқда. Жамоатчиликнинг бепарво муносабатини ҳатто Пушкиннинг ўзи ҳам ҳаётлик пайтида сезган эди. Маълумки, ҳаётининг сўнги йилларида, ижоди гуллаб-яшнаган даврда у ўқувчига деярли янги асар тўхфа қилмай қўйган, «Мис чавандоз» ҳали қўлёзма ҳолатида эди. Шоир қайсидир даражада унинг қиёфасида хуштакаллум булбулни кўришга ўрганган халойиққа беписанд калондимоғлик билан қарамаслиги мумкин эмасди... Пушкиннинг вафотидан кейин ундан қолган қоғозларни тахлаш учун бошқалар билан бирга чақирилган Баратинскийдек донишманд ва зукко инсон ўзи каби ақлли дўстга жўнатилган хатида «Бу дostonларда мени нима ҳамма нарсадан ортиқ ҳайратга солишини биласанми? Бу фикрнинг мўллиги, мулоҳазаларнинг қайнаб-тошиши! Пушкин – мутафаккир! Буни кутганмидинг?» деб ҳайқирганида халойиқни қандай қилиб айблайлик? Бунинг ҳаммасини Пушкин олдиндан сезган эди. Сизга маълум бўлган машҳур сонет («Шоирга», 1830 йил 1 июл) бунинг исботи бўлиб, гарчи бу шеърни анжуманда иштирок этаётганларнинг барчаси яхши билсада, рухсатингиз билан уни ҳозир сизнинг ҳузурингизда ўқимоқчиман... Чунки биз қашшоқ ва зерикарли луғатимизни бу бебаҳо, олтин шеър билан безашдек лаззатга қарши тура олмаймиз:

*Шоир! Халқнинг меҳрига ҳеч тикиб юрма кўз!
Мақтовларнинг ўтажакдир оний шовқини,
Эшитарсан галварс тўда ҳукмини маъюс,
Қойим бўлу, осуда тут кўнгил лавҳини.*

*Сен подшосан: танҳо яша. Эрка буриб юз,
Хур идрок-ла топа билгил хурлик завқини,
Ардоқлагил хуш ўйларинг самар-шавқини,
Мардлинг-чун эҳсон кутма, очма бундан сўз.*

*Ўзингдодир эҳсон бори. Сен олий ҳакам,
Қаттиққўлсан ўз-ўзингга сен барчадан ҳам,
Кўнглинг тўқми ёзганингдан, эй соҳибкамол?*

*Кўнглинг тўқми? Майли, авом койиса уни,
Булғаса-ю, шаъминг ёнган меҳроб юзини,
Минбарингни ўйин қилса болалар мисол⁴.*

Ҳолбуки, Пушкин бу ўринда жудаям ҳақ эмас, айниқса, унинг ортдан келаётган авлодларга муносабатини жудаям тўғри деб бўлмайди. Гап «галварс тўда ҳукми» ёки «омманинг масхараомуз кулгуси»да эмас эди; Пушкин ижодига нисбатан бундай бепарволик, совуққонликнинг сабаблари чуқур. Улар етарлича маълум ва ошкор ҳам. Фақат уни сиз хотирангизда тиклашингизга ёрдам беришимиз лозим, холос. Бу сабаблар тақдир ҳамда адабиёт замонидан сиёсат замонига ўтилганда янги ҳаёт пойдевори қўйилган жамиятнинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ.

⁴ Шоирга – Муҳаммад Али таржимаси (А. С. Пушкин. Танланган асарлар. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Тошкент – 1979, Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 161-бет).



*Шоир! Халқнинг меҳрига ҳеч тикиб
юрма кўз!*

Кутилмаган тасодифлар, қонуний интилишлар, чексиз ва қайтариб бўлмас эҳтиёжлар, жавоб бермаса бўлмайдиган саволлар пайдо бўлди... У пайтларда шеърят, бадиият ҳеч кимга керак бўлмай қолган эди. Ўша олағовур янги ҳаётнинг лойқа бўлса-да, қудратли тўлқинларини кўрган ва уларга дош берган ашаддий адабиётчиларгина «Ўлик жонлар», «Мис чавандоз», «Миср кечалари»дан баробар даражада ҳаяжонланадилар. Пушкин асарлари йўқдан бор этган бадиият, санъат фуқаролик ҳуқуқига эга бўлади, у яратган тил яшаб қолишига шубҳа йўқ, мазкур санъат, тил жамият қурилиши учун зарур бўлган бошқа асослар мустаҳкамланиши учун ҳам хизмат қилмоқда. Лекин кўпчилик бу ўзгаришларда ҳалигача оддий таназулни кўради; биз эса фақат жонсиз, ўлик, ҳаёт асари қолмаган нарсаларгина инқирозга учрайди деб қайд этишга журъат этамиз. Тирик нарсалар ўсиб ўзгаради.

Илм-фанимиз бизга биз қочиб қутула олмайдиган оғриқлардан сабоқ беради. Лекин шундай экан деб тушкунликка тушиш, олдиндан дийдиё қилиш, нисбатан осойишта, турғун ҳаётдан узила олмаслик, «оч қорним – тинч қулогим» деган




яроқсиз ақидани тутиш умрини яшаб, ошини ошаб бўлганларнинг, шабқўрларнинг ишидир. Ўтиш даври деб ном олган халқ ҳаётининг улкан, ўта масъулиятли даврида ўз ватанининг чин фуқароси бўлган фикрловчи инсоннинг иши, фаолият мазмуни машаққатларга, йўлнинг паст-баланди, лой-балчиғига қарамасдан, унинг ўзи ҳам бир тирик аъзоси саналган жамиятнинг бутун турмушига асос бўлган пировард орзу-мақсадини йўқотиб қўймасдан фақат олдинга юриш, олға интилишдан иборат. Ўн йил, ўн беш йил аввал барчамизни бу ерга жалб этган байрам адолат тантанаси, жамоатчилик миннатдорлигининг кўриниши сифатида олқишланиши мумкин эди, аммо ҳозир мансабимиз, машғулотимиз ва ёшимиздан қатъи назар ҳаммамизнинг бошимизни қовуштирган, ҳаммамизнинг бошимизни бир ёқадан чиқартирган бирлик туйғуси, ягоналик ҳисси бўлмас эди. Биз юқорида ёшлар Пушкин асарларини яна ўқий бошлаганини, маълум танаффусдан сўнг ижодини яна ўрганишга киришганини айтган эдик; бироқ, афсуски, Пушкиннинг номи унути-



Бироқ, афсуски, Пушкиннинг номи унутилишга маҳкум бўлган бошқа кўпдан-кўп номлар қаторида ҳеч қандай маъно-мазмун англатмаган бир неча авлодни кўрдик-ку...

лишга маҳкум бўлган бошқа кўпдан-кўп номлар қаторида ҳеч қандай маъно-мазмун англатмаган бир неча авлодни кўрдик-ку... Ушбу авлодларни бутунлай айблай олмай-миз: лекин нега унути-лиш қисматидан қочиб қутулиб бўлмаганини қисқача тасвирлаб ўтмоқчимиз, ҳолос. Ҳолбуки, биз шеърятга оммавий қайтишдан хурсанд бўлмаслигимиз мумкин эмас. Биз яна шунинг учун хурсанд бўламизки, ёшларимиз орзулари барбод бўлиб, ўз хатоларидан ҳориб-толгач, тавба-тазарру қилганча ўзлари юз ўгирган нарсага яна қайтиб, ундан паноҳ ва таскин из-



лаётган одамларга сира ўхшамайдилар. Биз бу қайтишдан озми-кўпми қониқиш ҳиссини туямиз; олға юришга ва мақсад сари боришга хизмат қилмайдиган ҳамма нарсани қурбон қилиш нафақат мумкин, балки шарт бўлиб, мақсад сари борадиган жами нарсалар ҳамиша бир ўзанга солинганини кўрамиз, шунда айрим мақсадлар эришилган, марралар қўлга киритилган саналади, истиқбол бошқа мақсадларга эришиш имконини беради, шунда ҳеч бир нарса асосий вакили Пушкин бўлган шеъриятга жамият ҳаётида бошқа барча қонуний соҳалар қатори ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга ҳалал бермайди. Шундай фурсатлар бўлдики, нафис адабиёт ҳаётнинг якка-ёлғиз ифодачиси бўлиб хизмат қилди; кейин шундай палла келдики, адабиёт саҳнадан бутунлай тушиб кетди... Биринчи ҳолат жуда кенг эди; кейингиси – сезилар-сезилмас даражада тор, биқик; табиий чегараларини топган шеърият қалбларда абадиян ўз ўрнини мустаҳкамлайди. Эски, аммо жудаям чўкиб-чириб қолмаган қария муаллим таъсирида – бунга иймонимиз комил – санъат қонунлари, бадиият услублари янги куч билан ишга тушади – ким билсин? – балки янги, нотаниш, худо ҳар томонлама сийлаб танлаган инсон бу борада ўз муаллимидан ўзади ва дунёвий-миллий, яъни дунё миқёсида миллий шоир сифатида эътирофга сазовор бўлади, биз эса Пушкинга бу номни беришга, ундан бу номни олиб қўйишга журъат қила олмаймиз.

“

*Шеъриятда озодликка
ундовчи, ҳурриятга чорловчи,
юксалтирувчи маънавий
куч бор.*

Шеъриятда озодликка ундовчи, ҳурриятга чорловчи, юксалтирувчи маънавий куч бор. Яна умидимиз борки, тез орада оддий халқимизнинг оддий фарзандларига, гарчи шоиримизнинг асарларини ётволиб ўқимасалар-да, «Пушкин!..» номи нимани англатиши маълум бўлади ва улар энди англаган, тушунган ҳолда, биз яқинда одамлар орасида беихтиёр эшитишга муяссар бўлган гапни такрорлайдилар: «Бу – муаллимнинг ҳайкали!».

Рус тилидан **Салим АШУР** таржимаси

*(Маъруза жузъий қисқартиришлар
билан эълон қилинди.)*



Шодмонқул САЛОМ

ТАВБА САОДАТИ



Деразадан қиш пардоз берган майдонга қараб ўтирибман. Яланғоч терак шохлари-га қаноти тегай-тегай деб бир чумчуқ учиб келди-да, дераза рахига қўнди. Мен тушлиқдан қолган нон ушоқларини неча кунки шу ерга авайлаб тўкиб қўяман. Чумчуқ шунга ўрганди. У бошини ерга уриб-уриб ушоқ териб еяпти. Бир кўзи менда. Ишонмайроқ қараб-қараб қўяди. Патларини хурпайтириб гир-гир айланиб ҳам олади. Унинг ожиз тафаккури, шартли ва шартсиз рефлекслари нима деётган ва бу қушга нималарни таъкидлаётган бўлса...

Қуш ризқ Оллоҳдан эканини, уни менинг қўлим билан унга тақдир раво кўраётганини билармикан... ва шу митти жон шукур ва тавба қилишни тушунармикан... бу кечимлар нақадар муҳим эканини-чи...

Нега қушни сўроққа тутаяпман ўзи? Миннат қилаяпманми унга ушоқни?

Деразадан юзимни бурдим. Мени бир қанча туйғулар бирданига ўртага олди. Ўзим билан ўзим бўлиб қолдим...

Сувнинг уч хил – қаттиқ, суюқ, газ ҳолати мавжуд. Аммо энг барқарор тарзи қандай бўлади? Бунга табиатда жавоб топиш мушкул. Шу қадар мушкулки, инсоннинг тарзидай мураккаб.

Одам қачон барқарор сакинатга етиб келади? Одамнинг қайси ҳоли тугал осойишталик ҳисобланади?

Қувонч вақтинча ва беқарор. Фам-ғусса ҳам тугайди бир кун... поёнига етмайдиган зулм ҳам йўқ...

Инсонга хос туйғулар ҳам табиат фаслларига уйғун тарзда ўзгарувчан. Шу боис одам айниқса ёшлигида беқарор ҳислар қуршовида, ўзини босолмай, тополмай тентираб юриверади. Ҳатто кексайган чоғида ҳам кўнгилдаги алағдалиқ, муросасизлик, безовталиқ уни тарқ этмаслиги мумкин.

Аммо бир ҳолат кўнгилни иситишини, одамни бир маромда тутиб туришини яқин-яқинлардан биладим. Бу одамнинг тавбага келиши экан. Тавбага энкайиб, эниб, айна дамда руҳан юксалиб борган одам тобора барқарор осойишталикка эриша бораркан. Минг афсуски, буни жуда кеч англаймиз, кеч кўникамиз бунга... кўнишнинг ўзи қийин иш...

Тавбага келаётган одамнинг юраги аввало шукрона туйғуси билан ёришиб кетади. Олдинлардан биладиган, эшитган, ўқиган маълумот ва билимлари ҳаракатга келади. Яъни, одамни Оллоҳ таоло лойдан бино қилди. Оддий, балчиқ лойидан одам каби мавжудотни яратди деган тўхтамни, илоҳий хулосани шукурга етиб келаётган банда энди чинакамига яшай бошлайди. Ваҳоланки, бу маълумотларни у аввалдан билар эди.

Одамлик даражасига етказган, бир тилсиз тош ё онгсиз судралувчи қилиб қўймаган, қалб бериб, шу жавҳарда меҳр, раҳм, муҳаббат, соғинч, севги каби мунир туйғуларни жамлаган Парвардигорга ҳамд айтаётган кишининг ҳаёти ҳам, қалби ҳам булутли кунда бирдан қуёш чарақлаб кетган каби ёришиб кетади. Авваллари инсонга хос шубҳа билан яшаган одамга бу тушунчалар ёрдам бермайди.

Бу ҳолатлар қалбнинг очилиши ёки муҳрланиши билан изоҳланади.

Оллоҳнинг «Махфий хазина эдим. Бас, танилишни маҳбуб кўрдим ва халойиқни халқ қилдим» деган улуг хитобидан сўнг энг аввал пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг руҳини ўз нуридан яратган улуг Парвардигор бутун оламларни, бутун инсониятни бор қилди. Одамга барча нарсаларнинг номини ўргатиб, қаддини рост қилди. Фаришталар ҳам сажда қилди Одамга.

Шу тарзда йўқдан бор қилиндик.

Ушбу маълумотларга иймон келтириш мушкул. Бу улуг сўзларни, буюк ҳақиқатларни бизга билдирмоқ учун Қуръонни ту-

ширган Оллоҳ уни англатмоқ учун оламнинг сўнгги пайғамбарини тайёрлаб келди. Қанча улуг саҳобалар, олимларнинг қалбида ўз чироғини ёқди. Биз бу ҳақиқатни биламиз, бироқ... иймон келтиришга қийналамиз.

Шукурга, тавбага етиб келиш учун одам англаши, тушуниши, билимга эга бўлиши ҳам керак экан. Бўлмаса қийналиб юриверар экан.

Хайёмона сатрларнинг мағзини юзакки тушуниб, «Мени худо дўзахий қилиб яратган бўлса, минг бор тоат-ибодат

*Аммо бир
ҳолат кўнгилни
иситишини, одамни
бир маромда тутиб
туришини яқин-
яқинлардан биладим. Бу
одамнинг тавбага
келиши экан.*

қилганимдан не наф?» дея тугён қилувчи одамларга давримизнинг улуғ инсонларидан бири Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ушбу савол-жавобини эслатмоқ фойдали бўлади:

Бир киши «Одамнинг тақдири аввалдан битиб қўйилган. Бунга шубҳа йўқ! Шундай бўлгач, одам ўз тақдирини, яъни, жаннатийми, дўзахий эканини билиши мумкинми?» деб савол берди. Шайх ҳазрат ўзига хос самимият ва жиддийлик билан лўнда жавоб қилди: «Билса бўлади. Қаёққа қараб қадам қўяётганига қараб тақдирини билса бўлади!».

Яъни, одам эзгулик сари кетаяптими, гуноҳ томон қадам қўяяптими – шунга қараб қай томонлик эканини билиши мумкин. Қолгани Оллоҳга таваккал!

Ичимда кечаётган жараёнлар бир неча йилки, ҳаловатимни бузар эди. «Инсоннинг беқарор олами қачондир осойиш топармикин?». «Қачон кўнглим ҳузурга эришади, қирғоққа чиқиб қолган балиқни бирор сахий қўл денгиз бағрига ташлагани каби қачон жону жаҳоним теран, муқим ҳаловатга эришади?». Шу саволлар турли шаклларда, турли муносабатлар билан бўғзимдан олар ва мени қийнади.

Ҳаким Термизий ҳазратларида «Кишига шу биргина айби кифоя қилурки, ўзига зиёнкор бўлган нарса уни қувонтиргай» деган гапни ўқидим. Бу сўз бошимга гурзидек урилди. Узун-узун орзу қиладиган, истайдиган, ошқору пинҳон қўмсайдиган майлларимни таҳлил қила бошладим. Мени нималар ўзига тортса, уларнинг кўпчилиги менга зиён экан. Лекин мен уларни суяр, излар эканман. Ўша жонга

*Ҳаким Термизий
ҳазратларида «Кишига
шу биргина айби
кифоя қилурки, ўзига
зиёнкор бўлган нарса
уни қувонтиргай»
деган гапни ўқидим. Бу
сўз бошимга гурзидек
урилди.*



жабр, охири афсус ва дилга ғубор ташловчи мақсад сари бетиним талпинар эканман. Шаробхўрлик, аёллар билан суҳбатлар, ҳою-ҳаваслар, шуҳратпарастлик, кибр, ёлғончилик, ишни осон битириш, ҳасад... Бу каби истак ва туйғуларнинг ҳеч бўлмаса биттагинасига

эргашмаган, асир бўлмаган одамни эса қарийб кўрмадим. Теграмда юрган кишиларнинг кўпини ўзим каби лойқа оқимда кўрдим. Лекин ҳали Термизийнинг гапига дуч келмай, муқим ҳаловат ва саодат тавбада эканини англамай туриб, кўнглим қаро бўлаётганидан озор чекардим. Талпинган ва етишган муродим, орзуларим охирида мени тушунуксиз, мажҳул, боши берк кўчага судрардики, эзилиб кетардим. Кўнгил қаро, қўл ишга бормай, кўнгил ғаш... Шу каби бир ҳолат руҳимда ҳоким эди...

Бир куни «кўнгил тақвosi» деган ибора кўнгилдан ўтди. Бироз ёришдим. Кўнгил тақвosi нималигини билмасам-да, бу бир жуфт сўз юрагимни илитди. Ва ўша кунларда «Гумон қалб ғийбатидир» деган жумлага дуч келдим. Вожаб! Кўнгил тақвosi нелиги бироз ойдинлаша бошлади. Бироқ кўнгилнинг туб-тубида ғалаёвур бошланди. Оромим бузилди тагин. Негаки, ҳаётим гумонлардан, шубҳалардан иборатдай туюлди. Қанчалар бадгумонман деб ўзимни боз тафтиш қилдим. Ҳеч бир талабга жавоб берадиган ҳолим йўқлиги тобора ошкор бўлар ва нақадар яроқсиз эканимни хис этардим. Бу кечинма кучайгани сари ўзимдан кўнглим қола бошлади.

«Қачон, қандай қилиб муқим бир осудаликка эришаман мен, қачон ўзимни яхши кўрсам ҳам, қониқмасам ҳам маза қиладиган ҳолатга етаман?». Кутилмаганда «Абу Талҳа Ансорий қирқ йил рўза тутди» деган маълумотни ўқиб қолдим. Бу зот ким, қайси замонда яшаган, нима иш билан машғул бўлган – ҳозир ҳам билмайман. Аммо у кишининг тақво ва сабри

мени лол қилди. Инсон ўзини енгити керак деган кўп бора айтиб, ўзим амал қилмай юрадиган гапим яна тилга кўчди. Ўз вужудини қийнаб, нафсини енгитган бу инсонга тақлид қилолмаслигимни ҳам тушуна борардим. Шунга сайин оғриғим ортарди. «Кимман ва нега келдим бу ёруғ жаҳонга?», «Маслагим нима-ю, нима билан бандман?», «Нечун бу қадар ҳаловатсизлик тўфонида чирпиракман?», «Қачон ерга – ҳаловат замини-га қўнаман?».



*Ва ўша кунларда
«Гумон қалб
ғийбатидир»
деган жумлага
дуч келдим.
Вожаб! Кўнгил
тақвosi нелиги
бироз ойдинлаша
бошлади.*

Бир воқеа бўлиб ўтганди! Онамнинг вафотига икки йил тўлганда, қишлоқдаги сандиқдан эски дафтаримни топиб олдим. Кундаликнамо бу дафтарнинг бир варағида «Менинг онам ўлмайди!» деган ёзувни ўқидим. Тахминан ўн йиллар бурун ёзилган, анча униқиб кетган. Ўйлаб қолдим – демак, шундай ўйлайдиган даражада бўлган эканман-да... Шу қадар хомкалла эканимни ва бу истакнинг ҳам худбинлик эканини тушундим.





Шу аснода хаёлимдан ўтаётган нарсаларга тиббиёт тарихидаги ушбу маълумот ҳам қўшилиб мени боз вайрон қилди: «Ер шарида XXI асргача 80 миллиард инсон яшаб ўтган...». Шуларнинг қаторига онам ҳам қўшилди. Қалбимнинг жавҳари, меҳрибон-мушфиқим ҳам қўшилди. Кун келиб мен ҳам қўшиламан... ва бу инсонларнинг нечовининг инсониятнинг олтин дафтерида номи мангу қолган, қанчасининг номи ва шарафи Яратганнинг азизлар рўйхатида бор?

Шу серсавол туйғулар қуршовида ҳам йиллар ўтди. Ва ҳар куни йўлимни тўсатган «Мазмун, мақсад нима?» деган савол яна пайдо бўлди.

Шунда Оллоҳнинг ўзи кўмакка келди! Мен ўзимни танишим, ўзим орқали Оллоҳни англаб боришим керак! Шу ишга эришсам, мендаги хавотир ва қўрқув кетади.

Кейинги йилларда мен минган отнинг номи таваккул бўлди. Юз киши менга қарши эканини билсам ҳам парво қилмайдиган бўлдим. Чунки ортимда Яратганнинг қоядай кучини ҳис эта бош-

Шунда тагин бир
ҳадисни ўқидим:
«Бандаси Оллоҳ
сари бир қадам
қўйса, Оллоҳ банда
томон ўн қадам
қўяди!».

ладим. Ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмай бошладим. Ҳеч қандай ирим-сиримларни писанд қилмай қўйдим.

Шунда тагин бир ҳадисни ўқидим: «Бандаси Оллоҳ сари бир қадам қўйса, Оллоҳ банда томон ўн қадам қўяди!». Шу ҳадисдаги ҳолни ўзимда кечирган пайтларим кўпая бошлади. Уйқумда ором, кундузимда қувонч кўринди. Ўн йил аввалги шеърларимдаги араз, иддао, алам ўрнини бироз маънос бўлса-да табассум эгаллай бошлади...

Тушундим деб айтолмайман, лекин тушуниб бораётганим рост. Тушунаётганим шуки, тавба деган кечинма экан бизнинг маёғимиз. Саодат соҳилининг номи тавба экан. Бу тўхтамга келишнинг ва бунинг рост эканининг мустаҳкам асоси бор: Одам бир чангал хом лой эди. Одам бўлди.

Қуръон ўқийдиган, космосга учадиган, яна кўп ишларга қодир одам бўлди. Дунёвий олимлар эришган ҳамма ютуқларда Парвардигорнинг изни ва кўмаги бор. Бу улуғ кучсиз одам жуда ожиз. «Ота-онам мени яхши тарбия қилди, яхши ўқитувчи таълим берди, тинмай ўз устимда ишладим ва олим бўлдим, тadbирли киши бўлдим, бой бўлдим...» деган изоҳлар бизни алдайди. Муайян ютуққа эришган, ўзгалардан ўзгача бўлган кишиларнинг ҳаммаси ҳам аввало Оллоҳни озми-кўпми таниган. Билъакс, бу даражага етиб келмасди. Худони таниш, ўзининг ожизона ўрни қаерда эканини билиш бирдан содир бўлмайди. Ва яхлит амалга ҳам ошмайди. Кимдир бир фоиз, кимлар-

дир ўн фоиз танийди Яратганни. Шу даражанинг ўсиши камолот бўлса керак.

Кимки ҳақиқатдан қочса, Ҳақ ҳам ундан узоқлашади! Ким қанча яқин келса, шунга талпинса, шунча моҳиятга қараб боради. Тириклик тадрижи, илоҳнинг мундарижаси баайни чеварлар тўқиган гилам кабидир. Улкан гиламнинг бир четида ўрмалаб бораётган чумоли бир қарич юргач, қандай шаклдаги гулга дуч келишини билмагани янглиф одам ҳам билмай кетаверади. Аммо даъво қилади – биламан дейди!

Мақсад кўнгил ҳаловати, масрур қалб сакинати, ороми экан, яъни, Оллоҳни таниш, ризосига эришиш экан, таваккал деган йўлда тавба сари жидду жаҳд қилиш керак. Аксинча бир қаро тақдир соҳиби бўлиши ҳеч гап эмас.


Улуғ бир зот вафот топиб, Парвардигор ҳузурига

борганида, ундан «Менга нима олиб келдинг?» деб сўралибди. Шунда ҳалиги чўнг тақво эгаси «Етмиш йиллик ибодат, фалонча рўза, фалон минг тасбеҳ билан келдим» дебди. Шунда Раббимиз «Сенинг чала-чулпа, ҳисоблаб, санаб юрган ибодатларингга муҳтож эмасман! Даргоҳим мукаммал ибодату му-

ножотларга тўла. Менга менда йўқ нарсани олиб келишинг керак эди» деб хитоб қилибди. Бу сўзни эшитган банда «Сен Оллоҳ бўлсанг, бутун куч-қувват, борлиқнинг тақдири сенинг қўлингда бўлса, сенинг даргоҳингда йўқ нарса ҳам бўладими?» дебди хайрату қўрқув билан. Шунда оламлар эгаси «Менинг даргоҳимда ожизлик йўқ!» дебди.

Бошқа ривоят: бир сўфий зот вафот топиб Оллоҳнинг даргоҳига борганида, у кишига фоний оламда қилган

*Мақсад кўнгил
ҳаловати, масрур қалб
сакинати, ороми экан,
яъни, Оллоҳни таниш,
ризосига эришиш
экан, таваккал деган
йўлда тавба сари
жидду жаҳд қилиш
керак.*





тақвосини инобатга олиб, «Сени ҳисоб-китоб қилмай жаннатга юборайликми ёки қилган заҳмату ибодатингни тарозига қўяйликми?» дея иззат кўрсатишибди. У киши эса «Мен эллик йил рўздор бўлдим, беш ёшимдан бери намозимни канда қилмадим, Оллоҳ буюрган ҳамма яхши ишларни бажариб келдим. Ҳисоб-китоб қилишса ҳам розиман» дебди. Шунда у зотнинг бутун умри давомида қилган эзгу амалларини – барча ибодати, берган садақалари, қурган кўпригу очган ариқлари – ҳаммасини жам қилишибди. Ва худонинг амри билан битта кўзини соққасидан ажратиб олиб, шу битта кўзи билан дунёда кўрган нарсаларининг неъматини, завқу шукуҳини ҳам ҳисоб қилибдилар. Шунда битта кўз билан кўрган нарсаларининг рағбати – олган неъмат тарозининг бир палласида унинг барча ибодатидан оғир келибди. Оллоҳ битта кўзни комил қилиб берганида инсоннинг кўриш бахти шунча хизматдан улуғ бўлибди. Бу ҳолни кўрган тақво соҳиби Яратганга такрор-такрор тавба қилиб, унинг берган неъматларига шукрон келтирибди.



Аммо мантиқ шунга олиб келадики, бизнинг масаламиз осон эмас.

Комил қилолмаймиз, комил бўлолмаймиз.

Биз мукамал адо этишимиз мумкин бўлган битта юмуш бор: бу – таваккални ўзига қилиб, тавбага етиб келишдир.



Бу бизнинг ожизлик деган нуфузимизга далил. Гарчи булар ривоят. Улардаги ҳақ ва ботилни ажрим қилиш даъвосида ҳам эмасмиз. Аммо мантиқ шунга олиб келадики, бизнинг масаламиз осон эмас. Комил қилолмаймиз, комил бўлолмаймиз. Биз мукамал адо этишимиз мумкин бўлган битта юмуш бор: бу – таваккални ўзига қилиб, тавбага етиб келишдир. Инсоннинг анча-мунча тўқис эплай оладиган ягона иши тавбадир!

Маккада россиялик рус мусулмон кишининг суҳбатини эшитдим. У саккиз йил черковда роҳиб бўлиб ишлаган экан. Ёши етмишда. Ислом динини қабул қилгунича қарийб йигирма йиллик заҳматли, саволи кўп, жавоби игна билан қудуқ қазишдек оғир йўлни босиб ўтибди. Унинг битта гапини келтириш кифоя деб ўйлайман: «Таҳорат – юракни ювиш, поклаш. Мусулмон одам бир кунда бу ишни бир неча марта бажаради. Исломни менга энг аввал севдирган нарса шу бўлди. Юракни нимадан тозалаш учун таҳорат қилишади? Кибрдан!».



Бугун жуда «доно» одам кўпайиб кетди. Китоблар, улардан олинган парчалар, ривоятлар тўлиб-тошди. Телефонларга оқиб келадиган ҳикматли сўзлар, Қуръондан иқтибослар, ҳадислар таҳлилларини ўқиб улгурмайди киши. Бир қишлоқдош кишимнинг ибораси билан айтганда, «бугун авлиё кўпайди». Жума куни шу муборак кун муносабати билан табрик жўнатадиган биродарларимизнинг айримлари масжиднинг олдидан ҳам ўтмаган. Ақалли шаҳодат калимасини ҳам билмайдиганлари сероб.

«Оллоҳ сиздан рози бўлсин» деб хат юборувчи дўстларимга бу гапнинг маъноси нима ўзи деб савол бергим келади.

Биз қанча оятларни таржимасигача биламиз. Бухорийу Термизийдан ҳадислар айтиб юрамиз. Аммо...

Бу сўзларни айтмоқдан мурод албатта билмаган мавзумиздан, ислом аҳкомлари-ю маърифатдан сўз очмоқ эмас. Балки бугун одамзоднинг энг оғир дарди бўлган кибр ҳисси, такаббурлик ҳақида ҳам сўз айтиш эди. Бу дард шу қадар оғирки, инсон ва жамиятдаги барча хасталиклар, кўнгилсизликлар, зулм ва қабоҳат шу касаллик сабаб пайдо бўлади. Ўзига яхшилик соғинган, маърифатга, асл маънога етишни орзу қилган одамзод энг аввал кибрдан қутулиб, тавбага юзланиши зарур. Шу қалб ислоҳоти амалга ошса, қолган барча ишларимиз ўзининг илоҳий ўрнига тушади.

Дунё тамаддунида Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида яшаган аҳолининг муҳим ўрни бор. Улар ўзининг ақлу закоси, маърифати билан инсоният маънавий ҳаётига улкан ҳисса қўшган. Биргина мисол, буддизм таълимотига асос солган шахзода Сиддхартха Гаутама Шақямунӣ эрамиздан олдинги 556 йилда ҳозирги Непал ҳудудида тугилган. Ушбу тарихий шахс кейинчалик Будда («нурланган») лақабини олган. Унинг таълимоти Бақтрия ҳудудига эрамиздан аввалги III асрнинг охири ва II асрнинг бошларида Ҳиндистоннинг Гандҳара (Панжоб), Нагахара (Ҳиндикуш) ўлкалари оша кириб келган. Айнан шу мамлакатда буддизм дини ривож топиб, янги босқичга кўтарилди. Бақтрияда давлат дини даражасига чиқди. Назарий жиҳатдан мукаммаллашиб, сўнгра Еттисув, Қошғар ва Или воҳалари орқали аввал Хитойга, кейин Корея ва Японияга кириб борди.

Абдуқаҳҳор
РАҲМОНОВ,
фалсафа фанлари
бўйича фалсафа
доктори (PhD),
доцент


БЕРУНИЙНИ ҲАЙРАТЛАНТИРГАН БОМИЁН

Ўша даврда Термиз шаҳри йирик сиёсий, иқтисодий, маданий марказ сифатида танилган эди. Бу аجدодларимиз закosi қанчалик юксак бўлганига яққол далил бўла олади. Айнан шу юксак маданият, билим боис ислом дунёсида ҳам ном қозондик. Бунга Бухорий, Термизий каби ўнлаб аждодларимизнинг илмий меросини мисол қилиш мумкин.

Ҳозир бу ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасмиз. Гап шундаки, буддизм динининг Бақтрияда ривож топиши ўша даврда ноёб тарихий қадамжолар барпо этилишига ҳам сабаб бўлди.

Осиё маданияти ва санъатига катта таъсир кўрсатган буддавийлик динининг қадамжоларидан бири Афғонистоннинг Бомиён водийсидаги ёдгорлик мажмуаси ҳисобланади. Эрамизнинг бошида ҳозирги Афғонистон ҳудудида кенг ёйилган буддавийлик Кобул, Жалолобод, Қандаҳор ва Балх шаҳарларида катта ёдгорликлар қолдирган бўлса-да, Бомиёндагидек улуғвор мажмуа Ҳиндистонда ҳам учрамайди.

Кобулдан Ҳожигак довони орқали Бомиёнгача босиб ўтиладиган масофа 230 км. Унинг энг баланд чўққиси 3000 метр. Довон баландлиги йўловчига сезиларли таъсир этади. Гуллаган водий томон чўққилардан қорли чойшаб ёйилгандек туюлади. Қизғиш ер ва қор чегарасида



арчалар кўкка бўй чўзган. Улар кичик буталардек кўринади. Довондан ошиб, беш соатда Бомиён чегарасига етасиз.

Бомиёнга яқинлашгач, тўсатдан бош айлантиргудек баландликда осилиб турган қизғиш қояларда қадимги шаҳарнинг қудратли қалъалари қолдиқларини кўрасиз. Улар худди Шаҳри Заҳҳокнинг (Заҳҳокнинг шаҳри) қадимги қалъасига кириш йўлини қўриқлаётгандек тасаввур уйғотади. Фирдавсий «Шоҳнома» достонида ҳаддан ташқари золим сиймосини Заҳҳок шахсида тасвирлаган, халқни унинг зулмидан темирчи Кова қутқарган





эди. Бомие́ндан ун-
чалик узоқ бўлмаган
тоғли водийда, риво-
ятларга қараганда,
Кова яшаган ва шу-
нинг учун ҳам ҳо-
зиргача бу ерни те-

мирчилар водийси деб аташади¹.

Пишиқ гишдан барпо қилинган
Заҳҳок кўрғонининг қудратли девори
қолдиқлари баландлиги 20 метргача
етади. У деярли қизғиш тоғ чўққилари
билан қўшилиб кетган, халқ ораси-
да Қизил шаҳар дея ном олган. Тахмин
қилишларича, бу шаҳарга эрамининг
биринчи асрида (Кушонлар даврида)
асос солинган. Археологлар Бомие́нда
барпо этилган ғорлардаги ибодатхона ва
Будданинг ҳайкаллари Кушонлар даври-
га тааллуқли деб тасдиқлашади.

Хитойлик буддавий роҳиб Фа Шен
Ҳиндистон ва Сейлон бўйлаб 15 йил
саёҳат қилгандан кейин 400-йилда кар-
вон билан Бомие́нга келади ва кундалик
дафтарида қуйидагиларни ёзади: «Бу
мамлакатда Будданинг тошга ўйиб иш-
ланган, садақалар йиғишга мўлжаллан-
ган косаси бор. У ерда Будданинг тиши
ҳам бўлиб, унинг учун кишилар қадамжо
барпо қилгандирларки, унда мингдан
ортиқ роҳиб хизмат қилади... Бу мамла-
кат пиёзшакл тоғлар ўртасида жойлаш-
ган, унда ёзда ҳам, қишда ҳам қор бўла-
ди. У ерда заҳарли аждаҳолар ҳам борки,
агар улар безовта қилинса, оғизларидан
заҳарли ҳавони пуфлаб, қор, қум ва тош
ёғдиради ва бундай хавфга йўлиққан ҳеч
ким нажот топа олмайди»².

Ислон дини кириб келгандан кейин
қайта қурилган Бомие́н шаҳри 1221 йилда
Чингизхон қўшинининг ҳужумига учрай-
ди. Қалъага ҳужум вақтида истилочи хон-



*Бомие́нни ишғол қилиб, барча аҳолини
қиличдан ўтказган Чингизхон ўз отасига
хоинлик қилган қизни ҳам қатл эттирган.*

нинг яхши кўрган невараси ўлдирилгач, у
шаҳарда ва шаҳар атрофида бўлган барча
тирик жонни йўқ қилишга буйруқ беради.
Улуғвор қалъа жуда яхши ҳимояланган
бўлиб, агар тасодиф ёрдамга келмага-
нида, мўғул босқинчилари уни ололмас
эди. Айтишларича, Бомие́н ҳокимининг
қизи Лали Хотуннинг сотқинлиги сабаб
Бомие́н таслим бўлган. У отасининг ик-
кинчи марта уйланганидан ранжиб, ўч
олиш ниятида Бомие́нни сув билан таъ-
минловчи сой йўлини махфий равишда
Чингизхонга маълум қилган. Бомие́нни
ишғол қилиб, барча аҳолини қиличдан
ўтказган Чингизхон ўз отасига хоинлик
қилган қизни ҳам қатл эттирган.

Эски шаҳар харобалари тепасида Бо-
мие́н водийси кафтдагидек ястаниб ёта-
ди. Қояларга ўйиб қурилган ибодатхона
бир-бирига туташиб кетган ғорлари би-
лан яққол кўриниб туради. Ғорларнинг
сони мингдан ошиқ. Мажмуа Будданинг
қоятошни кесиб ишланган 38 ва 55 метр-
лик икки баҳайбат ҳайкали билан якун-
ланади. Бу ҳайкаллардан энг қадимгиси
Кичик Будда деб аталади. Унинг пасти-
да квадрат шаклидаги ғор бўлиб, у ибо-
датхонага кириш қисмини кўриқловчи
қоровулга мўлжалланган.

«Daryo.uz» колумнисти Жаҳонгир
Остоновнинг ёзишича, Бомие́н будда-
ларининг қурилиш санаси археологлар
орасида катта муҳокамаларга сабаб
бўлган. Уларнинг аксарияти ҳайкаллар
300 ва 700-йиллар орасида қурилган деб
ҳисоблайди. Баъзилар 55 метрли катта
ҳайкал V асрда, 38 метрли кичик ҳайкал
III асрнинг иккинчи ярмида қурилганини

¹ Турдали Масутов. Афганские дневники. Алматы, 2004. Стр. 103.

² Турдали Масутов. Афганские дневники. Алматы, 2004. Стр.107.

айтади. Ҳайкалларга берилган безаклар кейинги асрларга оид. Ҳайкаллар тўғридан-тўғри қояларни ўйиб ясалган. Деталлар эса лой ва сомон аралашмасидан ишланган ва ганч билан қопланган. Асрлар суронларида йўқолиб кетган ушбу қопламанинг юз, қўл ва кийим қисмларини аниқ кўрсатиш учун бўяб қўйилган. Ҳайкаллар қўлларининг пастки қисмлари худди шундай лой ва сомон аралашмасидан ясалган ва ёғоч рамкалар билан мустаҳкамланган. Юзларининг юқори қисми ёғоч ёки металл ниқоблар




билан қопланган. Суратларда кўринадиган тешиklar ганч қопламани мустаҳкам тутиб туриш учун ўйилган.

Таъкидланганидек, эраиздан олдинги II-I асрларда буддавийлик Афғонистон, Туркистон ва Хитойга кириб келгач, ушбу ўлкалар мафкураси, ҳаёт тарзи, маиший ва маданий жиҳатларига катта таъсир кўрсатди. Табиийки, буддавийлик ҳам бу ўлкалар маданияти ҳисобига бойиди. Шарқий Туркистонда I-VIII асрлар давомида барпо этилган ғорларда қурилган «Минг уй» (Минг ғор) ибодатхона мажмуаси ўзида меъморчилик, ҳайкалтарошлик ва рассомчилик синтезини ифодалаб, ҳинд, эрон, хитой ва уйғур санъатини уйғунлаштирган.



Ҳайкалларга берилган безаклар кейинги асрларга оид. Ҳайкаллар тўғридан-тўғри қояларни ўйиб ясалган. Деталлар эса лой ва сомон аралашмасидан ишланган ва ганч билан қопланган.



Бу ҳақдаги асосий маълумотлар VII асрда бу ерга келган хитойлик роҳиб Чжуан Цан хотираларида сақланиб қолган. У Бомиён водийсида ўндан ортиқ ибодатхона ва мингдан зиёд роҳиб фаолият кўрсатишини ёзиб қолдирган. Шунингдек, сайёҳ роҳиб мазкур икки улкан ҳайкал олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безалганини айтган. Абу Райҳон Беруний ушбу ҳайкалларни бориб кўрган ва ҳайратга тушиб, улар ҳақида шеър ёзган. Аммо бу битик бизгача етиб келмаган.

Ғарбликлар орасида ҳайкалларни илк бор XIX аср бошларида Бухорога сафар қилган инглиз жосуси ва сайёҳи Уилям Муркрофт кўради. У узоқ йўлни босиб, Бомиён водийсидан ўтаётганда ушбу ҳайкалларга дуч келган. Инглизларнинг яна бир жосуси Александр Бёрнс ҳайкаллар суратини хотираларида чизиб қолдирган. 1920 – 1930-йилларда француз археологлари водийни ўрганиш учун бир қатор экспедициялар ташкил этган.



Будданинг улкан ҳайкалларини ўтмишда икки бор йўқ қилишга уринишган. Биринчиси XVII асрда, Аврангзеб Оламгир даврида, иккинчиси эса XVIII асрда, Нодиршоҳ Афшор даврида ҳайкаллар тўпга тутилган. 1931 йилдаги экспедиция раҳбари Жозеф Хакин ҳайкаллардаги тўп изларини кўриб, ўрганиб бу ҳақида ёзиб қолдирган.





*Афсуски, ўтмишда амалга олмаган
бу қўпоровчилик 2002 йилда
амалга оширилди ва ўтмишнинг
нодир асотири, Бомийндаги Будда
ҳайкаллари бузиб ташланди.*

Байрам АЛИ

СИМ-СИМ, ЭШИГИНГНИ ОЧ

*ёхуд тилсимланган
эртاكلар*

БОЛАЛИК ТУНЛАРИМДА...

Қишнинг қор-қировли кечаси. Кираверишга қўнқайтиб қўйилган тунука печка эшигининг тирқишидан чиққан шуъла уйимизнинг сомонсувоқ деворларида рақс тушади. Ажиб хаёлий манзаралар ясайди. Отамнинг иши қайнаган дамлар эмасми, тонгдан шомгача, хуфтондан бомдодгача тракторини тариллатиб, шудгор қилади. Биз эса – онам, опа-акаларим кенг уйда қатор ўрин солиб ётамиз.

– «Муқбил тошотар»ни айтиб беринг, эна!

– Йўқ, «Девқиз»ни айтасиз!

Онам эртагини кўҳна ибора билан бошлайди: «Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан...». Ҳар гал шу битта гапни такрорлаш шартми деб ичим қизийди. Бўри нимага баковул, тулки-чи, қачон ясовул бўла қолди бу айёргина – буларни кўп ўйлаб ҳам ўтирмайман. Бу билан нима ишим бор! Хаёлларим учкур отдай, гоҳ эртақ воқеаларидан илдамлаб кетса, гоҳи йўлдаги бирор нарсага овунган гўдакдай куймаланиб қолади...

Ўша кунлар эсимга тушса, бошкети кўринмайдиган ўйларга толаман. Воқеаси, образлари бир-бирини такрорлайдиган, тагин ярми уйдирмалигини знам атай қистириб ўтадиган эртақларни қулоқ қоқмай тинглашга нима мажбур қилган? Эртақда бирор илоҳий куч ё сеҳр бормидики, биз болаларнинг ботиний хужраларимизни ишғол этади; руҳимизни сел қилиб, бўйсунмас туйғуларимизни тинчитиб қўяди? Бунинг сири бор эса, ўша сир нимадан иборат?..

«БОРСА КЕЛМАС»НИНГ СИРИ

Тагин бир нарса жумбоқ. Кенжа ботир бошқалардан ботирроқ бўларди. Олдиларидан йўл чиқса, у ҳамиша «борса келмас»ни танлайди. Хазинани ҳам у

топар, подшолик фақат унга насиб этарди. Кенжа ботирга йўлиқадиган девлар сони ҳам айнан учта! Ботир ҳар сафар биринчи бўлиб оқ дев билан олишади. Кейин сариқ дев, сўнгра қораси – бу бамисоли ўзгармас қонун.

Ҳозир ўйлаб кўрсам, «Уч оғайни ботирлар» эртагидаги ботирлар ақл, туйғу, руҳнинг тимсолига ўхшаб кетаркан. Нега дейсизми? Ахир ақл ҳеч қачон «борса келмас»ни танламайди, у доим «борса келар»ни танлаган Тўнғич ботирга ўхшаб хавфсиз йўлларга талпинади – улғайиб, эсимиз киргандан кейин ўзимизни аяшларимиз ортгани шунга далил. Туйғу «борса хатар»ни танлаган Ўртанча ботир каби хавф-хатарга, саргузаштларга ўч бўлади – «Анна Каренина»даги Аннани, «Қизил ва қора» асаридаги де Ренал хонимни аёллик шаъни, зодагонлик обрўйини хатарга қўйишга нима мажбур қилди? Туйғу!

Руҳ-чи? У танани тарк этса, ортга қайтмайди. У сиру синоатга тўла бошқа бир олам. Кенжа ботир шундай. У доим «борса келмас»ни танлайди.

Кенжа ботирни руҳга менгзаш аслида бундан бошқа фаразларга ҳам йўл очади. Масалан, Кенжа ботир тимсолида мен ўйлагандай руҳнинг вужудни тарк этиши эмас, тасаввуфдаги фано босқичи назарда тутилган бўлса не ажаб? Ахир Кенжа ботир айнан «борса келмас»дан юргани туфайли хазинага йўлиқди. Эртақ охирига бориб, ўз юртига подшо бўлди. Ким билсин, бу ерда хазина деганда балки илоҳий ишқ назарда тутилаётгандир? Подшолик – нафс устидан ҳокимлик. Ҳолбуки, фолклоршунос олим Шомирза Турдимов машҳур оға-иниларни тасаввуфнинг уч босқичи: шариат, тариқат, ҳақиқатга ўхшатган¹. Қолаверса, уларни табиат учта асосий бирликдан

¹ «Ҳикматлар хазинаси», Тошкент, «Адабиёт учқунлари» нашриёти, 2014.

(осмон, ер усти, ер ости) иборат деган қадимий тасаввур билан боғлайдиган назариётчилар ҳам йўқ эмас...

БОТИНИМИЗГА БЕРКИНГАН ДЕВЛАР

Кенжа ботирни руҳ ва руҳият билан боғлашга яна бир асос бор. Бу – «борса келмас»да ботирнинг йўлидан чиқадиган девлар.

Кўпчиликка маълум, замонавий психология ранглар борасида алоҳида тўхталиб, унинг киши кайфияти ва саломатлигига таъсири борлигини айтади. Психология ғарбда фан сифатида вужудга келишидан анча аср илгари бу масалага шарқ мутафаккирлари эътибор қаратган. Шулардан бири улуғ шайх, тасаввуфнинг таниқли вакилларида бири, кубровия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубродир. Илоҳиёт сирлари ва инсоннинг руҳият оламидаги қатламлардан яхши хабардор бўлган бу улуғ зот ўзининг латоиф² назариясида етти ранг хислатини етти тушунчага мослаб тушунтиради. Бу назарияда ёзилишича, рангларнинг асосийси учта: оқ, сариқ ҳамда қора. Улардан оқ ранг исломни, сариқ ранг иймонни, қора ранг, яъни қоронғилик ҳаяжон, ҳайратни

² Латоиф – латиф билимлар.



Бу назарияда ёзилишича, рангларнинг асосийси учта: оқ, сариқ ҳамда қора. Улардан оқ ранг исломни, сариқ ранг иймонни, қора ранг, яъни қоронғилик ҳаяжон, ҳайратни ифодалайди.

ифодалайди. Шайх Нажмиддин Кубродан бошқа олимлар ҳам қора рангнинг ҳаяжон белгиси эканини таъкидлаб, у руҳнинг фанога ғарқ бўлиши рамзи эканини айтишган. Демак, маъно оламида инсон мана шу босқичда энг кўп қарама-қаршиликларга дуч келади. Бу бизнинг эртақда тасвирланган девларни тасаввуф билан боғлашимизга, оқ, сариқ, қора девлар деганда инсондаги ботиний курашлар ва уларнинг турли босқичлари назарда тутилаяпти деб фикр билдиришимизга замин яратади.

ТИРИК СУВ ВА ЎЛИК СУВ

Энди Тўнғич ботир ва Кенжа ботир – ақл ва руҳ йўллари ўртасидаги тафовутни фарқлаш учун, келинг, масалага бошқа бир ракурсдан қараб кўрамиз.

Араб файласуфи ва рассоми Жуброн Халил Жуброннинг шундай гапи бор:



«Эътиқод шундай манзилки, унга тафаккур карвонида бориб бўлмади».

«Нўхатполвон» эртагида ҳам ғаройиб бир тилсим бор. Ёдингизда бўлса, аждар билан олишиб ҳалок бўлган Нўхатполвоннинг қошига опаси келади. У укасидан «Сенга ёрдам бериш учун нима қилай?» деб сўрайди. Шунда Нўхатполвоннинг вужуди тилга кириб, «Ўрмоннинг ўртасида булоқ бор. Ўша булоқдаги тирик сувдан келтир-да, менга ичир, жароҳатларимни юв, мен тириламан» дейди. Опаси Нўхатполвоннинг айтганини қилса, дарҳақиқат, у тирилади.

Эртақда назарда тутилган тирик сув билан ўлик сув аслида сув билан содир бўладиган икки хил физиологик ҳолат. Яъни, олимларнинг ўрганишича, сув ахборот ташувчи, таркиби ва элементларини ўзгартира олувчи жонли мавжудот экан. Турғун ҳолда сақланганда, кучли босим остида қайнаб, ишқор билан ишлов берилганда у ўларкан – фойдали элементлари камайиб, зарарлига айланаркан. Аммо буғланиб, атмосферага кўтарилиши натижасида тириклик хусусияти яна қайтиб келаркан. Яъни, қор, ёмғир, шудринг бўлиб осмондан ёғаётган, булоқ бўлиб ердан қайнаб чиқаётган, тоғлардаги музликлардан эриб, оқиб

тушаётган сувда ижобий хусусиятлар кўп; сув ҳавзаларида сақланаётган, икки қайталаб қайнатилган, кимёвий ишлов берилган сувда эса салбий хусусиятлар кўпроқ. Буни экин экиб юрган деҳқонлар ҳам кўп кузатишган. Ариқдаги сувдан ўн марта суғорилган экин ёмғир сувига бир марта тўйганчалик гуркираб ўсмайди. Қолаверса, офтобда қолган сувда чўмилиш одамни касал қилиши, икки бор қайнаган сувни ичгандан кўра захар ичиш яхшироқ эканини табиблар ўз китобларида ёзиб қолдиришган. Аммо булар кейинчалик замонавий тадқиқотлар натижасида очилган кашфиётлар-ку! Бироқ минг, икки минг йиллик тарихга эга эртақларимизда сувнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ тасаввур қандай акс этди – буниси кишини ўйлантириб қўяди.

ТАРОЗИДАН УРГАН ТОШБАҚА

Мақола бошроғида болаликда эртақдаги одатий бошланмани эшитиб, «бўри нимага баковул?» деган хаёлга бормаганим тўғрисида айтиб ўтдим. Лекин мундоқ қараса, бу ҳақдаям айтадиган гаплар бор экан.

Эл оғзидаги ривоятларга кўра бойўғли бойнинг ўғли бўлган эмиш. Ношукурчилик қилаверибди, охири тунда учадиган





II

*Тошбақа ҳам тарозибон бўлган эмиш.
Одамларнинг ҳақидан уриб қолавергани
туфайли тарози палласи тошга эврилиб,
орқасига ёпишибди-ю, у шунақанги оғир-
карвон мавжудотга айланибди.*

шу кўрқинчли қушга айланиб қолибди. Тошбақа ҳам тарозибон бўлган эмиш. Одамларнинг ҳақидан уриб қолавергани туфайли тарози палласи тошга эврилиб, орқасига ёпишибди-ю, у шунақанги оғиркарвон мавжудотга айланибди. Тўғри, бўри ҳақида ҳеч қандай ривоят эшитмаганман. Лекин юқоридаги ривоятларга таяниб, мен уни илгари баковуллик қилган бўлса керак деган мушоҳадага бораман. Нафсини тия олмагач, худонинг ғазабига учраган – бўрига айланиб қолган.

«Авесто»да одам билан ҳайвон битта мавжудот эканлиги тўғрисида тасаввур бор. Унга кўра ўлган инсон кечирган ҳаёти, қилган ишлари, хуллас, ўз табиатига боғлиқ ҳолда ҳайвон бўлиб қайта тирилади. Эртакчи, менинг назаримда, зардўштийликка оид айнан шу фалсафадан дидактик восита сифатида фойдаланаяпти.

ИСМСИЗ ҚАҲРАМОНЛАР

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталмоқ жоиз. Эртакларда одатда қаҳрамонларнинг исми бўлмайди. Улар Қалқон ботир, Юлдузсанар, Буйракбой, Оймомо каби лақаблар билан аталади. Бир қишлоқдошимизнинг туққан болалари яшаб кетавермагач, қариялар чақалоқни яшириб, ўрнига кучукбола солиб қўйишни тавсия қилишганини эшитганман. Қишлоқларда мудом болаларини лақаб билан чақирадиган моларга ё чақалоқни кучук боласига алмаштиришни тавсия қилган қарияларга бунинг сабаби нима десангиз изоҳлай олмаслиги, шунчаки эскидан қолган удум деб қўйиши мумкин. Бу удум янги туғилган чақалоқни ёвуз руҳлар таъқиб этиши, қайси йўл билан бўлмасин, уларни чалғитиш кераклиги ҳақидаги азалий қарашлар билан боғлиқ. Эртаклардаги номи йўқ, нишони бор қаҳрамонлар бунга бир мисол.

Эртакларда доимий бир образ борки, уни нафақат ўзбек эртакларида, балки бошқа халқларнинг фолклорида ҳам учратиш мумкин. У ҳатто замонавий адабиёт вакиллариининг ижодига ҳам учиб кирган (масалан «Уста ва Маргарита»га). Кўриниши, кулишидан тортиб, юриш-туришигача ўзига хос. Ҳатто айтадиган гапи жуда машхур: «Гар саломинг бўлмаса, икки ямлаб бир ютардим!». Хўш, шум кампир – Ялмоғиз образи фолклорда қаердан пайдо бўлган?

Тармоқни кавлаштириб кўрсам, Ялмоғизнинг мифологик асоси тўғрисидаги қарашлар турлича экан. Шулардан менга ўрис сайёҳи, фолклоршунос Григорий Потаниннинг фикрлари қизиқроқ туюлди. Олимпнинг ёзишича, туркий элатлар фолклоридаги Ялмоғиз атамаси қипчоқча «жилон» (илон) ва «овуз» (оғиз) лексемаларининг бирикишидан ҳосил бўлган экан. Тарихи жуда қадим...

ХУЛОСА ЎРНИДА

Болалик кезларимизда синфхонанинг бир бурчагида тўқ сариқ рангли ҳарфлар билан ёзилган «Эртаклар – эзгуликка етаклар» деган лавҳа бўларди. Ўйлаб қарасам, фақат эзгуликнинг ёвузликдан афзал эканини тушунтириш учун яралган дейиш эртакнинг тасаввуфдан мифологик рамзларга қадар ёйилган кенг қанотларини «қирқиб» қўяркан.

Эртак бир дарё экан – халқ тафаккури, диний-дунёвий қарашлари, олам билан боғлиқ англамлари, ўй-кечинмаларининг сараси келиб қуйиладиган дарё.

Эртак бир карвон экан – халқнинг энг долзарб, мағзи тўқ фикрлари, доҳиёна ғояларини ортмоқлаб борадиган карвон.

Эртак бир дастур экан – ота-боболарнинг васияти, асл маънавий хазина сари, нафс устидан подшолик сари етаклайдигна дастур. Ёш шоир Жалолиддин Саййид «Дунёнинг бошига чиқиб келмоқда эртак эшитмасдан улғайган авлод» деганда ҳам, эҳтимол, мана шуни назарда тутган. Буни айниқса болаларига эртак айтиб бериш ўрнига қўлига планшет-смартфонларни тутиб овунтираётган, тагин боласида оқибатсизлик, бетгачопарлик нишонларини пайқаб, «билмадим, бу кимга тортаяпти?» деб боши қотаётган бугунги оналар тушуниши керак.


Тўғри, эртак айтганда эртакчи ундаги ҳамма ғояларни, сир-синоатга тўла ишораларни тушунавермайди. Болаликнинг узун кечаларида бизни овутган онам эртакнинг мен келтирган маъноларини ўйлаб ўтирмаган. Бироқ физикада шундай қонун бор: «Бордан йўқ бўлмайди». Бундан чиқди, тўла анланмаса, тилсимлари ечилмаса-да, эртаклар шахсга маънавий тарбия бериш, идрокини қимматли билимлар билан тўйинтириш учун энг қулай воситадир.

II

Эртак бир карвон экан – халқнинг энг долзарб, мағзи тўқ фикрлари, доҳиёна ғояларини ортмоқлаб борадиган карвон.


Элнур ЭГАМОВ чизган суртлар





Абдулла МАМАСОДИҚОВ

НОМАЎЛУМ РАССОМЛАР МЕРОСИ



Қадимий қоятош суратлари аجدодларимизнинг ҳаётидан сўзловчи энг қимматли тарихий ёдгорликлардир. Юртимизнинг тоғли ҳудудларида бундай бебаҳо обидалар кўп сақланган. Улар орасида энг бетакрори Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Сармишсой ёдгорликлари десак муболаға эмас. У ерда ўн мингдан ортиқ ноёб қоятош суратлари – петроглифлар, кўплаб археологик ёдгорликлар, тепаликлар ҳамда тегирмон қолдиқлари, одамларнинг яшаш жойлари, ғорлар ва табиатнинг бошқа турфа бойликлари мавжуд.

Сармишсой дараси Қоратовнинг жанубий ёнбағрида жойлашган. Дарага киришингиз билан кўз олдингизда ажойиб манзара пайдо бўлади. Сойнинг икки томонидаги қояларнинг ойнадек силлиқ сиртига назар ташлайсиз ва номаълум рассомларнинг ўткир зеҳн билан метин тошларга моҳирона ўйиб ишлаган нафис ва жозибадор суратларини кўрасиз. Қоятошларда рақс тушаётган одамлар, камондан ўқ отаётган мерганлар, от чоптириб кетаётган чавандозлар, узун шохли ибтидоий буқа ва буғулар, югураётган тоғ такалари, от, туя, оху, бўри, қоплон, тўнғиз, ит каби ҳайвонлар тасвири акс этган. Йиртқич махлуқларнинг туёқли жониворларга ҳамласи, узоқ йўлга отланган от ва туя карвонларининг манзаралари ҳам бор. Қоятошларда қуёш, илон ва қушлар тасвири ҳам учрайди. Уларнинг ҳаракатдаги ҳолати чизилган.

Қоятошларга бир неча турдаги йиртқич ҳайвонлар зўр маҳорат билан чизилган. Айниқса арслон, йўлбарс, қоплон каби йиртқичларнинг одамларга, туёқли ҳайвонларга ташланаётган суратлари ҳар кимнинг эътиборини тортishi турган гап. Бундай суратлар Ўзбекистонда, хусусан, Сармишсойда мазкур жонзотлар қадимдан яшаганидан дарак беради.

Сармишсой петроглифларининг аксарияти неолит даврининг охири, жез ва темир даврига мансуб. Демак, қоятошларга дастлабки суратлар милоддан аввалги беш мингинчи-тўрт мингинчи йилларда чизилган. Бу жараён 18-асргача давом этган. Энди тошларга ўйиб ишланган ушбу суратлар қимматли археологик ёдгорликка айланди. Петроглифлар шунчаки оддий суратлар эмас, уларнинг қарийб ярми асл тасвирий санъатнинг илк намуналаридир. Дарадаги ҳар бир расмда қандайдир жараён акс эттирилган.

Масалан, қуёш акс эттирилган сурат орқали аجدодларимиз нима демоқчи бўлган? Силлиқ тошнинг тепа қисмида қуёш расми ўйиб ишланган. Қуёшнинг марказида қўлини белига қўйиб турган шоҳ тасвири бор. Унинг пастида иккита фаришта қуёшни суяб турибди. Қуёш, шоҳ ва фаришталарни қандайдир афсонавий жонзот устида турган икки паҳлавон баланд кўтарган ҳолат акс эттирилган. Демак, аجدодларимиз зулматни ёритган қуёшни улуғлаган, мадҳ этган. Ўз ҳукмдорларини эса қуёш каби барчага бирдек ёруғлик улашувчи зот сифатида ардоқлаган.

Қуёшни улуғлаш манзараси атрофида яна уч-тўртта ҳолат тасвири чизилган. Биринчисида тандирга нон ёпаётган, иккинчисида машъалани кўтариб кетаётган, учинчисида чўккалаб ўтирган одам қўлидаги таёғини айлантериб олов чиқаришга уринмоқда. Тафаккур қилинса, одамларнинг ҳаракатлари бир гоя атрофида бирлашади. Маъно-мазмун жиҳатидан ўта бой ва кенг қамровли бундай қадимий тасвирлар дунёда бармоқ билан санарли. Шу боис дунё ҳамжамияти Сармишсойдаги қоятош суратларига алоҳида эътибор қаратаётган бўлса ажабмас.

Сармишсой қоятош суратлари энг қадимий услубларда ишланган асл санъат дурдоналаридир. Уларни олимлар 1960–1970-йиллардан бошлаб тадқиқ қила бошлаган ва бу иш айна

кунларда ҳам давом этмоқда. Қоятошлардаги дастлабки расмлар Учтут чақмоқтошлари ёрдамида ўйиб ишланган бўлса, кейинчалик бронза ва темирдан фойдаланилган. Қизиғи шундаки, петроглифларнинг баъзилари ёмғир ёққанда, айримлари қуёш нури тик ёки қия тушганда кўринади. Шундай суратлар борки, қояларга соя тушганда пайдо бўлади. Шунинг учун Сармишсой суратларини тўлақонли томоша қилиш учун улар яхши кўринадиган нуқтани топиш керак. Ана шунда ҳақиқий санъат асари кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

Сармишсойнинг ҳайвонот олами ҳам ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлган. Дарада олиб борилган археологик қазиш ишлари чоғида эрамиздан аввалги асрларга тааллуқли ёввойи буқаларнинг суяк қолдиқлари топилган. Қоятошларга чизилган ёввойи қорамоллар, жумладан, баҳайбат буқаларнинг асосий қисми милоддан аввалги учинчи-иккинчи минг йиллик арафасида бутунлай қирилиб кетгани тарихдан маълум. Қолганлари эса озуқа илинжида олис ҳудудларга кўчган. Улардан фақат аждодлар маҳорат билан мангуга муҳрлаган санъат асарлари ёдгорлик бўлиб қолган, холос.

Қояларда от, сигир, ит тасвирилари ҳам кўп учрайди. Олимлар уларни тадқиқ қилиб, бундан беш-етти минг йил илгари Сармишсойда ҳайвонлар хонакилаштирила бошлаган деган хулосага келган.

Петроглифларни томоша қилиш ва тадқиқ этиш чоғида одамсифат махлуқлар тасвирига кўзимиз тушади. Уларнинг шохи ва узун думи бор. Сармишсой давлат музей-қўриқхонаси директори Рамазон Эгамов бу жонзотларни ўзга сайёраликлар деб атади.

Сармишсойнинг бугунги табиати ҳам жозибали ва жуда мафтункор. Одамларни ўзига оҳанрабодек тартади. Бу ерда ўсимликларнинг 620, ҳайвонларнинг ўнлаб турлари учрайди. Уларнинг айримлари ўта ноёб. Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Бунга капчабош илон, икки-уч турдаги лола-ни мисол келтириш мумкин.

Сармишсой петроглифлари аждодларимиздан қолган энг сара маданий ёдгорлик сифатида тан олиниб, 2008 йилда жаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида UNESCO рўйхатига киритилиб, расман «Очиқ осмон остидаги музей» деб эълон қилинган.



Муслимахон МАҲКАМОВА,
Ўзбекистон давлат консерваториясининг
торли чолғулар кафедраси ўқитувчиси

МУСИҚА ИЛМИ ВА ИННОВАЦИЯ

Муסיқа йўналишидаги анъанавий таълим усули ўқувчиларни тайёр билимларни ўзлаштиришга ўргатади. Бунда ўқитувчининг шахси асосий ўринни эгаллаб, ўқувчи жараённинг пассив иштирокчиси ҳисобланади. Бугунги давр талабларидан келиб чиқсак, анъанавий таълимнинг самарадорлиги етарли эмас. Кундан кунга интерактив методлар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига киритиш долзарб бўлиб бормоқда. Инновацион услублар ўқувчиларни мустақил ўрганишга, таҳлил қилиш ва эгаллаган билимларидан хулоса чиқаришга ўргатади. Бу ўқитиш жараёнида ёшларнинг фаоллигини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда катта аҳамиятга эга.

Таълим жараёнида инсон ўқиганининг 10 фоизини, эшитганининг 20, кўрганининг 30 ҳамда мустақил бажарганининг 90 фоизини ўзлаштирар экан. Айнан инновацион услубларга асосланган вазифа ҳамда топшириқлар ўқувчиларнинг мустақил ўқиб-ўрганиши учун қулай шароит яратади.

Ўқувчилар тиришқоқлиги, диққатини жамлай олиши, қобилияти ва бошқа сифатлари билан бир-биридан анча фарқланади. Янгича педагогик технологиялар эса ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашиш имконини беради.

Сир эмас, айрим ўқув муассасаларидаги муסיқа дарслари муаллим фақат гапирадиган, ўқувчилар эса эшитадиган зерикарли машғулотга айланиб қолган. Чинакам дарс фикрлар алмашинуви, савол-жавоблар, мантиқли мунозаралардан иборат бўлмоғи



керак. Эски услубдаги машғулотлар ўқувчиларни зериктиради.

Қуйида самараси амалиётда исботланган инновацион педагогик услублардан баъзиларини баён қиламиз.

«Ақлий ҳужум» ёки «фикрлар кураши» бирор масала ечимини гуруҳ шароитида топиш усули. Ушбу услубни ташкил этишда аввало ўқувчиларга муҳокама учун муаммо тавсия этилади. Ўртага ташланган ҳар қандай таклиф, ғоя эътирозсиз қабул қилинади. Асоссиз, мантиққа зид кўринган ғоялар муаллифларига нисбатан ҳам салбий муносабат билдирилмайди. Барча ғоялар бирма-бир муҳокама этилади. Фикрлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади, асослилиги ва аҳамиятига кўра тартибга солинади. Сўнгра ягона тўхтамга келинади, уни тақдим этувчи вакил тайёрланади.

«Чолғуни топинг» усулида ўқувчиларга турли хил чолғу асбоблари сурати туширилган карталар берилади. Ўқитувчи бирор миллий чолғуда ижро этилган мусиқани эшиттиради. Ўқувчилар эса мусиқий асар қандай асбобда ижро этилганини қўлларидаги карталар орқали кўрсатади. Энг фаол қатнашган ва топқир ўқувчилар баҳоланади ва рағбатлантирилади.

Махсус ўйинлар ўқувчиларни бирлаштириш, фикр алмашиш, бир-бирини қўллашга ўргатиш мақсадида ташкил қилинади.

Ўйин-дарсларнинг янги инновацион технологияга оид ўтилиши қоидалари қуйидагича: аввало ўйинлар 32 дақиқадан ортиқ давом этмаслиги зарур. Ўйинда истисносиз барча ўқувчилар иштирок этиши лозим.

«Ролли ўйинлар» жараёни маълумотларни ўзлаштиришни енгиллаштиради. Энг муҳими, ролли ўйинларда барча қатнашади.

«Жуфт-жуфт бўлиб ишлаш» ўйинида ўқувчиларга жуфт-жуфт бўлиб ишлаш учун имконият берилади. Айниқса, бу ўйин вокал ансамбл, вокал қўшиқчилик, хор бўлиб куйлашда бирга ишлаш, айрим масалаларни изоҳлаш, энг яхши ечимларни тавсия этишда қўл келади.

«Бир-бирига сабоқ бериш»да ўқувчиларга ўзини ўқитувчи ёки эксперт ўрнига қўйиш имкони берилади. Улар матн, қўшиқ устида мустақил ишлаши ва бунини бошқаларга тушунтириб беришлари керак.

«Ўзаро савол-жавоб»да ўқувчилар мавзу бўйича бир-бирларига савол беради. Саволлар ўқитувчиларга берилиши ёки, аксинча, ўқитувчи ўқувчиларга саволлар бериши мумкин.

«Муҳокама»да ўқувчилар муаммога ўз муносабатини билдиради ва шунга кўра бир неча гуруҳга ажралади. Гуруҳлар мунозарига киришади. Ким ўз фикрини ўзгартирса, бошқа гуруҳга ўтиши мумкин.

Шунингдек, «кластер», «мусиқани топ», «инсерт», «рақамларни танла», «синквейн», «биргаликда ўқиш», «эссе», «хотирани чархлаш» ва бошқа замонавий усуллар ҳам таълим сифатини оширишда самара беради.

Мусиқа дарсларида инновацион услублар, ёндашувлардан унумли фойдаланиш ўқувчиларнинг қизиқиши, иштиёқи, бадиий ижодкорлигини кучайтиради. Машғулотларнинг самарадорлиги ортади. Мусиқа таълимида замонавий методларни қўллаш, инновацион технологиялардан оқилона фойдаланиш педагогик жараёнга таъсир этувчи ва унинг самарадорлиги, яхлитлиги ва муваффақиятини белгилаб берувчи муҳим омилга айланди. Бу – ҳозирги давр талаби.

SUMMARY

The 2nd edition of magazine "Ma'naviy hayot" has been published.

All the articles and essays in this edition are unique and colorful.

The first article of the magazine is an essay-material by Turdimurod Mustafojev from Surkhandarya entitled "Urush bilan dunyoni olib bo'lmaydi". The memories and lessons of the 103-year-old Hayit Musayev, who was a war participant, fill the readers with thoughts and encourage them to think.


The journalist Shahnoza Rofiyeva's interview with senior mathematician and academician O'tkir Roziqov is called "Kelajakni matematikaga asoslab qurishimiz kerak". The teacher's observations will not leave the student indifferent.

The article entitled "O'zga yurtda o'zlikni asrab" talks about Uzbek girls who have studied abroad and have not lost their identity in other countries. The path of these sisters, who are an example to our young girls, is expressed in the interpretation of journalist Guljahon Namozova.

"Biz nimalar haqida so'zlashamiz?" is the article on an analytical topic that reveals the spiritual image of the people of our society by famous poet Qutlibeka Rahimboyeva. We believe that this article will not leave readers indifferent.

The article by the famous writer Xayriddin Sulton named "Dovrug'i Olatovdan oshgan adib" tells about the work and life path of the popular Kyrgyz artist and public figure Sulton Rayev.

Furthermore, the outline of the magazine contains articles such as "Yurak sahnasidagi kechmishlar" by People's poet of Uzbekistan – Usmon Azim that reflects the views of director Valijon Umarov's work, Azim Ro'ziyev's "Global qishloq chegarasi", Barno Sultonova's "Loyqa seriallar", Shodmonqul Salom's "Tavba saodati", Bayram Ali's "Sim-sim, eshigingni och". All of them allow you to look at the horizons of the spiritual world of New Uzbekistan.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ
№2 (42), 2024

Муассис:

Республика Маънавият
ва маърифат маркази

Бош муҳаррир:

Эшқобил ШУКУР

Ижодий гуруҳ:

Азим РЎЗИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Шодмонкул САЛОМ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мусулмон НАМОЗ

Ҳасан КАРВОНЛИ

Шаҳноза РОФИЕВА

Бобо РАВШАН

Гулжаҳон НОМОЗОВА

Масъул котиб:

Орзу АЪЗАМ

Фотограф:

Султонбой ДЕҲҚОНОВ

Муқова фотоси муаллифи:

Рустам НАЗАРМАТ

Сурхондарё, Сариосиё, Сангардак

(муқова)

Ҳамдам ШОРАҲМЕДОВ

Чорвоқ

(орқа муқова)

Манзил:

Тошкент шаҳри,

Бобур кўчаси, 6-уй.

е-mail: manaviyhayot@inbox.ru

Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);

90 319 11 41 (маркетинг ва

реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси

Матбуот ва ахборот агентлигидан

30.06.2015 йилда 0828-рақам

билан руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Журналдан кўчириб босилганда

манба қайд этилиши шарт.

Босишга 15.09.2023 да рухсат

берилди. Бичими 60x84 1/8.

Офсет усулида босилди.

Босма табоғи 14,0.

Буюртма № 4/132

Адади 6330 нусха.

Обуна индекси: 919

ISSN 2181-7766

Журнал «SMARTPACK PRINT»

МЧЖ ҚҚ нашриётида чоп этилди.

Манзил: Тошкент ш,

Тараққиёт кўчаси, 2-уй.

Тел.: 99 929 77 79

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

Ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб келади.

«Маънавий ҳаёт» журнали бу йўлда сизнинг
қўмакчингиздир.
Журналга обуна бўлинг!

Обуна
индекси:

919



